Библиотека Историческ. ин-та ТашГУ

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 4 ноябрь, шанба ◆ № 260 (13.820). ◆ Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада Кремлнинг Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси очилди.

РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

МОСКВА. 1967 йил 3 ноябрь. Кремлнинг Съездлар саройи. Суратда: КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисининг президиуми ва мажлислар зали.

(Фото сурат фототелеграф билан олинди. ТАСС — ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1967 йил 3 ноябрда эрталаб соат 10 да Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси очилди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ кириш нутқи билан очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ «Социализм улуғ ғалабаларининг эллик йиллиги» тўғрисида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, партия ветеранлари, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва граждан урушининг актив қатнашчилари, Москва шаҳри ва области меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арболари, марказий давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари иштирок қилмоқдалар.

Қўшма тантанали мажлисда социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, капиталистик мамлакатлар ва ривожланиб бораётган мамлакатлар коммунистик, миллий-демократик ва сўл социалистик партияларининг делегациялари, миллий-демократик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, социалистик мамлакатлардан Октябрь революцияси ва граждан урушида қатнашган кишилар, Жаҳон касаба союзлари федерацияси, Жаҳон Тинчлик Кенгаши, Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти, Халқаро журналистлар ташкилотининг делегациялари, коммунистик ва ишчи партиялар матбуоти органларининг бош редакторлари, барча қитъалардаги фан, адабиёт, санъат арболарини, прогрессив студентларни бирлаштирувчи халқаро демократик ҳаракатлар делегациялари, дипломатия корпуси, совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Танаффусдан кейин кечқурун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси давом этди.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Г. И. ВОРОНОВ Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин тантанали мажлис қатнашчилари қизғин кутиб олган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ ВЛАДИСЛАВ ГОМУЛКА нутқ сўзлайди.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. Е. ШЕЛЕСТ Украина Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси ўртоқ ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТНИНГ нутқини қизғин кутиб олдилар.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. М. МАШЕРОВ Белоруссия Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ ЛЕ ЗУАН Вьетнам Демократик Республикаси қаҳрамон халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, совет халқига қардошларча табригини топширди ва Америка империализми агрессиясига қарши оғир курашда ёрдам ва кўмак бераётганликлари учун самимий ташаккур изҳор қилди. Тантанали мажлис қатнашчилари ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини мардона ҳимоя қилаётган халқ вакилини қизғин табрикладилар.

Мажлисда ҳамма томонидан қизғин кутиб олинган Франция Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ ВАЛЬДЕК РОШЕ нутқ сўзлади.

Пионер карнайларининг садоси янграйди. Бутун залнинг қарсаклари остида пионерлар кириб келадилар. Мажлис қатнашчилари ёш ленинчиларни ўринларидан туриб кутиб оладилар. Пионерлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советига табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Шу билан кечки мажлис тамом бўлди.

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ЖАҲОН УЗРА ҲИЛПИРАМОҚДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Ярим аср чўққисидан қараганда мамлакатимиз босиб ўтган қаҳрамонона йўл айниқса равшан кўринib турибди. Улуғ Октябрь жаҳонни революцион тарада янгилаш даврини, инсоният тарихида янги босқични очиб берди. Қисқа муддат — эллик йил ичида Совет Иттифоқи эркин ва завқли меҳнат қилинадиган қудратли социалистик давлатга, гуркираб ривожланиб бораётган энг илғор экономика, фан, маданият мамлакатига айланди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида тарихда биринчи бўлиб социалистик жамият барпо этдилар, биринчи бўлиб коммунизм қуришни бошлаб юбордилар. Октябрь мамлакати кўтарган социализм байроғи эндиликда бутун инсоният порлоқ келажагининг рамзи бўлиб планета узра ҳилпираб турибди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси қатнашчилари халқимизнинг буюк зафарлари учун қувонч ва ифтихор туйғулари билан, келажакдаги муваффақиятларга ишонч туйғулари билан 3 ноябрь эрталаб Кремлнинг Съездлар саройига тўпланишди.

Саройнинг катта залида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, Совет Иттифоқи ва Россия Федерацияси Олий Советларининг депутатлари, партия ветеранлари, Октябрь революцияси ва граждан урушининг актив иштирокчилари, марказий ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари, Москва шаҳри ва области меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Армияси ва флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арболари, Совет давлатининг 50 йиллик байрамида қатнашмоқ учун Москвага келган чет эллик меҳмонлар ўтиришибди.

Эрталаб соат 10... **Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев** ўртоқлар мажлис президиумига кириб келганларида мажлис аҳли уларни ўринларидан туриб узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олади.

СССР Олий Совети, Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Раислари ва уларнинг ўринбосарлари, РСФСР Олий Советининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси, партиянинг ветеранлари, революция ва граждан урушининг актив қатнашчилари, чет эл делегацияларининг бошлиқлари ҳам улар билан бирга эди.

Тантанали мажлисни **Н. В. Подгорний** кириш нутқи сўзлаб очади.

— Азиз ўртоқлар! Муҳтарам чет эллик меҳмонлар! — дейди Н. В. Подгорний. — Мана шу шонли кунларда Ватанимиз халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллигини тантанали суратда шодиёна нишонламоқдалар, коммунистик жамият қуриш йўлида ўзлари эришган муваффақиятларнинг улуғвор якунларини тўпламоқдалар.

Миллион-миллион мазлум ва ночор меҳнат аҳли ҳамиша порлоқ, адолатли жамият орзусида яшаб келди. Меҳнат аҳли шу орзуни рўёбга чиқариш учун асрлар бўйи курашиб келди. Большевиклар партияси раҳбарлигидаги Россия пролетариати меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашларини жипслаштириб, 1917 йил октябрида тарихда биринчи марта эксплуатация ва ҳуқуқсизлик тузумини абадий йўқотиб ташлади ва социалистик жамият барпо этишга киришди. Ленин партияси нимага даъват қилган бўлса ва халқ оммаси нима учун курашган бўлса, — буларнинг ҳаммаси рўёбга чиқди!

Партия халқ онгига ўзининг нимага қодир эканлиги тушунчасини сингдирди, уни янги жамият қура олишига ва бу жамиятни идора қила олишига ишонтирди. Октябрь революцияси янги типдаги давлатни — Советларнинг Социалистик Республикасини, демократиянинг янги типини — чинакам халқ ҳокимиятини вужудга келтирди. Совет ҳокимиятининг эллик йили меҳнаткашлар эксплуатация кишанларини парчалаб ташлаб, ўзлари жамият ишларига капиталистларсиз ва капиталистлардан яхшироқ раҳбарлик қила олишларини жуда яққол исбот этди.

Мамлакатимизнинг жуда катта муваффақиятлари, унинг иқтисодий қудрати ўсганлиги, халқ фаровонлиги ва маданияти юксалганлиги равшан ва шубҳасиздир. Бу муваффақиятлар — Октябрь революцияси улуғ бунёдкорлик кучининг, Коммунистик партия донолигининг натижаси, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, халқ зиёлилари, коммунизм учун мислсиз шижоатлар кўрсатаётган революционер халқ, ижодкор халқ бўлмиш бутун кўп миллатли совет халқи бир неча авлоди қилган фидокорона меҳнатнинг самараларидир! **[Қарсаклар].**

Бизнинг халқимиз биринчи бўлиб социализмга йўл солди. Бу йўл мураккаб ва қийин эди — биринчиларга ҳамиша қийин бўлади. Душманлар бизнинг олға ҳаракатимизга ҳалақит бериш учун ҳеч нарсадан қайтмадилар. Ғалабалар нашъасини суриш билан бирга қийинчиликлар, маҳрумликлар аламини, берилган қурбонлар доғини тортишга тўғри келди.

Совет халқининг кўпдан-кўп ўғил ва қизлари социалистик Ватан учун олиб борилган жангларда, коммунизм тантанасини деб ўз жонларини қурбон қилдилар. Уларнинг жасорати халқ хотирасида абадий сақланади. Ҳалок бўлганларнинг қабрларидан зиёратчилар аримайди, абадий шонушҳрат оловлари ҳеч қачон сўнмайди.

Ҳалок бўлган жангчилар хотирасини ўринларидан туриб ҳурматлашингизни сурайман. **[Ҳамма ўринларидан туради].**

(Давоми 7- бетда).

СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ доклади

Марказий Комитет аъзолари ўртоқлар!
Депутат ўртоқлар!
Чет эллардан келган ҳурматли меҳмонларимиз!
Азиз дўстлар!

Бундан 50 йил муқаддам жаҳоншумул тарихий воқеа рўй берган эди. Россия ишчилари ва деҳқонлари Коммунистлар партияси раҳбарлигида ўшанда давлат ҳокимиятини ўз қўлларига олдилар. «Большевиклар зарурлигини ҳамиша айтиб келган ишчи ва деҳқонлар революцияси рўёбга чиқди» деб Лениннинг айтган сўзлари бутун мамлакатда, бутун дунёда янграган эди.

Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Бутун Россия иккинчи съезди Смольнийда бошланган пайтда Қишки саройга қилинаётган штурм давом этаётган эди. Съезд партиямизнинг асосчиси ва революциянинг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин бошчилигида Совет ҳукуматини тузди. Ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи давлати вужудга келди. Улуғ Октябрь Россиянинг бепоён территорияси бўйлаб ўзининг зафарли юришини бошлади.

Еттинчи ноябрь инсоният тарихида янги давр очди, янги, социалистик йил ҳисобини бошлаб берди. Ўша куни социалистик жамият пойдеворининг асосий тоши қўйилган эди.

Октябрь ғалабаси социализм идеалларини амалга оширмоқ учун йўл очиб берди. Қисқа тарихий муддат ичида Ватанимиз асрий қолоқликни тугатиб, юксак даражада ривожланган қудратли давлатга айланди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида биринчи бўлиб социалистик жамиятни вужудга келтирдилар, биринчи бўлиб коммунизм қуришга киришдилар.

Октябрь социалистик революцияси бутун жаҳон ижтимоий тараққиётини жуда кучайтириб юборди, революцион ва озодлик курашининг боришини тезлаштирди. Октябрь марксизм-ленинизм идеялари байроғи остида ғалаба қилди. Ҳозирги кунда бу идеялар миллионларнинг зеҳнига ва қалбига сингиб кетди, қудратли, бунёдкор куч бўлиб қолди.

Ўтган ярим асрнинг тарихий якуни шундан иборатки, жаҳон майдонидаги кучларнинг нисбати ишчилар синфи фойдасига, бутун тараққиёт, демократия ва социализм кучлари фойдасига тубдан ўзгарди.

Коммунистик партия Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети азиз ватандошларимизни — ишчилар ва колхозчиларни, зиёлиларни, Совет Армияси ва Флотининг жангчиларини, барча совет кишиларини улуғ байрам билан қизғин қутлайдилар!

Бутун дунёдаги миллион-миллион меҳнаткашлар Октябрь революциясининг юбилейини энг азиз ва табаррук байрам қилиб нишонламоқдалар. Мана шу тантанали кунларда Ленин партияси, бутун совет халқи ўзининг чет эллардаги дўстларига, сафдошлари ва қардошларига қизғин революцион салом йўллайди!

Асрлар ўтажак, инсоният замондошларимизнинг ғоят дадиллик билан хаёл қилган чўққилардан ҳам ошиб кетажак, кўп воқеалар унутилажак. Лекин 1917 йилнинг еттинчи ноябри — биринчи зафарлари социалистик революция қилинган кун келажак авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолади.

Улуғ Октябрь иши асрлар яшайберади!

I. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ—МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўртоқлар! Халқлар тақдирида, ижтимоий ривожланишда катта роль ўйнаган революциялар инсоният тарихида оз эмас. Октябрь революцияси шу революциялар орасида — ўзининг характери жиҳатидан ҳам, ўзининг тарихий оқибатлари жиҳатидан ҳам алоҳида ўрин олиб турибди. У одамни одам томонидан эксплуатация қилишини тугатди ва меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб жамиятни қайта қуришни бошлаб берди. У ишчилар синфини, барча меҳнат аҳлини золимларнинг минг-минг йиллик ҳукмронлиги вужудга келтирган кулфатлар, азоб-уқубатлар ва хўрликлардан қутқариш даврини очди.

Ўтмиш воқеалари ўзига нисбатан ҳар хил муносабат туғдиради. Шу воқеаларнинг баъзиларида гарчи муҳим ва ибратли бўлса ҳам, аммо тарих саҳифаларинигина кўриш мумкин. Баъзилари ҳатто орадан ўн йиллар ўтгандан кейин ҳам бугунги кунимизнинг бамисоли бир қисми бўлиб қолаверади, фақат тарихчиларнигина эмас, шу билан бирга шу кунларнинг сиёсий курашида қатнашаётган ҳамма кишиларни ҳам қизиқтираверади. Октябрь революцияси худди мана шундай воқеалар жумласига киради.

Октябрдан кейин ўтган 50 йил мобайнида жаҳон революцион ҳаракати катта ва хилма-хил тажриба билан бойиди. Бу тажриба революцион кураш йўллари ва методлари тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтирди, ишчилар синфининг революцияси етилаётган ва қилинаётган шароитнинг бутун хилма-хиллигини ҳисобга олиб бориш нақадар муҳим эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга мана шу тажриба нуқтаи назаридан қараганда социалистик революциянинг муштарак қонуниятлари аҳамияти тағин ҳам равшанроқ бўлиб қолди. 1917 йил революцияси ана шу қонуниятларни шу қадар тўлиқ ва зўр куч билан рўёбга чиқарганлиги учун ҳам мана ярим асрдирки, жаҳон революцион жараёни Октябрнинг қудратли таъсирини ўзида ҳис қилиб турибди.

Россияни социализмга олиб келган йўл—жаҳон тарихининг, бутун инсоният цивилизациясининг энг тўғри йўлидир. Россия шароити ҳар қанча ўзига хос бўлса ҳам, аммо Октябрь революцияси бутун бир тарихий даврнинг — капитализмдан социализмга ўтиш даврининг асосий, бош тенденцияларини ифодалаб бердики, жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бутун бориши шу ўтиш даврини тайёрлаб берган эди.

Ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўғаноқ бўлиб қолганида, капитализм ўрнини социализм эгаллаши зарур ва муқаррар ишга айланган эди. Капитализм ўзининг гўркови бўлган ишчилар синфини ўзи вужудга келтирди. Халқаро пролетариатнинг кўп йиллик қаттиқ курашида вужудга келган жанговар тажриба капиталга қарши синфий жангларда меҳнаткашларнинг даҳшатли қуроли бўлиб қолди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясини илғор ижтимоий фикрнинг бутун ривожланиши тайёрлаб берди. Бу ривожланиш марксизмда ўзининг чўққисига кўтарилди. Буюк мутафаккир ва революционерлар бўлган Карл Маркс билан Фридрих Энгельс чинакам ижодий шижоат кўрсатиб, социализмни утопиядан фанга айлантириб, барча мазлумлар ва йўқсулларга озодлик ва бахт йўлини кўрсатиб бердилар.

Социалистик революция эски дунё замирида етилиб борди. Социалистик революция эски дунёнинг энг заиф бўғини бўлган Россияда бошланиб кетди. XX асрнинг бошида Россияда империализмнинг барча асосий зиддиятлари бир тугун бўлиб тўпланган эди.

Бу ерда капитализмнинг тез ривожланиб бораётганлиги ҳал қилиб бўлмайдиган кўпгина проблемаларни вужудга келтирди, синфий антагонизмларни тобора кўпроқ чуқурлаштира берди. Ярим феодаллик тузум шароитида меҳнаткашлар оммаси капиталистик эксплуатация азобинигина тортиб қолмасдан, шу билан бирга помешчиклар зулми, шафқатсиз сиёсий зулм ва миллий асорат азобини ҳам тортмоқда эди. Ўша вақтда бошқа ҳеч бир мамлакатда даврнинг социал ва сиёсий зиддиятлари шу қадар кескинлашмаган, шу қадар қиёмига етмаган эди.

Биринчи жаҳон уруши воқеаларнинг ривожланишини тезлаштириб юборди. Бу уруш меҳнаткашлар оммасининг маҳрумликлари ва кулфатларини охирги чекига етказди, чор самодержавиесининг, сўнгра эса муваққат ҳукуматнинг ҳам чириклигини ва ожизлигини яққол кўрсатди. Ўша кунларда Ленин, эски ҳокимият вулқон устида турибди, халқ онгида ҳали рўёбга чиқиб улгурмаган буюк иш қилинди, ҳавода тўпланиб қолган электр кучи ҳамма нарсани мусаффо қилувчи момақалдироқ бўлиб муқаррар портлаши лозим, деб ёзган эди.

Шундай қилиб Октябрь тажрибаси шуни кўрсатдики, революция учун объектив шарт-шароит етилганидагина у енгиб чиқади. Революциянинг бу қатъий қонунини ҳеч ким бекор қила олмайди. Шу билан бирга Октябрь революцияси шуни кўрсатиб бердики, эски тузумни ағдариб ташламоқ учун қулай объектив шарт-шароитдан ташқари яна бир нарса бўлиши керак, у ҳам бўлса меҳнаткашлар оммаси синфий душман билан ҳал қилувчи тўқнашувга етарли равишда тайёрланган ва уюштирилган бўлиши лозим.

Россия ишчилар синфи бу вазифани муваффақиятли бажарди. У жаҳон пролетариатининг энг революцион отряди бўлиб ташкил топди. Мамлакат ҳаётида унинг сиёсий роли сонига нисбатан таққослаб бўлмас даражада катта эди. У мамлакатимиз халқларининг энг яхши революцион традицияларини муносиб равишда давом эттирди, жаҳон пролетариатининг революцион тажрибасини ижодий қабул қилди. У ўзининг жанговар отрядини — большевиклар партиясини вужудга келтирди, большевиклар партияси социализмни ишчилар ҳаракати билан, омманинг стихияли ғазаби билан қўшишга муваффақ бўлди. Маркс билан Энгельс таълимоти Россиядаги илғор ишчиларнинг дунёқараши бўлиб қолди. Ленинчи большевиклар бу таълимотнинг софлигини сақлаб қолдилар ва уни янги тарихий шароитга — империализм шароитига, ўз мамлакатларидаги революцион курашнинг конкрет вазифаларига татбиқан ривожлантирдилар.

Большевиклар ҳамиша шу нарсага асосландиларки, социалистик революция юқори доирада бўладиган тўнтариш эмас, қаҳрамонлар группасининг фитнаси эмас, балки меҳнаткаш халқ кенг оммасининг ҳаракатидир. Ҳамиша омманинг ичида бўлиб, омманинг курашига бошчилик қилиб, партия миллион-миллион ишчилар, деҳқонлар ва солдатларни революциянинг ягона армиясига жипслаштира олди. Большевиклар ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини ҳормай-толмай тобига етказдилар. Бу иттифоқ мамлакатимизда революциянинг ва пролетариат диктатурасининг мустаҳкам негизи бўлиб қолди. Халқ оммасининг ижодкорлиги 1905 йилдаёқ вужудга келтирган Советларни Ленин партияси меҳнаткашлар сиёсий ҳокимиятининг янги формаси деб билди.

Кўп йиллик синфий кураш давомида, ҳар иккала буржуа-демократик революцияларнинг жангларида Ленин ва ленинчилар революциянинг стратегияси ва тактикасини муттасил такомиллаштира бердилар. Партия Октябрь инқилобини қилишга тайёрланиб, легаль ва нолегаль, тинч ва нотинч, махфий ва ошкора курашнинг ҳамма формаларини қўлланишда жуда бой тажриба тўплади. Партия мана шу формаларнинг тезлик билан алмашинишига тайёр бўлиб турди, ишчилар синфики энг мураккаб ва чигал вазиятда тарихнинг ҳамма тўсиқлари ва тўғаноқлари орқали олиб бораверди. Ҳал қилувчи пайт келиши билан Россиянинг ишчи ва деҳқонлари большевиклар сиёсатининг тўғри сиёсат эканлигига ўз тажрибаларида қаноат ҳосил қилиб, Ленин партияси кўрсатган йўлдан бордилар, унинг шиорларига қулоқ солдилар ва енгиб чиқишга муваффақ бўлдилар.

Октябрь қуролли қўзғолони шу қадар зўр маҳорат билан, ишчи-деҳқон ва солдатлар оммасининг кайфиятини шу қадар тушуниб тайёрланган эдики, бу қўзғолон революцион стратегия ва тактиканинг намунаси бўлиб, ҳақли равишда тарихга кирди. Революциянинг қизил Питерда ёндирилган алангаси бутун мамлакатни ўз ичига олди, унинг энг узоқ чекка ўлкаларигача бориб етди.

Октябрь революциясининг ғалабаси ленинчи большевиклар кўп йиллар давомида олиб борган қаттиқ ва машаққатли ишнинг, қаҳрамонона ва кескин курашнинг натижасидир. Октябрь тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳатто қулай шарт-шароит бўлган тақдирда ҳам ишчилар синфи омма билан маҳкам боғланган ва революцион курашнинг барча формаларини эгаллаб олган ўз авангарди — марксчи партия раҳбарлигидагина социалистик революция қилиши мумкин. Бу—революциянинг яна бир қатъий қонунидир.

Маълумки, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг боши да халқаро ишчилар ҳаракатида оппортунизм чуқур томир отган эди. II интернационал раҳбарлари оппортунизмнинг асосий намояндалари эди. Социализмга қандай қилиб бориш керак: революция орқали бориш керакми, ёки ишчилар ҳаракатининг вазифаларини капиталистик тузум асосларига дахл қилмайдиган жузъий талаблардан иборат қилиб қўяётган реформизм йўли билан бориш керакми, деган катта тортишув бўлмоқда эди. Бу тортишувни тарихий практика ҳал қилиши, бу тортишувда ўзининг охирги сўзини айтиши лозим эди. Бундай сўзни Октябрь революцияси айтди. У революция қандай формада қилинмасин, ишчилар синфи фақат революция орқали ғалабага эришуви мумкинлигини кўрсатиб берди.

Октябрь революцияси фақат сиёсий ҳокимиятнинг алмашинишидан иборат бўлгани йўқ. У жуда чуқур социал-иқтисодий тўнтариш бўлиб, халқ турмуши қатламларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Россия воқелигининг ҳамма жиҳатларига дахл қилди. Октябрь ишчилар синфини ҳокимият тепасига чиқариб қўйиб меҳнаткашларни эксплуатациядан озод қилди, корхоналар банклар темир йўлларни уларнинг қўлига олиб берди, деҳқонларга ер берди, Россия аҳолисининг ярмисига азоб бериб келган миллий асоратни тугатди, мамлакатни империалистик урушдан тортиб олди.

Синфий душманлар қаршилик кўрсатиши натижасида туғилган бениҳоя кўп қийинчиликлар ва хўжаликдаги вайронлик вазиятида ёш Совет давлати ўзи вужудга келган кундан бошлаб жамиятни қайта қуриш ишларини амалга оширишга киришди. Ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигини, барча тоифавий имтиёзларни бекор қилиш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш, хотин-қизларни тенг ҳуқуқли қилиш, маорифни демократик асосда ислоҳ қилиш, халқ соғлиғини сақлашни ташкил этиш, фан ва санъатни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш шундай масалалар бўлдики, Совет ҳокимияти ўз фаолиятини ана шу масалаларни ҳал қилишдан бошлади.

Мана шуларнинг ҳаммаси жуда катта принципиал аҳамиятга эга бўлди. Социалистик қурилиш эпопеяси авж олдирилаётганлигини кўриб турган жаҳон халқларига пролетар революцияси эскиликни емиришдан иборат эмаслиги революциянинг биринчи куниданоқ аён бўлмаслиги мумкин эмас эди. Революциянинг асосий моҳияти, унинг бутун муддаоси — бунёдкорликдир, янги турмуш қуришдир.

Марксчи-ленинчилар ҳамиша шу нарсага асосландиларки, ҳокимият тўғрисидаги масала ҳар қандай революциянинг туб масаласидир. Лекин коммунистлар ҳокимиятни қўлга олиш билан чекланиб қолишни ҳеч қачон ўзларига асосий мақсад қилиб қўйган эмаслар. Улар пролетар диктатурасини янги, социалистик жамият қуриш учун, меҳнаткаш халқнинг бахти ва саодати учун курашнинг асосий воситаси, деб ҳисоблаб келдилар ва ҳисобламоқдалар.

Синфий курашнинг бутун тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, революция ўзини ҳимоя қила билган тақдирдагина у арзигудек революция бўла олади. Социалистик революцияга қарши эски дунёнинг ҳамма кучлари ёпирилиб келаётган шароитда бу ҳақиқат социалистик революция учун нақадар муҳим эканлигини Улуғ Октябрь яққол кўрсатди. Контрреволюция ва интервенциячиларнинг галалари ёш Совет Республикаси устига ёпирилиб келган даҳшатли кунларда, блокада, саботаж, қулоқларнинг исёнлари бўлиб турган вазиятда революцион Россия энг масъулиятли имтиҳонга дуч келди. У мана шу имтиҳондан ўтиб, ўзининг яшашга ҳақли эканлигини исботлади. Шунинг учун ҳам у имтиҳондан ўтдики, революцион ишчилар ва деҳқонлар ўзларига яқин, жонажон иш учун граждан уруши майдонларида, озиқ-овқат отрядларида, меҳнат фронтида жанг қилдилар, чунки уларнинг ўз тақдири, озодлиги, келажаги мана шу ишнинг ғалабасига боғлиқ эди.

Октябрь оловида туғилган Қизил Армия ўша кунларда ўзини сўнмас шон-шуҳратга қоплади. Революция жангчиларининг қаҳрамонлиги ва фидокорлиги, уларнинг ғалабани қўлга киритмоқ учун ўзларини фидо қилишга, ҳар қандай маҳрумликларга бардош беришга тайёр бўлиб турганлиги ҳозирги кунда ҳам жаҳонни ҳайратда қолдирмоқда. Перекоп, Каховка ва Волочаевка, чапаевчи қаҳрамонлар ва отлиқ аскарлар тилларда достон бўлди. Уларнинг шижоати совет кишиларининг янгидан-янги авлодларини тарбиялаш учун ўрнак бўлиб қолди. Социалистик Ватан учун фидокорона курашнинг граждан уруши йилларида пайдо бўлган анъаналари Октябрь ворислари бўлган бизлар учун мардлик ва матонатнинг, ғалабага бўлган ироданинг туганмас манбаи бўлиб, абадий сақланиб қолади.

Россия ишчиларини бутун дунёдаги синфдош қардошлари билан маҳкам ва чамбарчас боғлаган пролетар интернационализми Октябрь революциясининг ажойиб белгиларидан бири бўлди. Тўла асос билан шуни айтиш мумкинки, Октябрнинг ғалабаси айни вақтда меҳнаткашлар халқаро қардошлигининг ҳам ғалабасидир, пролетар интернационализмининг ҳам ғалабасидир. Венгерлар ва поляклар, серблар ва хорватлар, чехлар ва словаклар, болгарлар ва австрияликлар, немислар ва финлар, руминлар ва монголлар, корейслар ва хитойлар, бошқа кўпгина миллатларнинг намояндалари мамлакатимиз халқларининг фарзандлари билан ёнма-ён туриб Қизил Армия сафларида жанг қилдилар. Бу — революционерларнинг жанговар интернационали бўлди.

Революция сафидагилар граждан уруши фронтларида Октябрь иши учун жанг қилганлардангина иборат бўлгани йўқ. Интервенциячиларни ўз эскадрасини Одессадан олиб кетишга мажбур қилган француз денгизчиларининг шижоати тўғрисидаги, «Россиядан қўлингни торт!» деб шиор ташлаган инглиз ишчиларининг чиқишлари тўғрисидаги хабар бутун Европага ёйилди. Европа қайнамоқда эди. Қўзғолонлар, забастовкалар, намойишлар тўлқини кетма-кет кўтарилаверди. Ишчилар ҳаракати қудратли куч бўлиб кўтарилганлиги халқаро контрреволюция кучларининг пайини қирқди, империалистик интервенциячиларнинг ҳамласини бўшаштириб қўйди.

Ўша йилларда ўзининг ақли ва қалби билан Октябрнинг аҳамиятини тушунган, халқимизнинг революция ғалабаларини ҳимоя қилишига ёрдамлашган кишиларнинг ҳаммасига, чет эллардаги сафдошларимизга совет коммунистлари ва барча совет кишилари номидан чуқур ҳурмат ва қизғин ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар! Октябрь ғалабаси — ленинизм ғалабасидир. Россияда социалистик революцияни тайёрлаш ишларининг ҳаммаси, Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимизнинг вужудга келтирилиши ва тарихи, уруш фронтларидаги ва тинч қурилишдаги ғалабаларимиз абадий барҳаёт Лениннинг номи ва фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Владимир Ильич Ленин большевистик партиянинг асосчиси бўлиб, меҳнаткашлар оммасининг энг буюк йўлбошчиси ва ташкилотчиси бўлиб ва айни вақтда гениал олим бўлиб тарихга кирди. У революционер деган сўзнинг энг юксак ва энг олижаноб маъносини ўзида мужассам қилган революционер эди. Унинг бутун ҳаёти меҳнаткаш халқнинг бахти ва манфаатлари учун кескин кураш жараёнида ўтди.

Октябрь йўлбошчиси революциянинг стратеги сифатида ҳам, сиёсий тактиканинг беқиёс устаси сифатида ҳам буюкдир. Сиёсий кучлар нисбатидаги заррача силжишни ҳам, омманинг кайфиятидаги заррача ўзгаришни ҳам сезгирлик билан пайқаб олаётган Ленин шу кайфиятларни катта сиёсат тилига ғоят аниқ қилиб ўтказа оларди, ҳар бир шароитнинг ўзи учун энг таъсирли оммавий шиор беришга, мақсад сари олиб борадиган энг тўғри йўлни кўрсатиб беришга моҳир эди.

Ленин идеология ва сиёсатнинг принципиал масалаларида муросасиз эди. Лекин шунга қарамай, у конкрет проблемаларга ёндошишда жуда эпчиллик билан ҳаракат қила олар эди. Оташин революционер бўлган Ленин сохта революцион гапдонликни сира аямай масхара қилиб кулар эди. Ўз табиати билан хормас курашчи бўлган Ленин лозим бўлиб қолган пайтларда компромисс йўлни тутишни, куч йиғиб олиб, сўнгра тағин ҳам муваффақиятлироқ ҳужумга ўтмоқ учун қандай қилиб чекинишни яхши билар эди.

Ҳар қандай қайсарлик ва догматизм Ленинга тамомила ёт эди. Назария ва сиёсатда ижодий йўл тутиш туфайли Ленин марксизмнинг революция тўғрисидаги таълимотини, социализм қуриш тўғрисидаги фанни ҳар томонлама ривожлантиришга ва бойитишга муваффақ бўлди. Ҳамиша амалий иш ичида қайнаб турган, кечиктириб бўлмайдиган бениҳоя кўп масалаларни ҳал қилиб турган Ленин Россияда социалистик қурилишнинг бош йўлини ишлаб чиқди, совет ички ва ташқи сиёсатининг принципиал негизларини қурди.

Сиёсий арбоб сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам Ленин ўзининг ғоят камтарлиги билан фарқ қилар эди. Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи давлатига революция дарға қилиб қўйган киши бўлган Ленин ҳеч қандай гердайишни, ўзига ҳеч қандай маҳлиё бўлишни билмасди, ўзига нисбатан юксак даражада талабчан эди.

Советларнинг Бутун Россия II съезди минбарида туриб Ленин социалистик революция ғалаба қозонганини эълон қилганида 47 ёшда эди. Лениннинг қалби уришдан тўхтаганида ёши 54 да эди. Лекин ўлим Лениннинг даҳосининг улуғлиги олдида ожиз бўлиб қолди. Биринчи беш йилликлар қайнаб турганида Ленин биз билан бўлди. Улуғ Ватан урушининг жангларида Ленин биз билан бўлди. Совет Иттифоқи халқлари коммунизм қуриш вазифаларини амалий ҳал қилишга киришиб, янги тарихий марраларга чиқиб олган ҳозирги пайтда ҳам Ленин биз билан бирга.

Лениннинг ишини унинг ўзи тузган партия давом эттирди. Қийин, лекин фахрли вазифа — Лениннинг ўлмас идеяларини амалга ошириш вазифаси, Ленин фикрларининг абадий барҳаёт меросини ҳаётга сингдириш вазифаси партиянинг зиммасига тушди. Бизнинг партиямиз — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — бу вазифани шараф билан уддаламоқда.

Октябрь революциясининг эллик йиллик юбилейи — ленинизмнинг тантанасидир, Ленин партияси идеялари ва ишларининг тантанасидир.

Ленин йўлидан ҳамиша оғишмай боришни партиямиз, совет халқи Ленин хотирасини чексиз ҳурматлашни ифодалашнинг энг яхши усули деб билади!

2. СССРДА СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИ—СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ УЛКАН ЖАСОРАТИ

Ўртоқлар! Совет Россияси меҳнаткашлари қўлда қурол билан революцияни ҳимоя қилиб, Ленин партияси раҳбарлигида социализм чўққилари сари кўтарила бошладилар. Бу — буюк ва оғир йўл, совет халқининг унутилмас улкан жасорати эди.

Совет ҳокимиятига чоризмдан экономикаси ва маданияти паст даражада ривожланган мамлакат мерос бўлиб қолган эди, етти йиллик уруш эса — аввал империалистик уруш, сўнгра граждан уруши — халқ хўжалигини ҳатто урушдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ҳам анча орқага суриб ташлади. Бизни душман капиталистик давлатлар қуршаб олган эди. Жанг майдонларида тор-мор келтирилган синфий душманлар қаршилик кўрсатишни тўхтатмадилар; улар ёш ишчи-деҳқонлар давлатига путур етказиш, уни заифлаштириш учун энг кичик имкониятдан ҳам, энг майда воситалардан ҳам фойдаланишга интилдилар. Ўнг ва «сўл» оппортунистлар партияни ленинча бош йўлдан буриб юборишга уриндилар.

Социализм қуриш биз учун мураккаб иш бўлганлигига яна бир сабаб шу эдики, биз биринчилар эдик. Биз ҳеч кимдан ўргана олмас эдик. Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган Коммунистик партия социализмга олиб борувчи йўлнинг умумий йўналишинигина билар эди. Бироқ, у ана шу йўлда ҳар қадамда учраб турадиган, барча проблемаларни билмас ва билолмас эди. У тайёргина ҳал қилиб қўйилган проблемалар ҳақида ҳатто орзу ҳам қила олмас эди. Лениннинг образли ибораси билан айтганда агар буржуазия ҳокимият тепасига келган вақтда «алла қачон синаб кўрилган экипажга, олдиндан тахт қилиб қўйилган йўлга, олдиндан синаб кўрилган механизмларга» эга бўлган бўлса, ҳокимиятни қўлга олган пролетариатнинг «экипажи ҳам, йўли ҳам, умуман олдин синаб кўрилган ҳеч нарсаси, мутлақо ҳеч нарсаси йўқ» эди, (В. И. Ленин. Асарлар, 33-том, 203-бет). Фақат бизнинг Коммунистик партиямизгина дунёда биринчи бўлиб социализмга йўл очиши, янги жамиятнинг «механизмларини» амалда барпо этиши ва синаб кўриши лозим эди.

Социализм қурилиши бошланган кезларда вазият ана шундай эди. Эндиликда биз чиқиб олган чўққилардан туриб ўтмишда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни кўриш унчалик қийин эмас. Бирон нарсани тезроқ қилиш, бирон нарсани камроқ харажатлар билан яхшироқ бажариш мумкин эди, албатта. Аммо, босиб ўтилган йўлга объектив баҳо бермоқ учун ҳамиша шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир қадамимиз биз учун изланиш эди, олға томон ҳар бир силжишга мамлакат ичидаги ва жаҳон миқёсидаги душманларга қарши қатъий курашда эришилар эди.

Партия мамлакатимизни социалистик асосда тубдан ўзгартишга киришар экан, социализм қуриш учун йирик замонавий саноатни барпо этиш зарурлигини тушунар эди. Ана шу ишни тарихан жуда қисқа муддат ичида бажариш ёки мағлубиятга учраш — бизнинг олдимизда булардан бўлак йўл йўқ эди. Ана шунинг учун ҳам мамлакатни индустрлаштириш бизнинг асосий йўлимиз бўлиб қолди.

Ўша вақтда социализмнинг индустрия базасини қуриш учун Совет давлатида капитал оз эди, техника етишмасди, тажрибали кадрлар йўқ эди. Биз ташқаридан ёрдам олишга ҳам умид боғлай олмас эдик. Аммо бизнинг қўлимизда дунёдаги энг илғор ижтимоий тузум бор эди. Бизда омма революцион ғайрат-шижоатининг ғоят катта имконияти бор эди, худди ана шунинг ўзи совет халқига иложи йўқдек бўлиб кўринган ишни бажариш имконини берди.

Граждан уруши авжига минган 1920 йилдаёқ В. И. Лениннинг ташаббуси билан мамлакатимизда ва бутун жаҳон практикасида биринчи бўлган экономикани ривожлантиришнинг ягона умумдавлат плани — Россияни электрлаштириш давлат плани (ГОЭЛРО) тасдиқланди. Экономикани илмий асосда, планли, комплекс тарзда ривожлантириш тарихи ана шу пландан бошланди.

Ўтиш даврида Совет давлати хўжалик сиёсатининг асосий йўналишларини В. И. Ленин таърифлаб берди ва 1921 йилда РКП(б) X съезди тасдиқлади. Бу йўналишлар тарихга «янги иқтисодий сиёсат» (НЭП) номи билан кирди. Революцияни ҳимоя қилишга, мамлакатни вайроналик ва очарчиликдан сақлаб қолишга социалистик экономика пойдеворини бунёд этишга, капиталистик элементларни аста-секин суриб чиқариш ва тугатишга мўлжалланган бу сиёсатни кўп жиҳатдан ўша даврдаги вазиятга хос бўлган хусусиятлар тақозо этди.

Айни бир вақтда Ленин анча олға назар ташлади. У ўша вақтдаёқ ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини батамом сақлаб қолган социалистик хўжалик юритиш принципларини ишлаб чиқди. Марказлашган планлаштиришни меҳнаткашлар ташаббусини авж олдириш билан қўшиб олиб бориш тўғрисидаги, товар-пул муносабатларидан, хўжалик ҳисобидан, меҳнатнинг моддий стимулларидан фойдаланиш тўғрисидаги, умуман бугун жамият манфаатларини ҳар бир айрим ходимнинг манфаатлари билан бирга қўшиш тўғрисидаги Ленин қоидалари ҳозирги кунда ҳам партиянинг иқтисодий сиёсатида муҳим йўл кўрсаткичлардир.

(Давоми учинчи бетда).

СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ҒАЛАБА-ЛАРИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

(Боши иккинчи бетда).

Партия социалистик тузумнинг жуда катта афзалликларидан фойдаланиб, уч беш йилликдан камроқ вақт ичида мамлакатни индустрлаштиришнинг туб проблемаларини ҳал қила олди, бу проблемалар ВКП(б) XIV съезди қарорларида таърифлаб берилган эди. 40- йилларнинг бошига келиб мамлакатда кўп тармоқли социалистик саноат барпо этилди. Совет Иттифоқи саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатдан, унинг техника билан қуролланиши жиҳатдан Европадаги ривожланган капиталистик мамлакатлар даражасига чиқиб олди.

Биринчи беш йилликлар биздан қанчалик кўп узоқлашиб борган сари, ана шу оғир, лекин шонли давр кўз олдимизда шунчалик улуғвор бўлиб кўринади. Совет халқи юксак онглилик, уюшқоқлик ва мардлик кўрсатмаганда эди, мамлакатимиз ҳеч қачон социалистик мамлакат бўла олмас, илғор саноат давлатига айлана олмас эди. Ўша йиллари кишилар қандай яшаганлигини бир эслаб кўринг, ўртоқлар. Нон паёклари берилар, кийим-кечак ва пойафзал етишмас, уй-жойга муҳтожлик жуда катта эди, кўпгина бошқа қийинчиликлар бор эди. Ҳамма қийинчилик ва маҳрумликларга қарамай, мамлакат омманинг меҳнат ғайрат-шижоати билан жўш урарди, жуда кўплаб кўнгиллилар ДнепроГЭС, Магнитка, Турксиб, Комсомольск-Амур ва Березники қурилишларига, Харьков, Челябинск ва Сталинград трактор гигантлари, Горький ва Москва автозаводлари қурилишларига — социалистик индустрия таянчлари барпо этилаётган жойларга интилардилар.

Бизнинг биринчи беш йилликларимиз социализм учун чинакам жанглардан иборат бўлди. Бинобарин, ҳар қандай жанглардаги каби бу жангларда ҳам ўзининг истеъдодли командирлари, ўзининг фидокор қаҳрамонлари туғилди. Партия жуда катта ишни бошлаб юборди, ажойиб саноат ташкилотчилари, халқ хўжалиги раҳбарларини вояга етказди. Буюк қурилишдаги ғайрат-ташаббус, социалистик мусобақанинг бутун халқ орасида ёйилиши минг-минглаб илғорларни—зарбдорлар, стахановчиларни, ишчилар синфининг энг яхши вакилларини юзага келтирдики, уларнинг меҳнат борасидаги жасоратлари социализмнинг индустрия базасини қуришдан иборат бутун ишни олға силжитган қудратли мотор бўлиб хизмат қилди. Ана шу кишиларнинг матонати ва мардлиги, уларнинг партия ишига, социализм ишига чексиз садоқати — ҳозирги кунда ҳам илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилмоқда, бу намуна янги заводлар ва электростанциялар барпо этаётган, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг бепоён ерларини ўзлаштираётган, бутун даврнинг ютуғи бўлган илмий кашфиётлар қилаётган, ўз меҳнати билан биринчи беш йилликларнинг шонли анъаналарини давом эттираётган ишчилар синфининг, бутун совет халқининг шон-шавкатли ишларида яшамоқда.

Социализм қуриш учун фақат қудратли саноат барпо этибгина қолмасдан, балки қишлоқни ҳам социалистик асосда қайта қуришни амалга ошириш лозим эди. Бу — ғоят оғир вазифа эди. Майда хусусий мулкчининг асрий одат кучини, унинг манфаатлари ва турмушга қарашларидаги чекланганликни бартараф этиш, унинг психологиясини ўзгартириш лозим эди. Индивидуалист деҳқонни коллектив меҳнат ва ижтимоий ҳаётнинг актив иштирокчисига айлантириш лозим эди.

Ана шу ғоят катта социал проблемани ҳал этиш йўлини Ленин топди. У машҳур кооператив планини ишлаб чиқдики, бу планни партия ўзининг қишлоқдаги фаолиятига асос қилиб олди. Партия совхозлар ташкил қилиш билан бир қаторда деҳқонларни ишлаб чиқариш артелларига, яъни колхозларга бирлаштиришни ҳам амалга ошириш вазифасини қўйди. 1927 йилда ВКП(б) нинг XV съезди қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлини тутди.

Коллективлаштириш социалистик революциянинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири эди. Ҳар қандай революцион иш каби у ҳам кескин кураш вазиятида ўтди. Сўнгги ва энг кўп сонли эксплуататор синф бўлмиш кулоқлар қаршилигини синдириш лозим эди. Қишлоқдаги социал вазиятнинг мураккаблиги, техниканинг етишмаслиги, қишлоқни вақтинча кўпгина муҳтожликларга қўйиб бўлса ҳам, индустрлаштиришнинг зарурлиги — ана шуларнинг ҳаммаси талайгина қийинчиликлар туғдирди. Аммо, партиянинг аниқ мақсадни кўзлаб олиб борган иши, деҳқонлар ва ишчилар синфининг меҳнат соҳасида актив куч-ғайрат кўрсатиши ана шу қийинчиликларни бартараф этишга имкон берди.

Қишлоқни социалистик қайта қуриш тўғрисида гапирганда, ана шу ғоят катта вазифани ҳал қилишга ўз меҳнати, иродаси ва ғайратини сарфлаган кишиларни эслаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Партия чақириғига биноан, Москва ва Ленинград, Урал ва Донбасс ишчилари қишлоққа жўнадилар, янги, коллектив хўжаликни йўлга солиб юборишга ёрдам бердилар. Тарих бу ишчиларни «йигирма беш мингчилар» сифатида билади, лекин улар бунга қараганда анча кўп эди. Улар деҳқонларга Коммунистик партия ғояларини, социализм идеалларига ишончни, синфий курашнинг жанговар тажрибасини етказдилар. Ёш колхозларга бошчилик қилган коммунистларнинг, МТС ва совхозларнинг фидокор ходимларининг, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши ташкилотчилари ва ветеранларининг номлари колхоз шон-шуҳрати солномасига ҳамишаликка ёзиб қўйилган.

Мамлакатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдан иборат Ленин йўлининг тантанаси ғоят катта социал-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Шаҳарда ва қишлоқда социализмнинг иқтисодий пойдевори барпо этилди. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг қиёфаси ўзгариб кетди. Улар ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланди. Социалистик ижтимоий муносабатларни ривожлантириш учун, мамлакатнинг мудофаа қувватини ошириш учун, бутун совет халқининг маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш учун бақувват замин яратилди.

Ўртоқлар! Партия Октябрнинг дастлабки кунлариданоқ бутун куч-ғайратини ишга солиб, изчиллик билан маданий революцияни амалга оширишга киришмаганда эди, мамлакатимизни социалистик асосда тубдан ўзгартириб бўлмас эди. Бу ғоят муҳим вазифа эди. Чунки революция бошланган вақтда Россия аҳолисининг тўртдан уч қисми хат-саводсиз эди. Революциядан 4 йил илгари В. И. Ленин ўкинч билан бундай деб ёзган эди:

«Халқ оммаси маълумот, ёруғлик ва билим жиҳатидан бу қадар маҳрум қилинган бундай ёввойи мамлакат — Европада Россиядан бошқа битта ҳам бундай мамлакат қолган эмас» (В. И. Ленин асарлар, 19-том, 130-бет).

«Ўқиш ўқиш ва яна ўқиш!» — деб даъват этди Ленин. Шундай қилиб, бутун мамлакат китоб мутолаа қилишга киришди. Янги ҳаётни пухта билим негизида қуриш учун миллионлаб ишчи ва деҳқонлар кун давомидаги шиддатли меҳнатдан кейин хат-савод ўргандилар, маданият, фан ва марксистик дунёқараш асосларини билиб ола бошладилар.

Биз маданиятни омма бойлигига айлантиришга даъват этилган процессни революция деб аташимиз бежиз эмас. Вазифа кишиларни ўқиш ва ёзишга ўргатишдангина иборат эмас эди. Жамият маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларида янги, социалистик идеологияни барқарор этиш лозим эди. Юксак малакали ўз совет кадрларимизни тайёрлаш лозим эди. Одамлар минглаб йиллар мобайнида яратган барча энг яхши, илғор анъаналарни ўз ичига олибгина қолмай, балки бутун башариятни маънавий равнақ топтиришда олға томон янги одим ташлаши ҳам лозим бўлган социалистик маданиятни бунёд этиш керак эди.

Ўша йиллари ҳамма нарсани тежаб-тергаб сарфлашга тўғри келди. Лекин партия ва ҳукумат маориф фан, маданиятни ривожлантиришга шу қадар сахийлик билан маблағ ажратдиларки, ҳатто энг бой капиталистик мамлакатлар ҳам бундай саҳийликка ҳавас қилишлари мумкин эди. Модомики ҳозирги кунда Совет Иттифоқи фан ва маданият соҳасидаги ўз ютуқлари билан дунёни ҳайратга солаётган экан, ана шу ютуқларга Советлар мамлакатида эндигина мактаб ва кутубхоналар, рабфак ва техникумлар, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар шохобчалари жуда кўплаб барпо этила бошлаган вақтдаёқ асос солинган эди.

Социалистик революция миллий масалани ҳал қилиш йўлини очиб берди. Чор Россияси илгари «халқлар турмаси» эди. Октябрь ана шу турмани бузиб мамлакатимиздаги барча миллатларга тўла озодлик келтирди. 1922 йилда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — ягона мақсад учун муштарак курашда жипслашган халқларнинг ихтиёрий уюшмаси барпо этилди. СССРнинг ташкил этилиши интернационализмнинг тантанаси. Ўз кучларини бирлаштиришни революция мақсадларини амалга ошириш, унинг ютуқларини ҳимоя қилиш учун ҳал қилувчи шарт-шароит деб билган Коммунистик партия, ишчилар синфи, қардош республикалардаги барча меҳнаткашлар сиёсий донолигининг намоён бўлиши эди.

Эксплуататор синфларни тугатиш, индустрлаштириш, коллективлаштириш, маданий революция — булар, ягона революцион процесснинг бўғинлари бўлдики, бу процесс синфлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларнинг тубдан ўзгариб кетишига олиб келди. Фидокорлик билан зўр меҳнат қилинган йиллар ўз самараларини берди. Партия ва халқ сарфлаган ғоят катта куч-ғайрат ғалабага олиб келди. Жамиятимиз ҳаётидан социал ва миллий антогонизмлар ҳамишаликка қувилди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ интеллигенцияси дўстлиги ва иттифоқи негизида янги ижтимоий тузум барпо этилди. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида социализм принциплари мустаҳкам қарор топди.

Социализм қурилиши коммунистик жамиятга ўтиш йўлидаги дастлабки босқичгина эканлигини коммунистлар, совет кишилари билар эдилар. Партия ўзининг 1939 йилда бўлиб ўтган XVIII съездидаёқ шундан кейинги босқичга, коммунизм қурилишига ўтишнинг дастлабки марраларини белгилай бошлади. Аммо ана шу марраларга эришишдан олдин мамлакатимизга, халқимизга ўз тарихидаги энг оғир синовни бошидан кечиришга тўғри келди.

Ўз Ватанини чорак асрдан камроқ вақт ичида яшнаб турган социалистик давлатга айлантирган совет кишиларининг буюк муваффақиятлари империалистлар қароргоҳини ғазабга келтирди. Революциямиз бошланган чоғда уни бўғиб ташлай олмаганлар Советлар мамлакатини уруш йўли билан тор-мор келтириш режаларини тузавердилар.

Бизга урушнинг кераги йўқ эди. Совет ҳукумати урушнинг олдини олмоқ учун ҳамма чораларни кўрди. Аммо бунга эришишнинг иложи бўлмади. Фашистлар Германиясининг 1941 йилда хиёнаткорона қилган ҳужуми совет халқининг тинч меҳнатига халақит берди. Империализмнинг зарбдор кучлари билан биринчи социалистик давлат ўртасида ўз миқёслари жиҳатидан мисли кўрилмаган жанг авж олиб кетди. Бизнинг партиямиз империализм кучларига қарши жанг қилиш эҳтимоли борлигини олдиндан билиб, мамлакат ва халқни мудофаага тайёрлади. Урушдан аввалги беш йилликларда қўлга киритилган социал-иқтисодий ғалабалар, совет жамиятининг социализм қуриш жараёнида чиниққан ғоявий-сиёсий бирлиги халқимизнинг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабаси учун замин яратиб берди.

Уруш йилларида Коммунистик партиянинг етакчилик роли бутун кучи билан намоён бўлди. Коммунистик партия раҳбарлигида ғалабага замин тайёрланди. Ватанимизнинг Қуролли Кучлари фашизмга қарши мислсиз кенг кўламдаги жангда сўнмас шон-шуҳрат қозондилар. Солдат ва офицерларнинг оммавий қаҳрамонлиги, партизанлар ва подпольечиларнинг фидокорлиги социалистик ватанпарварлик нақадар буюк енгилмас куч эканлигини кўрсатди. Совет кишилари фашистларни тор-мор келтириш билан Октябрь ишини, социализм ишини, жонажон юртларини ҳимоя қилдилар.

Фронт ва фронт орқаси қудратли яхлит кучга айланди. Мамлакат ягона ҳарбий лагерь бўлиб қолди. Ҳамма учун ҳам қийин эди. Одамлар овқатга ёлчимас ва тўйиб ухламас эди. Хотинлар эрлари ўрнига цехларда ишладилар, болалар оталари ўрнига станокларда ишлай бошладилар. Аммо Ватаннинг индустриал қалби бир лаҳза ҳам урушдан тўхтамади. Заводларимиз Совет Армиясига қурол-яроғ етказиб бериб турди. Қарийб бутун Европанинг саноат қудратига таянган гитлерчилар фашизмининг ҳарбий машинаси ана шу қурол-яроғ ёрдами билан мажақлаб ташланди. Ишчи кучлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ниҳоятда камчилигига қарамай, экин майдонлари кескин равишда қисқариб кетганлигига қарамай, бизнинг колхоз ва совхозларимиз ғалаба қозониш учун мамлакатни ғалла билан таъминлаб турдилар. Бу — халқнинг гражданлик, ватанпарварлик жасорати эди. Бу — ғалаба қозониш учун меҳнатни ўз ҳаётининг маъноси деб билган кишиларнинг кўрсатган жасорати эди. Дарҳақиқат, улар Ватаннинг ғалаба қилмоғи учун ҳамма чораларни кўрдилар!

Халқ тўрт йил мобайнида мислсиз жасорат кўрсатди. Брест қалъаси мудофаасининг қаҳрамонона эпопеяси, Одесса ва Севастополь ёнидаги, Москва остоналаридаги, Ленинград ва Сталинград бўсағаларидаги, Новороссийск ёнидаги, Орёл—Курск дугасидаги, Днепр ва Висладаги жуда катта жанглар уруш тарихига ҳарбий санъат намунаси, Қуролли Кучлар шавкати, аҳолининг ажойиб сабот-матонати ва мардлиги намунаси бўлиб абадий кирди. Совет халқи ҳали ҳеч кимнинг бошига тушмаган жуда оғир синовларга бардош бериб, миқёслари жиҳатидан мисли кўрилмаган жангларда ўт ва қон кечиб буюк ғалаба қозонди. Совет халқи ўзининг Коммунистик партияси етакчилигида Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, агрессорларни тор-мор келтирди ва ўз ерини босқинчилардан тозалади. Совет халқи империализмнинг энг разил махлуқи бўлган фашизмни емириб ташлади.

Биз шу қаҳрамонлик эпопеяси йилномасидан ҳеч нарсани унутганимиз йўқ. Польша, Югославия, Англия, Франция, Чехословакия, АҚШ халқларининг ва антигитлерчилар коалициясида қатнашган бошқа мамлакатлар халқларининг умумий душман устидан эришилган ғалабага қўшган ҳиссалари эсимизда турибди. Душман томонидан босиб олинган мамлакатлардаги қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчиларининг мардлиги ва жасорати эсимизда турибди. Биз Ғарбдаги иттифоқчи мамлакатларнинг фашизм асоратига тушиб қолиш хавфи олдида, ижтимоий системаларнинг турлича бўлишига қарамай, агрессорга қарши курашда Совет Иттифоқи билан амалий ҳамкорлик йўлига ўтган раҳбар арбобларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бизнинг Ватанимиз гитлерчилар Германияси ҳамда унинг Европа ва Осиёдаги иттифоқчиларини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Гитлерчилар Германияси ва унинг Европа ҳамда Осиёдаги иттифоқчиларининг тор-мор қилиниши жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу нарса кўп халқлар ва мамлакатлар учун озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт йўлини очиб берди.

Совет кишиларининг қаҳрамонона жасорати капитал зулмидан озод бўлган халқни енга оладиган кучлар ер юзида йўқ эканлигини, бу халқ вужудга келтирган ва унинг учун азиз бўлган ижтимоий тузум — социализмни қақшата оладиган кучлар йўқ эканлигини бутун дунёга яна бир марта кўрсатди! Совет жангчилари қўли билан Рейхстаг устига ўрнатилган қизил байроқ биз урушда қозонган ғалабамизнинг байроғи бўлибгина қолгани йўқ. Бу — Октябрнинг ҳамиша барҳаёт байроғи эди: бу — Лениннинг улуғ байроғи эди: бу — барча халқлар умидининг порлоқ рамзи, озодлик ва бахт-саодат рамзи бўлган социализмнинг енгилмас байроғи эди, ўртоқлар!

Уруш бизга келтирган талафот ва вайронгарчиликларни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Уруш халқни шундай қайғу-аламга дучор қилдики, бу қайғу-алам миллионларча оналар бевалар ва етим-есирларнинг қалбидан ҳали ҳам ўчгани йўқ. Одам учун яқин ўртоқлари, дўстларининг ҳалок бўлишидан кўра оғир жудолик йўқ. Инсон ўз кучларини, талантини, жонажон ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини бағишлаган меҳнат самараларининг ер билан яксон қилинганлигини кўрсатувчи манзарадан кўра даҳшатлироқ ҳеч бир нарса йўқ. Култепаларнинг дудидан кўра аччиқроқ ҳид йўқ. Совет солдати ўз уйига қайтиб келганида ўзи учун азиз бўлган ва фашист ёввойилардан озод қилинган ерларда ўт ва ўқ билан яксон қилинган харобаларни кўрди.

Аммо совет кишисининг иродасини ҳеч нарса букол мади, социализмнинг зафарли одимини ҳеч нарса қақшата олмади. Талафотларнинг алам-ситами оғир эди. Лекин шу билан бирга ҳар бир совет кишисининг қалбида ғалаба қозонишга бўлган шодиёна туйғулар ҳам яшаб келди. Ҳалок бўлганларнинг жасорати тирик қолган кишиларни илҳомлантирди. Битмас-туганмас жанг шуҳрати билан қопланган қаҳрамон халқ партия теварагига жипслашди ва урушдан кейинги тикланиш йилларида ўзининг сабот-матонат фидокорлик, меҳнатсеварлик каби ажойиб фазилатларини яна бир бор кўрсатди. Ўша йилларнинг тарихи ҳали чинакам ёзилмаган бўлса керак, аммо асосий нарсани яхши эслаймиз: 1948 йилдаёқ саноат ишлаб чиқаришида асосан урушдан аввалги даражага. 1950 йилга келиб эса қишлоқ хўжалигида ҳам урушдан аввалги даражага эришилди. Совет кишилари уруш етказган жароҳатларни шундан кейинги йилларда батамом даволаб, коммунистик жамият қурилишининг кенг авж олдирилган даврига ўтишда урушдан аввалги кўламлардан кўп даража ортиқ миқёсларда олға қараб ҳаракат қилмоқ учун реал шарт-шароитларни вужудга келтирдилар.

Биз бугун социалистик революциянинг эллик йиллигини нишонлар, эканмиз, босиб ўтилган йўлнинг улуғвор якунларини мамнуният ва ифтихор билан тўплай оламиз.

Бизнинг мамлакатимизда қурилган ва ривож топган социалистик жамият — «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» принципи ҳукмрон бўлган жамиятдир. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари бутун халқ хўжалигининг замонавий техника даражасида планли, барқарор ривожланишини таъминламоқда. Бизнинг саноатимиз тез суръатлар билан ривожланмоқда. Саноатимиз бу йил 1913 йилдагига нисбатан 73 баравар кўп маҳсулот беради. Шу давр ичида қишлоқ хўжалик маҳсулоти қарийб уч баравар ортди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг ҳиссаси икки баравардан зиёд қисқарганлигини эътиборга олиш керак.

Бу кўрсаткичлар замирида замонавий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини амалда ўз ичига олган қудратли индустрия ётибди. Совет Иттифоқида жаҳонда энг йирик бўлган ва нодир машина-ускуналар билан таъминланган электр станциялар қурилди. Красноярск ГЭСида ўрнатиладиган турбиналардан фақат биттасининггина қуввати урушдан олдин қурилган бутун Днепрогеснинг қувватига деярли бараварлашиб қолажагини айтиб ўтиш кифоядир. Совет машинасозлиги йилига икки юз мингга яқин металл қирқувчи станок ва ярим миллиондан кўпроқ трактор ҳамда комбайнлар тайёрлаб беради. Бизнинг металлургиямиз пўлат ишлаб чиқариш жиҳатидан юз миллион тонналик марродан ўзиб кетди. Химия саноати, радиотехника, электроника, атом саноати жадал ривожланмоқда.

Совет Иттифоқининг космосни тадқиқ этиш соҳасида қўлга киритган муваффақиятлари индустриямиз, техникамиз ва фанимиз тараққиётининг юксак даражада эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Кечагина бутун жаҳон автоматик станциянинг Венерага муваффақиятли учирилганлигига қойил қолган эди. Совет кишиларининг қўли билан яратилган космик аппаратнинг юз миллионларча километр йўл босиб Венеранинг сиртига қўниши ва фанни анча бойитган маълумотларни беқиёс олис масофадан бериб туриши учун қандай техникавий маҳорат, қандай зўр ақл-заковат талаб этилганлигини тасаввур қилиш қийин.

Бундан бир неча кун илгари жаҳон совет олимлари, конструкторлари ва инженерлари эришган жуда катта муваффақиятнинг яна бир марта шоҳиди бўлди. Космик аппаратларни орбитада автоматик тарзда туташтиришнинг энг мураккаб илмий-техникавий проблемаси биринчи марта ҳал этилди ва ҳал этилганида ҳам жуда яхши ҳал этилди! Катта орбита космик станцияларини вужудга келтириш йўли очилди.

Космосда эришилган янги ғалабалар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллигига ажойиб совғадир.

Социализм бутун иқтисодий системанинг характерини ўзгартирибгина қолмай, балки жамиятимиз таркиб топган синфларнинг қиёфаси ва составини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Социалистик жамиятда ишчилар синфи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Совет ишчиси революцион пролетариатнинг энг яхши фазилатларини мерос қилиб олди. Ишчилар синфи партия идеалларига астойдил содиқ бўлиб, халқ иши учун онгли курашчи, меҳнатда ва турмушда бизни коммунизмга яқинлаштираётган традицияларнинг ижодкоридир. Ҳозирги кунда коммунизм қураётган ишчилар Красная Пресня баррикадаларида жанг қилган ва Қишлик саройини штурм қилган пролетарларнинг, биринчи беш йилликлар қаҳрамонларининг муносиб ворисларидир. Ҳозирги куннинг ишчилар синфи революция эстафетасини улардан қабул қилиб олди.

Социализм ишлаб чиқариш воситаларининг коллектив мулклиги, коллектив меҳнат совет қишлоғининг янги кишиларини — колхозчи деҳқонларимизни вужудга келтирди. Барча совет кишилари «колхозчи» деган сўзни самимий эҳтиром билан тилга оладилар. Ишчилар синфи билан бузилмас бирликда ҳаракат қилаётган колхозчи деҳқонлар жамиятимиз ҳаётидаги салмоқли сиёсий куч бўлиб қолдилар. Буларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрнинг буюк хизматидир.

Ишчилар синфи ва деҳқонлар билан чамбарчас боғланган халқ зиёлилари катта яратувчилик вазифаларини ҳал этмоқдалар. Жамиятимизнинг маданияти ўса борган сари, фан ва техника ривожлана борган сари совет халқи олдида турган улкан вазифаларни ҳал этишда зиёлиларнинг роли ҳам шу қадар орта боради.

Манфаатлар, мақсад ва идеалларнинг муштараклиги билан жипслашган коммунизм қурувчилар улуғ армиясининг ҳамма отрядлари мустаҳкам ягона қардошлик оиласида порлоқ истиқбол сари, синфсиз коммунистик жамият сари бормоқдалар.

Социализм хотин-қизларга чинакам озодлик келтирди. Хотин-қизлар ижодий фаолиятларини, ўз талантлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга бўлдилар, илгари эришолмаган кўп касбларни ўзлаштирдилар, давлатни идора қилишда актив қатнашмоқдалар. Ҳозирги вақтда фақат СССР Олий Советининг ўзидагина 425 аёл бор. Бу — Ғарбдаги барча капиталистик мамлакатларнинг парламентларидаги аёлларга нисбатан анча ортиқдир. Бизнинг совет аёлимиз — меҳнаткаш аёл, она, қаҳрамон аёл бўлиб, энг катта иззат-ҳурматга сазовордир.

Ленинча миллий сиёсатнинг натижалари бутун дунёга маълум. Совет Иттифоқидаги барча миллат ва барча элатлар равнақ топиш йўлига ўтдилар ва индустрияни, қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Социализм тараққиётимизнинг халқлар дўстлиги каби ҳаракатга келтирувчи қудратли кучини ишга солди. Кўп миллатли совет халқининг бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Олмос ранг-баранг товланиб тургани сингари халқимизнинг бирлиги ҳам уни ташкил этган миллатларнинг фазилатлари билан кўркамдир. Бу миллатларнинг ҳар бири бадавлат, тўла қонли эркин ва бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Октябрнинг 50 йиллиги халқлар қардошлик оиласининг чинакам байрами, улуғ Совет Иттифоқини ташкил этган барча республикаларнинг байрамидир. Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон Эстония — буларнинг ҳаммаси бир фикр, бир ният билан яшамоқда. Улар социализм қурилиши йилларида бирга бўлдилар. Улар урушнинг оғир йилларида бирга бўлдилар. Улар биргаликда коммунизм қурмоқдалар, фидокорона меҳнат қилмоқдалар, ўз кучларини биргаликда сарфлаб, Совет мамлакатининг экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантирмоқдалар.

Мамлакатимиздаги барча миллат ва барча элатларнинг қардошларча дўстлиги яшнайверсин, кўп миллатли совет халқининг бирлиги мустаҳкамланаверсин!

Ўртоқлар!

Октябрь революцияси вужудга келтирган давлат — пролетар диктатураси давлати мамлакатимиз меҳнаткашларининг эски дунёни яксон қилишларига, эксплуататор синфларнинг қаршилигини бостириб, ўз мамлакатининг тақдирини қатъий суратда бошқа томонга буриб юборишларига ёрдам берган асосий қурол бўлди. Тажриба шуни кўрсатадики, пролетар диктатураси турли формаларда мавжуд бўла олади ва мавжуддир. Аммо бу формалар қандай бўлишидан қатъи назар, ўз авангарди — коммунистик партия бошчилигидаги ишчилар синфининг сиёсий ҳокимияти социализм қурилишининг мутлақо зарур шарти ва зарур заминидир. Революциямизнинг тажрибаси буни жуда яққол кўрсатди бошқа мамлакатлардаги социалистик революцияларнинг тажрибаси ҳам шуни тасдиқламоқда.

Эксплуататор синфлар кўпданоқ тугатилган ва социализм ғалабаси натижасида жамиятимизнинг ғоявий-сиёсий бирлиги ғоят мустаҳкамланган ҳозирги пайтда пролетар диктатураси давлати сифатида вужудга келган Совет давлати умумхалқ давлати ва ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнагани ҳолда бутун халқнинг сиёсий ташкилоти бўлиб қолди.

Партия социалистик демократияни такомиллаштириш, социалистик қонунчиликни мустаҳкам гарантияларини вужудга келтириш соҳасида жуда кўп иш қилди. КПСС XX съезди бу соҳада жуда катта роль ўйнади. Бу съезд ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ленинча норма ҳамда принципларни оғишмай ва изчиллик билан амалга оширишга, халқнинг сиёсий активлигини янада кучайтиришга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилди.

Жамиятимизнинг сиёсий негизи бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари мустаҳкамланиб бормоқда. 25 миллиондан ортиқ совет граждани, яъни мамлакатимиздаги меҳнатга лаёқатли бутун аҳолининг қарийб тўртдан бир қисми Советларнинг депутатлари ва уларнинг ишига кун сайин ёрдам бераётган активлардир. Жамият ва давлат ишларини халқнинг ўзи бошқармоқда. Советларнинг ишида халқ ҳокимияти ўзининг бевосита ифодасини топмоқда.

80 миллиондан ортиқ меҳнаткашни бирлаштирган касаба союзлари жамоат ишларини бошқаришнинг турли формаларига оммани жалб этишда актив ёрдам бермоқдалар. Касаба союзлари партиянинг раҳбарлигида бошқариш ва хўжаликни юритиш мактаби коммунизм мактаби эканлигини амалда кўрсатмоқдалар. 23 миллион йигит ва қизни ўз сафларига бирлаштирган Ленин комсомоли ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда партияга актив кўмаклашмоқда, ёшларни коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал этишга жалб қилмоқда.

Совет кишилари партиянинг мустаҳкам таянчи бўлган ана шу ташкилотлар ва бошқа кўпгина оммавий жамоат ташкилотларида ишга давлат нуқтаи назаридан ёндошишни, бутун жамиятнинг манфаатлари тўғрисида, ғамхўрлик қилишни ўрганмоқдалар.

Ўртоқлар! Пролетар революцияси халқнинг ҳаётий манфаатларини, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва бахт-саодатини, уларнинг эркинлиги ва социал адолатни кўзда тутиб амалга оширилади. Шу сабабли совет кишиларининг турмушини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳамиша партия ва Совет давлатининг диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Социализм энг бой капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари эга бўлмаган нарсаларни халқимизга берди: уни капиталистларнинг зулмидан озод қилди, халқимизга эртанги кунга ишонч туйғуларини бахш этди. Совет кишилари эксплуатация нималигини ишсизлик нималигини билмайдилар ва ҳеч қачон билмаяжаклар.

Партия ва давлат меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида, иш кунини қисқартириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимиз саноатида ўртача иш ҳафтаси 18 соат қисқартирилди. Бу йил икки кун дам олган ҳолда беш кунлик иш ҳафтасига ўтилмоқда.

Совет ҳокимияти йиллари ишчиларнинг реал даромади олти ярим баравар кўпайди, деҳқонларнинг даромадлари саккиз ярим баравар ортди. Кейинги йиллардагина ишчи ва хизматчилардан тахминан 25 миллион кишининг иш ҳақи оширилди, колхозчилар учун ойлик гарантияланган меҳнат ҳақи ва пенсиялар жорий қилинди, инвалидларга бериладиган пенсиялар оширилди. Ҳозирги вақтда СССРда 34 миллиондан ортиқ киши давлат ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан пенсия олмоқда.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Пленуми, сўнгра эса СССР Олий Советининг сессияси совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш тўғрисида янги муҳим қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар 50 миллиондан ортиқ совет кишисига бевосита тааллуқлидир. Биз зўр мамнуният билан шуни айта оламизки, давлатимизнинг тарихида халқ моддий фаровонлигини ошириш учун айни бир вақтда бунчалик кўп маблағ илгари ҳеч қачон ажратиб берилмаган эди.

Асосий озиқ-овқат ва саноат молларини истеъмол қилиш кўп даража ортди. Шаҳарларда уй-жой фонди етти баравардан зиёд кўпайди. Биз ҳозир жаҳондаги бошқа ҳар қандай мамлакатдагига нисбатан кўпроқ квартира қурмоқдамиз. Санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар, турист базалари, стадионлар сони тўхтовсиз ортиб бормоқда.

СССР—халқ соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилишни давлат ўз зиммасига олган ва барча гражданларни бепул медицина ёрдами билан таъминлаган биринчи мамлакатдир. Совет Иттифоқида ишлаётган врачлар бутун жаҳондаги врачларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Халқнинг турмуш шароитларига кўпгина кўрсаткичларга қараб баҳо бериш мумкин. Инсоннинг узоқ умр кўриши энг муҳим кўрсаткичларнинг биридир. Бу—инсон учун қилинаётган ҳамма нарсалар—меҳнат ва турмуш шароити соғлиқни сақлаш ва социал таъминот даражасининг умумий якуни дейиш мумкин. Совет мамлакати бу жиҳатдан ҳам олға қараб ҳайратомуз қадам қўйди. Эски Россияда одам ўрта ҳисобда атиги 32 йил яшар эди. Ҳозирги вақтда бизда ўртача умр кўриш 70 йилга етди. Бу—жаҳондаги энг юқори кўрсаткичларнинг биридир!

Социализм—имтиёзли синфлар ва табақалар йўқ бўлган жамиятдир. Аммо аҳолининг бир қисми Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ имтиёзга эга бўлиб келди. Булар болаларимиз, ёшларимиздир. Жамият ёш авлоднинг соғлиғи ва уни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини СССРнинг ҳар бир янги граждани туғилган куниданоқ ҳис эта бошлайди деб айтиш мумкин. Биз ажойиб натижага эришдик: Совет ҳокимияти йилларида болалар ўртасида ўлим ўн баравардан кўпроқ камайди! Бизда ҳали тамомила етарли бўлмаса ҳам болалар яслилари ва болалар боғчалари кўп. СССРнинг ёш гражданларидан 9 миллиондан ортиқ киши ҳозир уларда тарбияланмоқда.

Халқ маорифи системаси жуда кенгайиб кетди. Ҳозирги пайтда умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, шунингдек профессионал мактаблар ва билим юртларида ўқувчилар сони 60 миллион кишига етай деб қолди! Бу—социалистик тузумнинг асосий ғалабаларидан биридир.

Советлар мамлакатининг истиқболи бугунги октябрятлари, пионерлари ва комсомоллари қандай истасалар шундай бўлади. Партия ана шу истиқболнинг порлоқ бўлишига, болаларимиз ва набираларимизнинг Октябрь революцияси улуғ байроғини шараф билан олға кўтариб боришларига қатъий ишонади!

Ўртоқлар! Социализм туфайли вужудга келган ўзгаришларнинг нақадар чуқур эканлигини тасаввур қилмоқ учун олимнинг синчков меҳнати ҳам шоирнинг илҳомбахш қўшиғи ҳам керак. 50 йил ичида халқ ҳаётидаги ҳамма нарсалар ўзгарди. Биз тамомила янги дунёни — янги социалистик муносабатлар дунёсини, янги совет кишиси дунёсини вужудга келтирдик. Совет кишиларининг маънавий уфқи бениҳоя кенгайди, уларнинг ахлоқий қиёфаси, меҳнатга, жамиятга, бир-бирларига муносабати ўзгарди. Социализм туфайли янгиланган ва гуллаб-яшнаган бизнинг мамлакатимиз инсоният кўз ўнгида ўзининг бутун қудрати ва улуғворлиги билан, ўзининг ажойиб халқи талантининг бутун баркамоллиги билан намоён бўлди.

Бизнинг мамлакатимизда барпо этилган социализмнинг муҳташам биноси совет кишиларининг зўр ғайрат билан қилган ишлари ва жасорати учун, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўз олдига мақсад қилиб қўйган идеаллар ғалабаси йўлида ярим аср мобайнида фидокорона меҳнат ва қаҳрамонона жанглар учун муносиб мукофотдир.

Тарих уни яратаётган кишилар демакдир. Неча ўн миллионлаб кишилар социализм қурдилар, неча ўн миллионлаб кишилар давримизнинг тарихини яратдилар. Революционерлар авлодларининг социализм бунёдкорларининг фаолияти, революция тарбиялаб вояга етказган сиёсий раҳбарлар, саркардалар, олимлар, ишлаб чиқариш командирлари, меҳнат зарбдорлари ва новаторларининг фаолияти мамлакатимизнинг тарихига, жаҳон социализми тарихига ҳамиша мансуб бўлиб қолади.

(Давоми тўртинчи бетда).

СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

(Бошы 2, 3-betларда)

Бугун биз Улуғ Октябрнинг эллик йиллигини нишонлар эканмиз, ҳозир орамизда йўқ кишиларни, революцияни ҳимоя қилиш, социализм ишини ҳимоя қилиш вақтида синфий душман қўлидан ҳалок бўлган кишиларни чуқур ҳаяжон билан эсга оламиз. Иш учун жонини фидо қилиб, ўзининг ҳамма кучларини халққа хизмат қилиш учун сарф қилган ва орамиздан кетган кишилар ҳам борки, биз уларни эсдан чиқармаймиз. Совет кишилари уларнинг ишини—коммунизм ишини давом эттирмоқдалар ва давом эттираверадилар!

Ўртоқлар! Бизнинг жамиятимиз ҳозирги кунда етуклик заковати ва ёшлик ғайратини бирга қўшиб олиб бормоқда. Бизнинг орамизда революция ва граждан урушининг ветеранлари, биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонлари ва фашизмга қарши шиддатли жангда Совет ҳокимиятини қаттиқ туриб сақлаб қолган кишилар бор. Бизнинг орамизда ота-боболарнинг шон-шуҳратини муносиб давом эттираётган ажойиб талантли ва билимли ёшлар бор.

Ҳозирги жамиятимиз — мамлакатимиздаги барча авлодлар, барча миллат ва элатлар, барча меҳнаткашлар ақл-идроки ва истеъдодининг мужассам тимсолидир. Бундай жамият, бундай халқ қодир бўлмаган вазифалар ва ишлар йўқ.

Келажак авлодлар халқимизнинг жасоратини, унинг меҳнатда ва жанг майдонида эришган ғалабаларини ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар.

Совет халқига шон-шарафлар, замонамизнинг чинакам қаҳрамони бўлган совет кишисига шон-шарафлар!

3. КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Ўртоқлар! Эришилган натижалар совет кишилари учун қилинган ишнинг фақат мезонигина эмас. Бу натижалар айни вақтда шундай бир маррадирки, биз бу маррадан, келажакка назар солар эканмиз, ўзимизнинг вазифаларимиз ва истиқболларимизни белгилаб оламиз.

Турмуш олға бораяпти. Жамиятимиз ривожланишининг ҳар бир босқичи ўз проблемаларини илгари сурмоқда. Синфий душманнинг сиқувига бардош бериш, ўтмишдан мерос бўлиб қолган қолоқликни тугатиш, социализмнинг асосий принципларини турмушда қарор топтириш асосий вазифа тариқасида олдимизда турган вақтлар бўлган эди. Бу проблемалар ҳал қилинган бўлди. Энди бу босиб ўтилган босқич бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда бизнинг олдимизда янги вазифалар турибди—бу вазифалар фақат миқёси жиҳатидангина эмас, шу билан бирга ўз характери жиҳатидан ҳам янги вазифалардир. Бунда гап социалистик жамиятнинг ривожланиши очиб бераётган имкониятлардан мумкин қадар тўлиқроқ фойдаланиш устида бораётир. Социал ғалабаларимиздан ҳам, мамлакатимиз ихтиёридаги жуда катта ишлаб чиқарувчи кучлардан, фан ва техника муваффақиятларидан, совет халқи маданияти ва билимининг ўсиб борган даражасидан ҳам энг кўп самара берадиган қилиб фойдаланишни ўрганиб олишимиз лозим. Фақат шу асосдагина коммунизмни муваффақиятли қуриш, партия программаси белгилаб берган йўлдан олға бориш мумкин. Ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифаларнинг миқёслари ва мураккаблиги бутун фаолиятимизга, ишимизнинг услуби ва методларига нисбатан тағин ҳам юксак талаблар қўймоқда.

Экономика, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш—совет халқи коммунизм ғалабаси учун олиб бораётган курашнинг асосий негизидир. Совет жамиятининг олға бориш суръатлари ҳам, жаҳондаги икки система мусобақасининг бориши ҳам, жаҳон революцион жараёнини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссамиз ҳам биз халқ хўжалигини қандай ривожлантиришимизга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги шундай бир босқичга қадам қўйдики, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари асосида ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча тармоқларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бу босқичда иқтисодий ўсишнинг тобора кўпроқ асосий манбаи бўлиб қолмоқда.

Бунинг маъноси шуки, ишлаб чиқариш янги қувватларни ишга тушириш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидангина ўстирилиб қолмасдан, шу билан бирга у ҳар бир корхонадан, ҳар бир агрегатдан, ҳар бир гектар ердан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига ҳам тобора кўпроқ даражада ўстирилиши лозим. Бунинг маъноси шуки, капитал маблағларни сарфланган ҳар бир сўм энг кўп самара берадиган қилиб тақсимламоқ ва ўзлаштирмоқ керак. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ишлатиладиган хомашё, материаллар ва ёқилғи сарфларини қисқартирмоқ керак.

Ижтимоий ишлаб чиқариш мезонини тўғрилаб бориш, ишлаб чиқаришнинг ҳам, истеъмолнинг ҳам талабларига қодир бўлиш ва ишлаб чиқаришнинг ҳам, истеъмолнинг ҳам талабларига эришиш мумкин.

Шу сабабли биз мелиорация, ерларни яхшилаш ишларининг узоқ вақтга мўлжалланган программасини бажаришга, химияни жорий қилишга, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга биринчи даражали аҳамият бермоқдамиз. Эндиликда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўпроқ маблағ сарфлашга қодир бўлиб қолди. Бизнинг истагимиз шуки, меҳнат унумдорлиги, техника билан таъминланиш, фан муваффақиятларидан фойдаланиш даражаси жиҳатидан қишлоқ хўжалиги социалистик индустрия билан бир қаторга ўтиб олсин, дейлик. Фан ва техниканинг ҳозирги тараққиёти шароитида бунга бемалол эришиш мумкин.

Инсоният жадаллик билан бораётган фан-техника революцияси асрига қадам қўйди. Совет Ватани ўз олимларининг ажойиб муваффақиятлари билан фахрланади. Физика ва химиянинг катта муваффақиятлари энергиянинг янги манбаларини очиб бермоқда, янги материаллар яратишга имкон бермоқда, барча етакчи ишлаб чиқариш соҳаларига кенг майдон очиб бермоқда. Биология соҳасида қилинган кашфиётлар қишлоқ хўжалиги ва медицина учун янги имкониятлар яратиб бермоқда. Кибернетиканинг ривожланиши ақлий меҳнат унумдорлигини оширмоқда, қишлоқ хўжалик фаолияти ва бошқарув ишларининг хилма-хил турларини автоматлаштиришга йўл очиб бермоқда. Фан том маъноси билан бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолмоқда. Фаннинг бу роли келгусида тағин ҳам кўпроқ ошади.

Олимлар олдида материянинг энг нозик структурасига кириб бориш, ҳаёт сирларини очиш, энергиянинг бир турини иккинчисига айлантириш, терма ядро реакцияларини бошқариш, космосни ўрганишни давом эттириш, атмосферада содир бўлаётган жараёнларга таъсир қилиш, Ер ва денгиз туб ларини ўрганишдан иборат ўз аҳамияти жуда катта вазифалар турибди. Ижтимоий фанлар соҳасида қилинадиган ишлар кўп — мамлакатимиздаги коммунистик қурилиш проблемаларини ишлаб чиқиш соҳасида ҳам, жаҳон тараққиёти масалаларини тадқиқ этиш борасида ҳам ҳали кўп иш қилиниши керак.

Совет халқи олимларнинг муваффақиятларига таҳсин айтиш билан бирга, уларнинг янги тағин ҳам зўр муваффақиятларга эришишларини кутмоқда. Социализм инсоннинг даҳоси билан яратилаётган энг илғор, прогрессив нарсаларга таяниб ривожлана беради. Биз ўзимизнинг келажагимизни фанга боғлиқ деб биламиз. Шу сабабли совет фани, олимларимиз жаҳон тараққиётининг энг олдинги марраларида бўлишларига аминмиз.

Фан ва техника барқ уриб ўсаётганлиги инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг абадий проблемасини айниқса актуал проблема қилиб қўймоқда. Биринчи социалистларнинг ўзи инсоннинг табиат билан яқинлашуви келажак жамиятнинг муҳим белгиси бўлади, деб ҳисоблаган эдилар. Шундан буён асрлар ўтди. Янги жамият қуриб, биз илмий социализм ўтмишдошлари орзу қилишигина мумкин бўлган нарсалардан кўпини амалга оширдик. Лекин табиат биз учун моддий неъматларнинг биринчи манбаи сифатида ҳам, соғлиқ, шодлик, турмуша меҳр-муҳаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликнинг битмас-туганмас манбаи сифатида ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Табиатни сақлаш, унинг бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш нақадар муҳим эканлигини ўқтириб ўтмоқ учун мана шуларнинг ҳаммасини эслатиб ўтмоқчимиз. Табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ер тўғрисида, ўрмонлар тўғрисида, дарёлар ва соф ҳаво тўғрисида, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг жонажон, коммунистик ишимиздир. Совет кишиларининг ҳозирги ва келажак авлодлари учун еримизни сақлаб қолишимиз ва безатишимиз лозим.

Табиат бойликларидан нақадар оқилона фойдалана берсак, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан нақадар кўп муваффақиятларга эриша берса ижтимоий меҳнат унумдорлиги шу қадар юқори бўлаверади, совет кишиларининг турмуши шу қадар бой, ғўзал ва маданий бўлаверади.

Биз ютуқларимиз тўғрисида ҳақли равишда ғапирмоқдамиз, лекин бизда ҳал этилмаган масалалар ҳам борлигини кўриб турибмиз. Ҳозирги кунда совет кишиларининг ҳаммаси ҳам, ҳар бир оила ҳам ҳаммамиз истаган тарзда яшамаётганлигини биламиз. Шу сабабли партия ўзининг бутун фаолиятида, ўзининг барча планларида халқ моддий фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Миллий даромадимиз ўса борган сари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи ҳам тўхтовсиз ўсаверади, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш кўпаяверади. Ҳар бир совет оиласининг маишатини ва турмуш шароитини яхшиламоқ учун уй-жой ва маданий-маиший қурилишни бундан буён ҳам кенг равишда кўпайтира берамиз.

Октябрнинг шонли 50 йиллигини нишонлар эканмиз, бизнинг партиямиз ўз масъулиятини тўла англаган ҳолда шуни айтадики, Совет давлатининг қудрати йилдан-йилга мустаҳкамланаверади, совет кишиларининг турмуши йилдан-йилга яхшиланаверади. Совет кишиси қўлга киритилган натижаларнинг самараларидан тобора тўлиқроқ фойдаланаверади, социалистик турмуш шароитининг афзалликларини тобора аниқроқ ҳис қилаверади.

Ўртоқлар! Марксистлар ҳамиша шунга асосланиб келдиларки, социал тараққиёт ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига асосланади. Лекин бундан бошқа муҳим социал ва сиёсий проблемаларни ҳал қилишни иккинчи ўринга суриб қўйиш мумкин, деган маъно асло келиб чиқмайди. Коммунистик қурилишнинг ҳамма томонлари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Социал-сиёсий вазифаларнинг ҳал қилиниши иқтисодий ишларнинг ривожланишига ва ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучларига, ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучларининг ривожланишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, ишлаб чиқаришнин

СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ҒАЛАБА-ЛАРИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

(Боши 2, 3, 4-бетларда).

Хитойдаги воқеалар ХКП баъзибир раҳбарларининг ғоявий-сиёсий жиҳатдан юз тубан кетганлигини жуда очиқ-равшан кўрсатиб берди. Айни замонда улар социализм бу мамлакатда энг қисқа вақт ичида ҳам, энг мураккаб шароитларда ҳам илдиз отганлигини, кенг оммани ўз томонига оғдирганлигини кўрсатди. Хитой Коммунистик партиясининг энг яхши фарзандлари, хитой халқининг илғор кучлари социализм ғалабаларини сақлаб қолиш учун қаттиқ кураш олиб бораётганлиги шунинг далилидир. Хитой коммунистларининг, Хитой халқининг нимани ҳимоя қилиши, нима учун курашиши аниқ. Хитой коммунистларининг бош йўли — 1956 йилда Хитой Компартиясининг VIII съезди ишлаб чиққан социализм қуриш йўлидир. Бу—планли иқтисодий тараққиёт ва «халқнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш» йўлидир. Бу — «демократик ҳаётни ривожлантириш» йўлидир. Бу, съезд қарорларида кўрсатилганидек,— «Улуғ Совет Иттифоқи ва барча халқ демократияси мамлакатлари билан абадий ва бузилмас қардошларча дўстлик» йўлидир.

Биз шунга аминмизки, Хитойдаги ҳозирги воқеалар — унинг тараққиётидаги тарихан ўткинчи босқичдир. Биз шунга аминмизки, ҳамма қийинчиликларга қарамай, Хитой Халқ Республикасида социализм иши ғалаба қозонади.

Ўртоқлар! Социалистик мамлакатлар бораётган йўл — астойдил меҳнат ва актив кураш йўлидир. Биз биламизки, олдинда катта ишлар, катта вазифалар турибди, буларни ҳал қилиш қардош партиялар ва халқларнинг биргаликда ҳаракат қилишини талаб этади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи жаҳон социалистик ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш учун, унинг янги-янги ғалабалар қозониши учун кучини аямайди.

Бугун бутун совет халқи номидан янги ҳаёт қураётган қардош халқларни қизғин табриклашга рухсат этгайсиз.

Биринчи саломимизни Вьетнам Демократик Республикасининг мардонавор халқига, қўлига қурол олиб ўз озодлиги ва мустақиллигини, социалистик ғалабаларини ҳимоя қилаётган халққа йўллаймиз.

Биз социализм байроғи остида олға қараб шаҳдам қадам ташлаб бораётган Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Куба, Монголия, Польша, Румыния, Чехословакия, Югославия халқларини қизғин табриклаймиз.

Биз ўз мамлакатларида социалистик ғалабаларни сақлаб қолиш учун курашаётган хитой ва албан халқларини табриклаймиз.

Биз барча социалистик давлатларнинг халқларига уларнинг олижаноб меҳнатларида энг катта муваффақиятлар тилаймиз!

Ўртоқлар! Империализмга қарши курашаётган кучлар орасида ривожланган капиталистик давлатларнинг ишчилар синфи муҳим ўрин тутади, у жаҳон империализмининг қароргоҳида кураш олиб бормоқда. Биз бу кураш нақадар қийин эканлигини биламиз. У зўр бериб ишлаш ва мардлик кўрсатишнигина эмас, шу билан бирга империалистик буржуазияга, унинг барча кирдикорлари ва ҳийла-найрангларига қарши зўр уюшқоқлик ва сиёсий маҳорат билан кураша билишни ҳам талаб этади.

Ривожланган капитализм мамлакатларидаги ишчилар ҳаракати барча қийинчиликларга қарамай, тобора кучга кириб бормоқда, янги тажриба орттирмоқда. Ўз ҳаётий манфаатлари учун курашда меҳнаткашларнинг активлиги, сабот-матонати кучайиб бораётган уюшқоқлиги капиталистик дунёдаги синфий курашнинг ҳозирги босқичи учун характерли ҳолдир. Забастовкалар кўпинча бутун-бутун мамлакатларга ёйилмоқда. Ишчилар синфи ўз талабларининг қондирилишига борган сари кўпроқ эришмоқда. Бу талаблар тобора кучайиб, тобора қатъийлашиб бормоқда ва монополияларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий зўравонлигига қарши кураш программасига айланмоқда.

Ишчилар синфининг сафларидаги ажралиш унинг ғалабаси йўлидаги асосий ғов бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бироқ ишчилар ҳаракати тўплаган бутун тажриба бирлик — ҳаётий зарурат эканлигини унга кўрсатмоқда. Бу тажриба социалистлар билан коммунистларнинг қарашларидаги тафовутлар ишчилар синфи сафларининг монополияларга қарши, уруш хавфига қарши, социализм учун курашда жипслашуви учун тўсиқ бўлмаслиги кераклигини уқтирмоқда. Антикоммунистик позицияларга қаттиқ ёпишиб олган социал-демократия ўнг лидерларининг сиёсатига қарамай, бирликка интилиш кучаймоқда ва бир қанча мамлакатларда бу йўлда муайян муваффақиятларга эришилди.

Капиталистик давлатларда Октябрдан кейинги йилларда ишчилар синфининг роли анча кучайди. Бунга сабаб у ҳозир мазкур мамлакатлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилганлигида ва моддий ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи куч бўлиб қолганлигидагина эмас. Ишчилар синфи ўз атрофига кенг меҳнаткашлар оммасини, бутун антимонополистик кучларни жипслаштириб, бутун миллатнинг манфаатларини энг изчил суратда ифода қилади. Капиталистик дунёнинг пролетариати пировард натижада ўз идеаллари учун курашда ҳал қилувчи муваффақиятларга эришадики, бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Октябрдан кейинги 50 йилликнинг асосий хусусиятларидан бири — миллий озодлик ҳаракатининг ишчилар синфи кураши билан қўшилиб, ягона революцион оқимга айланганлигидир. Собиқ мустамлака ва ярим мустамлакаларда яшаётган 1,5 миллиард киши мустақилликка эришди, актив сиёсий ҳаёт майдонига чиқди. Бу ҳол жаҳон революцион ҳаракатининг доирасини кенгайтирди, ижтимоий тараққиётни тезлаштирди.

Бироқ сиёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши Осиё—Африка, Латин Америкаси халқлари олдида турган барча муҳим проблемаларни ҳал қилгани йўқ. Бу мустақилликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун иқтисодий мустақилликка эришиш, қолоқликни тугатиш учун кўп куч-ғайрат сарф қилиш лозим. Ана шу мамлакатларнинг прогрессив кучлари антиимпериалистик сиёсат ўтказишнинг актив тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Мустамлака зулмини улоқтириб ташлаган давлатларнинг миллий-озодлик ҳаракати билан жаҳон социализми ўртасидаги иттифоқ, уларнинг социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бундай сиёсатнинг ғалаба қозониши учун гаровдир.

Озодликка чиққан мамлакатларда чуқур социал жараёнлар авж олмоқда. Уларнинг бундан буёнги тараққиёт йўллари тўғрисидаги туб масала атрофида кураш кескинлашмоқда. Осиё ва Африка халқлари жаҳон социализми ғалабаларининг таъсирида ижтимоий тараққиётнинг илғор формаларига тобора кўпроқ интилмоқда. Бир қанча ёш давлатларнинг нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтганлиги катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Тарих кўрсатадики, қолоқликни тугатиш, капитализмни четлаб социализм сари бориш кўпгина мураккаб социал проблемаларни ҳал қилишни тақозо этади, ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларини яратишни талаб қилади. Социалистик йўлни танлаб олган мамлакатларнинг халқлари ҳали кўп проблемаларни ҳал этишлари лозим. Бу проблемаларни эса улар мустамлакачилик мероси тугатилмаган, консерватив элементларнинг таъсири ҳали анча кучли бўлган бир шароитда ҳал қилишлари керак. Революция ғалабаларини фидокорона ҳимоя қилиш, халқнинг барча демократик кучларини бирлаштириш, астойдил меҳнат қилиш ҳамда экономика ва маданиятни кўтариш учун тўхтовсиз ҳаракат қилишни ривожланаётган ёш мамлакатларнинг илғор намояндалари олға қараб боришнинг гарови деб биладилар.

Совет халқи ишчилар ҳаракати ва миллий-озодлик ҳаракатининг барча жангчиларига қизғин салом йўллайди. Биз сизларга, қадрли ўртоқлар, халқларнинг ҳаётий манфаатлари ва ҳуқуқлари учун, тинчлик ва демократия учун, миллий-озодлик ва социализм учун курашда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаймиз! Аминмизки, бизнинг жанговар иттифоқимиз бундан буён ҳам кучайиб ва мустаҳкамланаверади!

Ўтган ярим асрнинг тажрибаси революцион ҳаракатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан унинг барча отрядларининг жипслиги ва ҳамкорлигига боғлиқ эканлигини яққол исботлади.

Революцион кучларнинг бирлиги мустаҳкам заминдадир. Бу кучларнинг ҳар бири ўз вазифаларини ҳал қилмоқда, лекин уларнинг умумий душмани империализмдир, умумий мақсади — меҳнаткаш халқнинг манфаатлари учун, тинчлик демократия ва озодлик учун курашдир. Буларнинг ҳаммаси жаҳон социализм системасининг ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатининг куч-ғайратини бирлаштириб, империализмга қарши умумий ҳужум бошлаши зарурлигини тақозо қилади.

Революцион кучларнинг авангарди, революцион жараён бирлиги ғояларининг байроқдори — халқаро коммунистик ҳаракатдир. Маркс тузган 1 Интернационалнинг вориси ва давомчиси бўлмиш ҳозирги коммунистик ҳаракат Россия ишчи ва деҳқонларининг ғалабаси вужудга келтирган қудратли революцион тўлқиндан пайдо бўлди. Коминтерн жанговар марксчи-ленинчи партияларни яратиш ва мустаҳкамлашда тарихий роль ўйнади.

50 йил мобайнида коммунистик ҳаракат ғоят катта йўлни босиб ўтди. 1917 йилда жаҳонда атиги бир неча юз минг коммунист бўлган бўлса, ҳозир 88 та коммунистик ва ишчи партияларга бирлашган 50 миллион курашчи бор. Улар орасида социалистик давлатларда янги жамият қурилишига раҳбарлик қилаётган партиялар бор. Улар ичида ривожланган капитализм мамлакатларидаги пролетарлар курашига бошчилик қилаётган марксчи-ленинчи партиялар бор. 100 миллиондан ортиқ ишчи ва хизматчилар бўлган Ғарбий Европада умум миллий сиёсий кучга айланган коммунистик партиялар ўсиб етишганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлган фактдир. Латин Америкаси мамлакатларидаги коммунистик партиялар халқларнинг ёвуз душмани — Америка империализмига қарши ва ички реакция режимларига қарши шиддатли кураш олиб бормоқдалар. Осиё ва Африка мамлакатларидаги компартиялар кенг демократик қатламларни ўз атрофларига тобора кўпроқ жипслаштирмоқдалар, омманинг ишончига тобора кўпроқ сазовор бўлмоқдалар.

Биз капитал мамлакатларидаги коммунистлар қанчалик мардлик ва фидокорлик кўрсатишлари кераклигини биламиз. Империализм компартияларни барбод қилиш, коммунистларни ўз идеалларидан қайтишга мажбур этиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Деярли 40 та капиталистик мамлакатда ишчилар синфининг партиялари тақиқлаб қўйилган. Коммунизм ғояларига ишонувчиларни ишдан ҳайдаб, ризқ-рўздан маҳрум қилмоқда, турмаларга қамамоқдалар, отиб ташламоқдалар.

Октябрь юбилейи кунларида биз қамоқларда азоб чекиб ётган ва репрессия қилинаётган барча коммунистларга, барча революционерларга қарата: бизнинг қалбимиз сиз билан, азиз биродарлар ва дўстлар деймиз! Ишонамизки, ҳеч қандай синовлар коммунистларнинг иродасини бука олмайди, ҳеч қандай ғовлар коммунистик ҳаракатнинг ривожланишини тўхтата олмайди.

Коммунизм қудратли кучга айланди, унинг ғоялари планетамиз бўйлаб зафарли одим ташламоқда. Коммунистлар ижтимоий тараққиётнинг авангарди, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатлари учун энг изчил курашчи деган номга ўз ишлари билан сазовор бўлдилар. Коммунистлар капитализмни ағдариш ва социализм қуриш учун курашга бошчилик қила билишларини исбот этдилар. Улар капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг энг собит қадам ҳимоячилари эканликларини исбот қилдилар. Улар мустамлака халқларининг миллий-озодлиги ва социал тараққиёти учун фидокор курашчилар эканликларини исбот қилдилар. Улар барча халқлар учун тинчлик, озодлик, демократияни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Коммунистик ҳаракатнинг янгидан кучли юксалиши учун, унинг янгидан-янги ғалабалар қозониши учун қулай шароитлар вужудга келди. Лекин биз коммунистлар зиммамизга, бутун жамият ҳаётини революцион тарзда қайта қуришдек улкан ва мураккаб вазифа тушганлигини ҳеч қачон унута олмаймиз. Инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиши мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Бу йўлда муайян муваффақиятсизликлар, муваққат чекинишлар ва ҳатто курашнинг айрим участкаларида мағлубиятлар бўлиши мумкин. Коммунистик ҳаракат булардан ўзи учун сабоқ чиқариб олади.

Тажриба шуни кўрсатадики, империализм каби кучли ва маккор душманни енгиш учун қатъият ва курашга қаттиқ бел боғлаш билан бир қаторда, тийрон сиёсий режа, совуққонлик ва бардошли бўлиш ҳам керак. Коммунистлар бундай душманга мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги кучлар нисбатини илмий анализ қилишга таянувчи стратегияни қарама-қарши қўядилар. Коммунистлар унга шундай тактикани, курашнинг шундай форма ва методларини қарама-қарши қўядиларки, курашнинг ана шу форма ва методлари конкрет шароитларни мумкин қадар тўла ҳисобга олади. Ўз-ўзидан маълумки, келиб чиқадиган проблемаларни тўғри ҳал қилиш йўлини топишга осонлик билан эришиб бўлмайди. Дунё ўзгаради, империализмга қарши курашчиларнинг сафлари кенгайиб боради. Буларнинг ҳаммаси марксча-ленинча назарияни доимо ўрганиш ва чуқур умумлаштиришни, ижодий ривожлантиришни, унинг революцион ҳаракат сафларидаги таъсирини кучайтиришни талаб этади.

Ҳозирги шароитда империализм сиёсати ва идеологиясига қарши курашни бутун чоралар билан кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Империализм озодлик ҳаракати йўлига ғов солишга ҳаракат қилиб, активлашишга уринмоқда, тобора янги-янги авантюралар ва иғвогарликлар қилмоқда. Империализмга муваффақиятли қаршилик кўрсатиш учун унинг ҳужумларини қайтарибгина қолмай, шу билан бирга уни янгидан-янги мағлубиятларга учратиб туриш керак. Коммунистлар, барча революционерлар курашнинг ҳамма асосий йўналишларида жуда зўр ғайрат кўрсатиб кучларни сафарбар қилишлари керак.

Коммунистик партиялар буржуазиянинг идеологик позицияларига ҳужумни кучайтирмоқдалар, антикоммунизм сиёсати ва идеологиясини фош қилмоқдалар. Улар Социализм муваффақиятларини кенг тарғиб қилиб, империалистик пропаганда томонидан тарқатилаётган туҳмат ва бўҳтонларни, антикоммунистик уйдирма ва афсоналарни улоқтириб ташламоқдалар. Компартиялар капитализмни оқлаш учун маккорлик билан ўйлаб чиқарилаётган ва ишга солинаётган турли-туман янги «назариялар»нинг асоссиз эканлигини очиб ташламоқдалар. Партиялар идеология ишида омма учун, антиимпериалистик фронтни мустаҳкамлаш учун муваффақиятли кураш олиб боришни зарур шарт деб билмоқдалар. Бизнинг партиямиз антикоммунизмга зарба бериш, империализмнинг бутун сиёсатини ва идеологиясини фош қилиш соҳасидаги куч-ғайратини бундан буён ҳам кучайтираверади.

Барча мамлакатларнинг коммунистлари синфий курашнинг бутун тажрибасига таяниб: олдимизда турган қийин, хилма-хил проблемаларни ҳал қилишнинг энг муҳим шарти — жаҳондаги барча қардош партияларнинг жанговар ҳамкорлиги, жипслиги ва актив ўзаро таъсирини мустаҳкамлашдан иборат деган хулосани чиқарадилар. Жаҳон коммунизми ягона халқаро ҳаракат сифатида майдонга чиққан тақдирдагина ўзининг буюк мақсадларига эриша олади. Ҳозир бизнинг ҳаммамиз учун ҳам жиҳат бўлиш, халқаро миқёсдаги ҳаракатларимизни доимо уйғунлаштириб туриш муҳимдир.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида социализм ва коммунизм қурилиши, империализмнинг агрессив ҳаракатларига зарба бериш, умумий тинчликни ва халқлар хавфсизлигини ҳимоя қилиш: оммани демократия, миллий-озодлик ва социализм байроқлари остида жипслаштириш, капитализмга қарши революцион кураш олиб бориш учун стратегия ва тактикани янада такомиллаштириш — асосий проблемалар бўлиб, буларни ҳал қилиш учун жаҳон коммунистик ҳаракати ўз сафларини жипслаштирмоқда. Ишчилар синфининг революцион кураши илк бошланган вақтда янграган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиор ҳозир ҳам барча антиимпериалистик кучларни бирлашишга чақирмоқда.

Биз ишонамизки, ҳар бир қардош партиянинг ҳаётий манфаатлари ҳаракатимизни янада жипслаштиришни зарур қилиб қўяди. Ўз-ўзидан равшанки, ҳар бир партиянинг ўз вазифалари бўлиб, у конкрет вазиятга курашнинг мос бўлиб тушадиган форма ва методларини қўлланади. Бинобарин ҳамма партиялар бу ишни тўла мустақиллик асосида қиладилар. Лекин у ёки бу партия курашининг кучи, самараси унинг ўз мамлакатидаги муваффақиятларгагина боғлиқ бўлмай, шу билан бирга бошқа қардош партияларнинг муваффақиятларига ҳам, коммунистик ҳаракат барча отрядлари ҳамкорлигининг кўлами ва чуқурлигига ҳам боғлиқдир. Тажриба шуни кўрсатадики, интернационализм принципларидан четга чиқиш, ҳаракатимиздаги айрим отрядларнинг манфаатларини революцион курашнинг умумий вазифаларига қарама-қарши қўйишга уринишлар, миллий мақсадлар кўринишлари синфий душман олдида коммунистларнинг позицияларини муқаррар суратда занфлаштиради.

Биз зўр мамнуният билан шуни қайд қиламизки, КПССнинг позицияси сафларимизни марксизм-ленинизм принциплари асосида жипслаштиришга қатъий талаб қилиб чиқаётган қардош партиялар аксарий кўпчилигининг позицияларига тўла-тўкис мос бўлиб тушмоқда. Маълумки, қардош партиялар вакилларининг 1957 ва 1960 йиллардаги кенгашлари коммунистик ҳаракатнинг умумий ғоявий-сиёсий позицияларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнади. Европа коммунистик партияларининг Карлови Вари конференцияси, қардош партиялар вакилларининг бошқа региональ ва икки томонлама учрашувлари, қаҳрамон Вьетнам билан ва агрессия қурбони бўлган араб мамлакатлари халқлари билан бирдамлик ҳаракати каби сўнгги вақтдаги диққатга сазовор фактлар бирликни мустаҳкамлашга интилиш кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Кўпчилик қардош партиялар янги халқаро кенгашни чақиришга тарафдор эканликлари ҳозирги вақтда мутлақо равшан бўлиб қолди. Бизнинг партиямиз бу ғояни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди ва коммунистларнинг жаҳон миқёсидаги янги учрашуви муваффақият қозониши учун ҳамма чораларни кўришга тайёр.

Ўртоқлар! Бугун бутун коммунистик ҳаракат биз билан бирга Улуғ Октябрь юбилейини байрам қилмоқда. Марксчи-ленинчилар бу юбилейни нишонлар эканлар, босиб ўтилган йўлга якун ясамоқдалар, умумий коммунистик идеалларимизнинг тантанаси учун кураш олиб бориш истиқболларини белгиламоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳамма вақт ўз фаолиятини, ўз тажрибасини бутун жаҳон коммунистик ҳаракати фаолияти ва тажрибасининг ажралмас қисми деб ҳисоблаб келди ва ҳисоблайди. КПСС қардош партиялар билан бузилмас дўстликда, жанговар иттифоқда бўлиб, кураш ва меҳнатда доимо куч ва илҳом олиб келди.

Ўртоқлар! Партиямиз номидан барча қардош партияларга, барча коммунистларга уларнинг дўстлиги, совет халқининг коммунизм қуриш учун курашида самимий қувватлаганликлари учун чин юракдан ташаккур билдиришга ижозат этгайсиз!

Барча марксчи-ленинчи партияларга чин қалбдан салом топширишга ва янгидан-янги катта муваффақиятлар тилашга рухсат этгайсиз. Давримизнинг етакчи сиёсий кучи бўлган жаҳон коммунистик ҳаракатига шон-шарафлар!

5. СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЛЕНИНЧА ТАШҚИ СИЁСАТИ

Ўртоқлар!

Бизнинг буюк бунёдкорлик ишимизда, социализм ва коммунизм қуриш учун қулай шароитни таъминлашда ташқи сиёсатимиз катта роль ўйнайди.

Улуғ Октябрнинг ғалабаси халқаро муносабатларда чинакам революцион ўзгаришларга асос солди. Жаҳон майдонида биринчи марта шундай давлат пайдо бўлдики, бу давлат халқларни эзиш ва қул қилиш империалистик сиёсатига, мустамлакаларни эксплуатация қилиш, зўрлик ишлатиш ва талон-торож урушлари олиб бориш сиёсатига халқлар озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, тинчликни ҳимоя қилиш империалистик агрессорларга зарба бериш сиёсатини қарама-қарши қўйди. Бир-бирига зид бўлган бу икки йўлнинг кураши мана ярим асрдан буён давом этмоқда.

Совет давлати ленинча ташқи сиёсатининг характери, унинг энг муҳим ўзига хос белгилари социалистик ижтимоий тузумнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Бу сиёсатнинг энг муҳим белгилари нималардан иборат?

Бизнинг ташқи сиёсатимиз социалистик революциядан ўсиб-униб чиқди. У мамлакатимизда жамиятни революцион ўзгартишнинг қуролларидан бири бўлди ва шундайлигича қолмоқда. Революция ютуқларини ҳимоя қилайлик — В. И. Ленин Октябрь ғалаба қилиши биланоқ дарҳол совет ташқи сиёсати олдига ана шундай вазифа қўйди. У 1918 йил январида раҳбар партия ходимлари олдида нутқ сўзлаб, ташқи сиёсат масалаларини «бошланиб кетган социалистик революцияни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун энг яхши шароит яратиш нуқтаи назаридан» (Тўла Асарлар тўплами, 35 том, 247-бет, 5-нашри) ҳал қилишга даъват этди. Совет давлатининг ташқи сиёсати ҳамма вақт ана шу Ленин кўрсатмалари негизига қурилади. Октябрь ютуқларини ҳимоя қилиш, социализм Ватанига қарши империалистлар қилаётган кирдикорларни барбод этиш, коммунистик жамият қуриш учун зарур ташқи шароитни таъминлаш—ана шу сиёсатнинг асосий вазифасидир. Ленин Совет мамлакатининг жаҳон революцион ҳаракати олдидаги олий интернационал бурчини худди ана шундай деб билар эди.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз интернационал сиёсатдир, чунки совет халқининг манфаатлари жаҳоннинг барча мамлакатларидаги меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига мос келади. Бу сиёсат бутун дунёдаги революцион, прогрессив кучлар билан бирдамлик руҳи билан суғорилган ва халқаро майдондаги синфий курашнинг актив омилидир.

Давлатимизнинг ярим асрлик тарихий саҳифаларига революцион интернационализмнинг жуда кўп ажойиб намуналари ёзилган. Биз бу саҳифаларда ёш Совет Россиясининг қўзғолон кўтарган Германия ва Венгрия пролетариати билан бирдамлиги яққол намоён бўлганлигини, хитой халқининг империализм ва реакция кучларига қарши курашининг узоқ йиллар қўллаб-қувватланганлигига оид кўп фактларни кўрамиз. Революцион Испания билан жанговар қардошликнинг унутилмас шонли эпопеясини кўрамиз. Мамлакатимиз испан халқига дипломатик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ёрдамдан тортиб то минглаб совет кўнгиллиларининг шахсий ҳиссасигача, охирги кунга қадар испанлар билан биргаликда Барселона баррикадаларини ва Мадрид осмонини ҳимоя қилган минглаб совет кўнгиллиларининг шахсий ҳиссасига қадар қўлидан келган барча ёрдамни берди. Халқимизнинг Улуғ Ватан урушида миллионлаб совет кишиларининг қурбон бўлиши эвазига қўлга киритилган ғалаба кўп мамлакатларни фашистларга қул бўлишдан сақлаб қолган вақтда халқимизнинг халоскорлик соҳасидаги жасорати асрлар оша сўнмайди. Урушдан кейинги даврда СССРнинг одил демократик тинчлик учун ва энг аввало янги, халқ-демократик давлатларнинг мустақиллигини ҳимоя қилиш учун олиб борган қатъий курашининг аҳамиятига ҳар қанча юқори баҳо берса ҳам арзийди.

Революцион интернационализм руҳи Октябрь Ватанининг жаҳон майдонидаги бутун фаолиятига сингиб кетган, шунинг учун ҳам биз, совет кишилари ана шу олижаноб принципга ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз.

Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг энг муҳим белгиларидан бири—унинг чуқур ва чинакам демократизмидир.

Совет ҳокимияти ташқи сиёсатда эксплуататор синфларга хос традицияларга, яширин дипломатия методларига, халқлардан яширин тарзда тил бириктириш сиёсатига қатъиян барҳам бериб, чор Россияси тузган барча махфий шартномаларни бекор қилди. Инсоният тақдирига дахлдор бўлган энг муҳим масалаларда бизнинг мамлакатимиз бошқа давлатларнинг фақат ҳукуматларигагина эмас, балки бевосита халқларнинг ўзига мурожаат қиладиган бўлиб қолди.

Бизнинг дунёдаги барча мамлакатлар, барча давлатлар билан ўрнатаётган муносабатларимизнинг ўзгармас демократик асоси—каттаю-кичик барча миллатларнинг амалда тенг ҳуқуқлилигини эътироф этиш, барча ирқ ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишдир.

«..буржуазия цивилизациясининг ваҳшиёна сиёсати билан алоқани бутунлай узганлигини», — Совет давлати Лениннинг ташаббуси билан тантанали равишда эълон қилди, — «чунки бу сиёсат бир нечагина имтиёзли миллатлардаги эксплуататорларнинг ҳузур-ҳаловати Осиёдаги, умуман мустамлакалардаги ва кичик мамлакатлардаги юз миллионлаб меҳнаткаш аҳолини қул қилишга асосланиб қурилгандир». (В. И. Ленин, Асарлар, 26-том, 440-бет).

Совет республикаси барча халқларнинг, шу жумладан собиқ Россия империяси составига кирган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқларини сира иккиланмасдан эътироф этди. Совет республикаси Эрон Афғонистон, Туркия, Хитой каби мамлакатларга ўша пайтгача мисли кўрилмаган ташаббус билан—чинакам тенг ҳуқуқли шартномалар тузиш ҳамда беғараз дўстлик ва ўзаро ёрдамга асосланган муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилган биринчи давлат бўлди.

Совет Иттифоқи Ленин васиятларига амал қилиб ҳамма халқларнинг демократик ҳуқуқлари, озодлиги ва мустақиллигининг хормас курашчиси мустамлакачилик ва миллий зулмнинг ҳар қандай формаларини тугатиш учун, барча миллатларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги учун курашаётган кишиларнинг содиқ иттифоқдоши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ниҳоят. Совет давлатининг ташқи сиёсатини характерловчи яна бир туб, принципиал белги шундан иборатки, у изчил тинчлик сиёсати, халқлар хавфсизлиги ва дўстлиги сиёсатидир. Социализмнинг халқ манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишдан бошқа мақсади йўқ. Бундай ғамхўрлик энг аввало урушга қарши. Ленин сўзлари билан айтганда, меҳнат аҳли учун энг катта бало бўлган урушга қарши курашишни тақозо этади.

Партия ўртага ташлаб, оммани революцияга кўтарган шиорлардан бири тинчлик шиори эди. Тинчлик учун кураш—бу, биз учун ҳозир ҳам чуқур синфий, революцион мазмунга эга бўлган вазифадир. чунки тинчлик учун курашиш—энг урушқоқ, агрессив империалистик буржуазия доираларини яккалаб қўйиш, жамоатчилик фикрини уларга қарши қаратиш, уларнинг халққа қарши ниятларини барбод этиш демакдир.

Давлатимизнинг тарихи империалистларнинг агрессив сиёсатига қарши қатъий бетўхтов кураш, халқларни уруш фалокатидан халос қилиш учун кураш тарихидир. Революция ғалаба қилгандан кейинги дастлабки соатлардаёқ янги ишчи-деҳқонлар ҳокимияти тинчлик тўғрисидаги Ленин декретида барча мамлакатлар ҳукуматлари ва халқларига сулҳ, одил сулҳ, аннексия ва контрибуциясиз сулҳ таклиф қилиб мурожаат қилди. 1919 йилда Советлар съезди Ленин қўли билан ёзилган резолюцияни қабул қилди. Бу резолюцияда тантанали суратда «Россия социалистик Федератив Совет Республикаси барча халқлар билан тотувликда яшашни ва ўзининг бутун кучини ички қурилишга қаратишни истайди». (Асарлар, 30-том, 246-бет). деб ёзилган эди.

1922 йилда Совет Россияси ҳам қатнашиш имконига эга бўлган Генуядаги биринчи халқаро конференцияда бизнинг мамлакатимиз тинч ҳамкорлик қилиш ва қуролсизланишнинг кенг программасини илгари сурди.

Дунё устида фашистлар агрессияси хавф солиб турган йилларда Совет Иттифоқи коллектив хавфсизлик системасини барпо этиш учун қатъият билан курашди. Бундай система агрессорларнинг танобини тортиб қўйиши ва иккинчи жаҳон урушининг олдини олиши мумкин эди. Ядро қуроли ва ракеталарнинг пайдо бўлиши янги жаҳон урушининг олдини олиш вазифасини айниқса актуал вазифа қилиб қўйган бир пайтда, СССР қатъий халқаро контроль остидаги ялпи ва батамом қуролсизланиш конкрет плани билан майдонга чиқди.

Советлар мамлакати баланд кўтарган тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик байроғи барча қитъалардаги кўп миллионли омманинг ҳурмати ва мададини социализм томон қаратмоқда. Бутун дунёдаги кишилар Совет Иттифоқи бизнинг буюк революциямиз эълон қилган халқаро муносабатлардаги янги асосларни изчиллик билан амалга ошириб келаётганлигини кўриб турибдилар.

Ўртоқлар, бизнинг ташқи сиёсий йўлимизнинг асосий белгилари ана шулардан иборат. Бу йўл Ленин раҳбарлигида ташкил топди ва уни партия ўзининг кейинги қарорларида ривожлантирди. Бу ленинча йўл Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг доимий, принципиал негизидир.

Партия СССР ташқи сиёсатининг изчил ва дадил бўлишига, унинг совет халқи манфаатларини ҳимоя қилишда, коммунизм буюк ишини ҳимоя қилишда қатъий бўлишига, агрессорларга нисбатан муросасиз ва айни вақтда пухта ва реалистик бўлишига катта эътибор беради. Мамлакатни ривожлантиришга оид жуда йирик проблемалар билан бир қаторда ташқи сиёсат масалалари ҳам доимо партиямиз Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Совет ҳукуматининг диққат марказида турибди. Марказий Комитетнинг Пленумларида, партия съездларида ва СССР Олий Советининг сессияларида мунтазам суратда муҳокама қилинмоқда.

КПСС XXIII съезди ташқи сиёсатимизнинг яқин йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари ва вазифаларини белгилаб берди. Биз халқаро майдондаги амалий фаолиятимизда съезд кўрсатмаларига оғишмай амал қиламиз.

Партия ва ҳукуматимиз жаҳон социализм системаси инсоният тақдирида жуда катта тарихий роль ўйнашини ҳисобга олиб, социалистик давлатлар буюк ҳамдўстлигининг қудратини ва жипслигини мустаҳкамлаш учун барча ишларни қилишни ўз бурчи деб билади.

Биз қардош социалистик мамлакатлар билан сиёсий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, қардош мамлакатлар коммунистик партиялари ва ҳукуматларининг раҳбарлари билан янада яқиндан ва мунтазам алоқа боғлаш, сиёсатимизни координациялаш халқларимиз ўртасидаги алоқалар ва алмашувларнинг турли формаларини ривожлантириш йўлини дадил ўтказиб келмоқдамиз.

Совет Иттифоқи кейинги йилларда Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Польша, Монголия, Болгария, Венгрия билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги шартномаларни имзолади. Биз бу қардошларча дўстлик ҳужжатларини жуда қадрлаймиз; уларнинг бой мазмуни бизнинг муносабатларимизда эришилган янги, янада юксак босқични акс эттиради.

Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қардош партиялар ва мамлакатлар раҳбарлари билан биргаликда социалистик давлатларнинг икки томонлама ва кўп томонлама самарали иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш устида хормай иш олиб бормоқда, бунда узоқ муддатга мўлжалланган меҳнат тақсимотининг ва фан-техника тараққиёти ютуқларининг жуда катта аҳамиятини ҳисобга олмоқда.

Ҳозирги шароитда социалистик давлатларнинг мудофаани мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳамкорлиги ғоят муҳимдир. Биз бу вазифага муттасил катта эътибор берамиз. Бу энг аввало Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар билан муносабатларга тааллуқлидир. Варшава шартномаси социализм мамлакатлари сиёсий ва мудофаа ҳамкорлигининг қудратли қуролидир.

Бизнинг қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлигимиз мустаҳкамланиб ва ривож топиб бормоқда. Бу дўстлик тобора чуқур ва кўп қиррали бўлиб бормоқда, мамлакатларимиз халқлари учун табиий эҳтиёжга айланмоқда. Ўртоқлар, сизларни ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати жаҳон социализми ютуқларини мустаҳкамлашга, ривожлантиришга ва ҳимоя қилишга ёрдам бериш учун бундан буён ҳам қўлидан келган барча ишларни қилади.

(Давоми 6-бетда).

СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ҒАЛАБА-ЛАРИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

(Боши 2, 3, 4, 5-бетларда).

Совет давлатининг халқлар демократик ҳуқуқи учун, мустамлака ва миллий зулмнинг барча хилларини узил-кесил тугатиш учун кураши ҳам ҳозирги вазиятда янгича формалар касб этмоқда. Совет Иттифоқининг ташаббуси билан бошқа социалистик давлатлар актив қўллаб-қувватлаган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёдаги аксар кўпчилик мамлакатлар овози билан машҳур «Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида декларация»ни, сўнгра эса, «Давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик тўғрисида, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини қўриқлаш тўғрисида»ги декларацияни қабул қилди.

Ҳали ҳам мустамлакачиларга қарши қуролли кураш олиб боришга мажбур бўлаётган халқлар билан жанговар иттифоқ тузиш ҳозирги кунда ҳам халқаро ишлардаги йўлимизнинг муҳим элементидир. Шу билан бирга империализмнинг мустамлака системаси амалда емирилган ҳозирги вақтда янги вазифа: мустамлака бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, социал тараққиёт учун курашаётган давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш вазифаси алоҳида аҳамият касб этди.

Ҳозирги вақтда биз ёш миллий давлатлар билан ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган яхши муносабатлар ўрнатганмиз. Бу дўстона муносабатларнинг даражаси ва конкрет формалари ана шу давлатлардан у ёки бунисининг сиёсатидаги умумий йўналишига боғлиқ. Биз ўз тараққиётида социализм йўлидан бораётган мамлакатлар билан жуда яқиндан иқтисодий ва сиёсий алоқалар, энг мустаҳкам муносабатлар ўрнатдик.

Мустамлака зулмидан қутулиб олган мамлакатлар Совет Иттифоқини самимий ва беғараз дўст деб биладилар. Улар СССРнинг сиёсати ва ҳатто социалистик давлатимиз мавжудлигининг ўзи уларнинг мустақиллигини империалистлар тажовузидан сақлашга ёрдам берувчи муҳим омил эканлигини яхши биладилар.

Маълумки, Совет Иттифоқи озодликка чиқиб олган ёш мамлакатларга уларнинг мустақил миллий экономикасини ривожлантиришда кенг кўламда дўстона ёрдам бермоқда. Ҳозирги кунда Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатларнинг тропик ўрмонларида ва жазирама саҳроларида Совет Иттифоқининг ёрдами ва мадади билан қурилган фабрика ва заводларнинг корпуслари, электр станцияларнинг тўғонлари, касалхоналар ва институтларнинг бинолари қад кўтариб турибди. Ана шу объектларнинг ҳар бири мустамлакачилик бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган мамлакатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик монументидир.

Миллий озодлик ҳаракати билан иттифоқ бўлиш, бутун дунёдаги антиимпериалистик курашчилар билан иттифоқ бўлиш — бизнинг халқаро майдондаги кучимизнинг муҳим манбаларидан биридир. Биз бир-биримизни қувватлаб, баббаравар қадам ташлаб борсак, кўпгина халқаро проблемаларни, шу жумладан тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳам ҳал қилишга эришишимиз осонроқ бўлади.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз ва Совет ҳукуматимиз янги жаҳон уруши хавфининг олдини олиш учун олиб бораётган ўз курашида ташқи халқаро вазиятнинг хусусиятларини ҳисобга олади.

Вьетнамдаги уруш, Лаосдаги Америка интервенцияси, Яқин Шарқдаги воқеалар, Осиё, Африка, Европа, Латин Америкасининг баъзи бир мамлакатларида, империалистлар уюштираётган реакцион тўнтаришлар, Европа чегараларини қайта тузиш ва ядро қуролига йўл очиб бериш тўғрисида Ғарбий Германия реваншистлари зўр бериб илгари сураётган талаблар, уларнинг «бутун Германия» номидан гапирамиз деб сурбетлик билан илгари сураётган бемаъни даъволари — ана шуларнинг ҳаммаси империализм ўз агрессив табиатини ўзгартмаганлигини кўрсатиб турибди. Империализм ҳозир ҳам энг ёвуз реакциянинг қонли зўрликлар ва агрессиянинг тимсоли бўлиб қолмоқда, тинчлик ва барча халқларнинг хавфсизлиги учун жиддий суратда таҳлика солмоқда, шунинг учун ҳам биз буни унута олмаймиз, унутишга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Империалистик иғво ва фитналарга нисбатан ҳушёр бўлиб туриш шунинг учун ҳам айниқса зарурки, ҳозирги шароитда ракета-ядро қуроли ишлатиладиган жаҳон уруши юз миллионлаб кишиларнинг ҳалок бўлишига, бутун-бутун мамлакатларнинг йўқолиб кетишига, ер усти ва атмосферасининг заҳарланишига олиб келиши мумкин. Коммунистлар бундан энг жиддий сиёсий хулосалар чиқармай иложлари йўқ. Янги жаҳон уруши хавфининг олдини олиш учун кураш ҳозирги кунда социализм ва коммунизм қуриш бутун жаҳон революцион процессини ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишнинг муҳим шартларидан биридир.

Инсониятни жаҳон ракета-ядро уруши ҳалокатидан халос қилишни истовчи киши империалистларнинг агрессив кирдикорлари ва уринишларига қарши икки баравар, уч баравар кўп ғайрат билан курашиши лозим. Уларнинг хатти-ҳаракатларига антиимпериалистик кучларнинг жипслашган фронтини қарама-қарши қўйиш зарур.

Агрессорларнинг хуружлари эрксевар кучларнинг қаттиқ зарбасига дуч келган жойларда империалистлар ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Бу Вьетнамдаги воқеалар мисолида кўриниб турибди.

Америка империалистлари Жанубий Вьетнамдаги аҳолининг миллий озодлик курашини бостириш, мамлакатнинг демократик асосда бирлашувини барбод қилиш, Вьетнам Демократик Республикасида социализм қурилишига тўғаноқ солиш ҳамда бошқа мамлакатлардаги миллий озодлик ва тараққиёт учун кураш олиб бораётган кишиларни қўрқитиш мақсадида ўз қўшинларини Жанубий Вьетнам ватанпарварларига қарши ташладилар, сўнгра эса, тўғридан-тўғри ВДРга ҳужум қилдилар.

Америка ҳарбийларининг Вьетнамдаги жиноятлари фашист газандаларининг ваҳшийликларини эсга солади. Ўн мингларча тинч аҳолини қириб ташлаш, шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин вайрон қилиб бориб, мактаблар ва касалхоналарни вайроналарга айлантириш, экинларни пайҳон қилиш — Америка интервентларининг Вьетнам еридаги шармандали йўли ана шундай. Лекин «эркин дунё» деб аталган нарсанинг ҳомийлари бўлиб кўринмоқчи бўлган зўравонлар ва қотиллар Вьетнам халқини тиз чўктира олмадилар ва ҳеч қачон тиз чўктира олмайдилар. Озодлик ва мустақиллик учун курашувчиларни қўрқита олмадилар ва ҳеч қачон қўрқита олмайдилар. Бутун дунё халқлари, шу жумладан миллион-миллион америкаликлар ҳам Вьетнамга қарши қонли агрессияни лаънатламоқдалар. Вьетнамдаги интервенция АҚШнинг халқаро обрў эътиборига тобора кўпроқ путур етказмоқда.

Шарқи-Жанубий Осиё чангалзорларига ташланган ярим миллион Америка солдатлари ҳам, кучли ҳарбий флот ҳам, оғир бомбардимончи самолётлар ҳам, Сайгон қўғирчоқларининг армияси ҳам, АҚШнинг итоаткор шериклари юборган полклар ҳам агрессорларга ёрдам бера олмайди.

Вьетнам халқи бутун дунёни ҳайратга солувчи қаҳрамонлик билан, жуда катта қийинчиликларни мардонавор бартараф эта бориб, босқинчи галаларга бирин-кетин зарба бермоқда. Вьетнам халқи бу ишда бутун дунёдаги прогрессив, тинчликсевар кучларнинг мададига ва биринчи навбатда Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик давлатларнинг кенг кўламдаги доимий ёрдамига таянмоқда. Қурол-яроғ ва ўқ-дори, озиқ-овқат ва кийим-кечак, транспорт ва асбоб-ускуналар — социалистик мамлакатлар бирдамлигининг ана шу ҳамма конкрет кўринишлари Вьетнам ватанпарварларига уларнинг қаҳрамонона курашида ёрдам бермоқда.

Агар Мао Цзэ-дун группаси барча социалистик мамлакатлар, шу жумладан Хитой томонидан Вьетнамга берилаётган ёрдамни координациялашга тўсқинлик қилувчи позиция тутмаганида эди, Вьетнам халқининг жанговар ютуқлари бундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин эди. Пекин раҳбарларининг бундай йўли бизни афсуслантирмоқда. Совет Иттифоқи ҳаққоний иш учун курашаётган қардош Вьетнам халқига бутун чоралар билан ёрдам ва мадад беришга қатъий аҳд қилган. Америка империалистлари ўзларининг шармандали, жиноятқорона фитналарини тўхтатмагунларича ва Вьетнамдан жўнаб қолмагунларича бундай ёрдам берилаверади!

Вьетнам халқи ҳаққоний иш учун курашмоқда ва шунинг учун ҳам у ғалаба қилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Исроилдаги ўзларига тобе қўғирчоқ ҳокимиятнинг қўшни араб давлатларига агрессиясини рағбатлантириш позициясида турган АҚШ, Англия ва ГФРнинг хатти-ҳаракатлари халқлар олдида империалистлар сиёсатининг маккорона моҳиятини яна бир бор очиб ташлади ҳамда дунёдаги барча прогрессив кучларнинг ғазабига дучор бўлди, кўп миллионли араблар оммасининг ҳаққоний суратда нафратланишига сабаб бўлди. Айни бир вақтда араб халқлари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар уларга содиқ дўст, ўз мустақилликларининг ишончли таянчи эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Совет Иттифоқи агрессив империалистик кучларнинг танобини тортиб қўйиш ишига, тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўша бориб, ўз бурчини виждонан адо этмоқда. Шак-шубҳа йўқки, халқларнинг империалистлар кирдикорларига нисбатан сергак бўлиб туришлари, барча тинчликсевар давлатларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари тинчлик ишини мустаҳкам таъминлаши мумкин.

Биз халқлар ишига империалистик аралашувга қарши курашаётган кишиларга, империалистик агрессия қурбонларига ёрдам бермоқдамиз ва ёрдам бераверамиз. Бу ёрдамнинг формалари вазиятга қараб жуда хилма-хил бўлиши — сиёсий, дипломатик, иқтисодий ёки ҳарбий ёрдам бўлиши мумкин, лекин унинг мазмуни ҳамиша бир хил бўлади: агрессорларга зарба бериш, халқларнинг мустақил ривожланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тинчлик ишини ва халқлар хавфсизлигини ҳимоя қилишдан, шу тарика социализм манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз империализмнинг агрессив табиатини яхши билганлиги учун Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсати унинг енгилмас мудофаа қуввати билан мустаҳкамланиши зарур деб ҳисоблайди. Буни совет халқининг манфаатлари, умумий тинчликни таъминлаш манфаатлари талаб этади.

Шу сабабли, шонли Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш — Марказий Комитет, Совет ҳукумати, бутун халқ кўрсатаётган доимий ғамхўрликларнинг биридир.

Биз совет социалистик давлатининг қудрати дунёдаги тинчликнинг асосий таянчи бўлганлиги ва шундай бўлиб қолишини, империалистик уруш оловини ёқувчилар йўлидаги асосий тўсиқ эканлигини тушунамиз. Ленин, меҳнаткашларни озод қилиш учун кураш ғоялари билан илҳомланиб турадиган социалистик армияни тузиш Совет мамлакатини енгилмас мамлакатга айлантиради, деб кўрсатган эди. Бугун биз босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, фахр билан айтишимиз мумкинки, Ленин ўртага қўйган вазифа ҳал қилинди! Бизнинг шонли армиямиз халқ ва революция олдидаги ўз бурчини шараф билан бажармоқда.

Ҳозир Совет Армияси — қудратли, забардаст, енгилмас кучдир. У дунёдаги энг яхши қурол билан қуролланган. Совет жангчилари — солдатлардан тортиб маршалларгача, матрослардан тортиб адмиралларгача — ҳарбий фанни ва ўз қўлларига топшириб қўйилган аъло даражадаги техникани жуда яхши биладиган чинакам ҳарбий иш усталаридир, партиямизга, коммунизм ишига чексиз содиқ кишилардир!

Биз ўтмиш сабоқларини назарда тутамиз ва бизни ҳеч ким ғафлатда қолдирмаслиги учун барча чораларни кўрамиз. Бордию Совет мамлакатининг хавфсизлигига тажовуз қилишга журъат этадиган, бизнинг иттифоқчиларимизга тажовуз қилишга журъат этадиган нодонлар топилиб қолгудек бўлса, — совет халқи тап тортмайди. Бундай тажовуз қайси томондан бўлмасин — шимолданми ёки жанубдан, ғарбданми ёки шарқдан бўлмасин, — агрессор бизнинг шонли Қуролли Кучларимизнинг енгилмас қудратига дуч келади. Бу қудрат тўсиқ нима эканлигини билмайди, масофа нима эканлигини билмайди. Ҳамма шуни билиб қўйсинки, Совет мамлакати ҳар қандай агрессор билан тўқнашувда ғалаба қилади, буюк халқимизга муносиб, Октябрь Ватанига муносиб ғалаба қилади!

Биз шонли байрамимиз кунида жонажон еримизнинг қўриқчиларига, совет осмони ва денгиз кенгликларини қўриқловчиларга, шунингдек жангчиларимиз қўлидаги даҳшатли қуролнинг истеъдодли ижодчилари ва бунёдкорларига қизғин салом йўллаймиз! Совет Иттифоқининг шавкатли Қуролли Кучларига — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ютуқларининг, социализм ютуқларининг ишончли посбонларига шон-шарафлар бўлсин!

Бизнинг қудратимиз зўр, лекин биз ундан ҳеч қачон ғаразли, худбинлик мақсадларида фойдаланмаймиз. Коммунизм қураётган дунёдаги биринчи давлатнинг жуда улкан қудрати агрессия ва зулмга қарши, озодлик, демократия ва тинчлик учун кураш ҳаққоний иши манфаатларига хизмат қилади. Бу қудратнинг ўсиши, СССРнинг дунёдаги воқеалар жараёнига таъсирининг кучайиши ҳамма мамлакатлар халқ оммасининг туб манфаатларига жавоб беради.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз ўзининг бутун мазмуни билан изчил революцион бўлган социалистик сиёсатдир. Лекин марксчи-ленинчилар ҳамиша шу нарсани яхши биладиларки, социализм бир мамлакатдан бошқасига ҳарбий куч ёрдамида киритилмайди балки у ҳар бир муайян жамият ички тараққиётининг натижасидир. Марксчи-ленинчилар ўз ишларининг ҳаққонийлигига, социалистик тузумнинг афзалликларига қаттиқ ишонадилар ва бу тузумнинг ғалаба қилиши учун давлатлар ўртасида уруш қилиш зарурати йўқлигига аминдирлар.

Ленин, ташқи сиёсатда империалистик авантюристларнинг ниятларини ҳам, буржуазиянинг соғлом ақлли вакиллари тутган позицияни ҳам ҳисобга олиш керак, деб таълим берар эди. Биз бу кўрсатмаларни ёдда тутиб келмоқдамиз, шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи мисли кўрилмаган қудратга эришган ҳозирги кунда ҳам у худди илгаригидек, икки хил ижтимоий система ўртасидаги муносабатларга доир масалаларни ҳарбий йўл билан ҳал қилишга уринишдан воз кечишни ёқлаб чиқмоқда. Биз буржуа мамлакатларининг ҳукуматларини тинчлик ва мустаҳкам хавфсизлик бўлишини талаб қилаётган халқларнинг овозига қулоқ солишга чақирамиз.

Совет Иттифоқи халқларнинг ана шу умид-орзулари рўёбга чиқиши учун барча чораларни кўришни ўз бурчи деб билади, худди шу сабабли у ялпи ва батамом қуролсизланиш учун муттасил зўр ғайрат билан курашмоқда ва кураша беради. Биз ана шу мақсадга эришиш йўлида ядро қуролини синашни тақиқлаш тўғрисидаги, унинг янада тарқалишига йўл қўймаслик тўғрисидаги ёки уни ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги битимлар каби жузъи қадамларни ҳам фойдали деб ҳисоблаймиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига жиддий аҳамият берамиз ҳамда бошқа эрксевар ва тинчликсевар давлатлар билан биргаликда БМТни тинчликни ва халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатлари йўлида халқаро ҳамкорликнинг самарали органига айлантиришга эришиш йўлида курашамиз. СССР ўзининг иттифоқчилари билан биргаликда Европада мустаҳкам тинчлик учун, Европа халқларининг хавфсизлигини таҳлика остига қўяётган ҳар қандай уринишларга қарши курашни қатъият билан давом эттираберади, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш машҳур принциплари асосида ҳар икки томон учун фойдали бўлган ҳамкорлик қилишини ёқлаб чиқаверади.

Совет мамлакатининг тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун кураши «Москванинг агрессивлиги» тўғрисидаги, «коммунистик хавф» тўғрисидаги сохта афсонанинг — АҚШ империалистлари бошлиқ халқаро реакция дастак қилиб олиб, халқларни алдаб келган, ўзининг агрессив ҳарбий блоклари — НАТО, СЕАТО ва шу кабиларни уюштириб келган афсонанинг кулини кўкка совурди. У ана шу блокларни тузар экан, бизни қуршов ичига олмоқчи бўлди, жаҳон социализм системасининг мустаҳкамланишига ва мазлум халқлар миллий озодлик революциясининг ривожланишига тўсқинлик қилиш умидида бўлди.

Аммо иш Вашингтондагилар ва бошқа капиталистик дунё пойтахтларидагилар мўлжал қилганидан бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Социализм ва унинг иттифоқчиларининг позициялари бетўхтов мустаҳкамланиб бормоқда. Империализмнинг агрессив кучлари тобора яккаланиб қолмоқда, улар тузган блоклар бўшашиб, очиқдан-очиқ зил кетмоқда. Буржуа мамлакатларининг халқлари ва ҳатто баъзи бир ҳукуматлари ўзлари тушиб қолган исканжадан қутулишга, империалистик блокларнинг ташкилотчилари ва корчалонларининг хавфли, иғвогарона сиёсатидан ўзларини четга олишга тобора очиқдан-очиқ интилмоқдалар. Ана шуларнинг ҳаммасида Совет давлатининг принципиал, изчил тинчликсевар ташқи сиёсатининг таъсири шубҳасиз ўзини кўрсатмоқда.

Ўртоқлар! Совет Социалистик давлати босиб ўтган 50 йиллик йўлга назар ташлар эканмиз, ишонч билан айтамизки, бизнинг ленинча ташқи сиёсатимиз ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақият билан ҳал қилиб келди ва ҳал қилмоқда.

Халқаро ишлардаги тўғри йўлимиз бизга Октябрдан кейинги дастлабки йилларда ёш ва ўша кезларда ҳали заиф бўлган Совет давлатини янчиб ташлашга уринган душманларнинг қора ниятларини пучга чиқаришга ёрдам берди. Бу йўл мамлакатимиз душман капиталистик дунё қуршовида бўлган шароитда совет халқининг социализм қуришини осонлаштирди. Бу йўл иккинчи жаҳон уруши даврида бизга қарши жаҳон империализмининг ягона фронтини барпо этиш йўлидаги уринишларни барбод қилишга имкон берди ва бу билан совет халқининг тарихий ғалаба қозонишига ёрдам кўрсатди. Агар энди совет кишилари мана йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён тинч шароитда яшаб, ўз кучларини коммунизм қурилишига сарфлаётган эканлар, бунинг маъноси шуки, мамлакатимизнинг мудофааси ишончлидир ва Коммунистик партия билан Совет давлатининг ташқи сиёсати ўз ишини аввалгидек муваффақият билан адо этиб бормоқда.

Бизнинг ташқи сиёсатимизни бутун совет халқи, бизнинг қардош социалистик мамлакатлар, озодлик, тараққиёт ва тинчликнинг барча тарафдорлари маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Бу сиёсат 50 йил мобайнида қандай йўлдан борган бўлса, худди шундай йўлдан, яъни Ленин васият қилган, партия чизиб берган, бутун тарих жараёнида синалган йўлдан бундан буён ҳам бораверади. Совет мамлакати бутун ер юзидаги халқларнинг бахт-саодати учун курашмоқда, бу курашни дунёдаги барча илғор, софдил ва ақли расо кучлар билан иттифоқ бўлиб олиб бормоқда. Ана шунинг учун биз аминмизки, Октябрь Ватани халқаро майдонда курашаётган иш ғалаба қозонади!

6. КОММУНИСТИК ПАРТИЯ — СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ, ҒАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ ИЛҲОМЧИСИ ВА ТАШКИЛОТЧИСИ

Ўртоқлар! Октябрь ғалабаси, мамлакатимизда социализмнинг тантанаси коммунистик партия идеяларининг тантанасидир, партия ленинча бош йўлининг буюк зафаридир. Бутун XX аср давомида мамлакатимиз тарихи Коммунистик партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келди.

Ўтган 50 йил ичида партия ўз мазмуни ва кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган ишлар қилди. Социализм ва коммунизмнинг энг катта назарий проблемаларини ҳал қилиш билан бирга кундалик амалий, ташкилотчилик ишлари ҳам олиб борилди: шаҳар ва қишлоқда мамлакат экономикасига раҳбарлик қилиш билан бирга ташқи сиёсатнинг энг мураккаб проблемаларини ишлаб чиқиш ҳам давом эттирилди; халқни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, маданиятни ривожлантириш борасида ҳормай-толмай ишлаш билан бирга Совет давлатини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг бузилмас мудофаасини таъминлаш ишлари ҳам олиб борилди; ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш билан бирга улуғ Ватанимиздаги ҳамма халқларнинг қардошларча дўстлиги ҳам мустаҳкамланиб борди. Хуллас биронта муҳим проблема йўқки, уни ҳал қилишга партия ўзининг ақл-идрокини, ўзининг иродасини, ўзининг битмас-туганмас ғайратини сарфламаган бўлсин. Бундай проблема бўлган эмас ва йўқ.

Мана шу йилларнинг ҳаммасида КПСС коммунизм душманларининг тўхтовсиз ёғдириб турган ўти остида бораверди. Эски дунё кучлари партиямизнинг ўзига ҳам, мамлакатимизга ҳам қутуриб ҳужум қилаверди, партиямиз мамлакатимиз тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олган эди. Лекин Ленин партияси асло енгилмайдиган қалъа бўлиб тураверди, душманларнинг ҳужуми, сиёсий ва ғоявий ёвларнинг сон-саноқсиз чиқишлари шу қалъага урилиб тилка-пора бўлаверди.

Партия тарқоқ марксистик группалар ва тўгараклардан кўп миллионли аъзоси бўлган ташкилотга айланишигача жуда катта йўлни босиб ўтдики, бу ташкилот совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлиб қолди.

РСДРПнинг II съезди партиянинг биринчи Программаси — чор самодержавиесига ва капитализмга қарши кураш программасини қабул қилган 1903 йилда партия сафида атиги бир неча минг киши бор эди.

Большевикларни отдилар, каторгаларда чиритдилар, турмаларда уларга азоб бердилар. Лекин революциянинг бир жангчиси ҳалок бўлган жойда ўнлаб янги жангчилар унинг ўрнини олиб, сафга туравердилар. Улар чинакам қаҳрамонлар эди, букилмас иродали ва мард, юксак ғоявий ва сутдек пок, ниҳоят даражада бардам ва забардаст кишилар эди. Улар ўз ишларининг ҳаққонийлигига, революциянинг ғалабаси муқаррарлигига астойдил ишониб олға боравердилар. Партия иши, революция иши улар учун муқаддас иш бўлди ва улар бу ишга бутун вужудларини сарфладилар.

Партия 1917 йилнинг февралида подпольедан чиққан вақтда унинг сафларида 24 мингга яқин киши бор эди. 1917 йилнинг октябрига келиб большевиклар 350 минг кишига етди. 160 миллион аҳолиси бўлган бутун Россияда фақат шунча большевик бор эди. Бу кишилар нақадар зўр ғайратга эга бўлганликлари, улар тарғиб қилаётган ҳақиқат нақадар енгилмас кучга эга бўлганликлари шу нарсадан ҳам кўриниб турибдики, бу кишилар ўн миллионлаб ишчилар ва деҳқонларни ўзларига эргаштирдилар!

Партия темирдек мустаҳкам интизоми билан жипслашган, ишчи ва солдатлар оммасидан, илғор зиёлилардан, деҳқонларнинг катта қисмидан мадад олиб турган жанговар сиёсий ташкилот бўлиб Октябрга келди. Партия Лениннинг пролетар революцияси тўғрисидаги назарияси билан — халқимизга социализм йўлини кўрсатиб берган назария билан қуролланган ҳолда Октябрга келди.

Октябрнинг ғалабаси, Совет давлати барпо қилинганлиги партиянинг биринчи Программаси бажарилганлигидан далолат берди. 1919 йилда РКП(б) нинг VIII съезди партиянинг иккинчи Программасини — социализм қуриш программасини қабул қилди.

Эски ижтимоий тартибни емириб ташлашдан янги ижтимоий тартибни тузишга ўтиш партия ва ишчилар синфидан сиёсий ташкилий, ҳатто психологик жиҳатдан чуқур қайта қуришни талаб қилди. Ишчилар синфининг тарихда биринчи ҳукмрон партияси бўлган бизнинг партиямиз шу дамгача ҳеч бир жамият дуч келмаган вазифаларни ҳал қилиш йўлини кўрсатиб берадиган сиёсий йўлни ишлаб чиқиши керак эди. Оммага раҳбарлик қилишнинг тинч қурилиш талабларига жавоб берадиган янги методлари ва формаларини ишлаб чиқиш керак эди. Ниҳоят, коммунистларнинг кайфиятида бурилиш бўлишига — қуролли қўзғолон ва граждан урушининг қаҳрамонлик завқларидан кундалик доимий меҳнатга ўтишни талаб қиладиган бурилиш бўлишига эришиш керак эди.

Шу вазифаларни ҳал қилиш билан бирга партия троцкийчиларга, ўнг оппортунистларга ва буржуазия ҳамда майда буржуазия табақаларининг тазйиқини ўз қарашларида акс эттираётган бошқа оппозициячи группаларга қарши муросасиз кураш олиб борди. Дастлаб мамлакатимизнинг ўзида социализм қуриш мумкинлигини инкор қилган, ишчилар синфининг кучига, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг мустаҳкамлигига ишонмаган оппозициячилар партияни Ленин йўлидан тойдиришга уриндилар. Партия оппозицияни ғоявий ва сиёсий жиҳатдан тор-мор келтириб, марксизм-ленинизмнинг софлигини, ленинча бош йўлни қаттиқ туриб сақлаб қолди, ўз сафларининг бирлигини мустаҳкамлади.

Партия олиб борган жуда катта назарий, сиёсий ва ташкилий иш ўзининг тарихий самараларини берди. СССРда социализм қурилганлиги партиянинг II Программаси ҳам бажарилганлигини билдирди.

60-йилларнинг бошларига келиб Совет мамлакати янги марррага яқинлашди — коммунистик жамиятни кенг равишда қуришга киришди. Бу даврнинг асосий мазмуни ва проблемалари КПССнинг XXII съездида қабул қилинган III Программасида ўз ифодасини топди. Ривожланишнинг шу Программада кўрсатиб берилган асосий йўналиши, асосий вазифалари шундан кейинги ўн йилликлар мобайнида қиладиган ишларимиз учун энг муҳим кўрсаткичлардир.

КПССнинг XXIII съезди партиянинг кейинги йилларда тўплаган тажрибасини умумлаштирди ва жамиятимизнинг бундан буёнги ривожланишидаги конкрет йўлларни белгилаб берди. Мамлакатимизнинг ярим аср мобайнида босиб ўтган бутун йўли партиянинг сўзи билан иши бир эканлигини яққол кўрсатди. Партиянинг учинчи Программаси — коммунистик жамият негизларини қуриш Программаси ҳам албатта бажарилади. Совет Иттифоқи, социализм Ватани ер юзида коммунизмнинг Ватани ҳам бўлиб қолади.

Ўртоқлар! Партиянинг халқ билан чамбарчас, бузилмас алоқаси шундай ҳаётбахш манбаъдирки, партиямиз ўзининг енгилмас кучини мана шу манбаъдан олиб турибди.

Биргина авангарднинг ўзи, фақат битта партиянинг ўзи социализм қуролмаслигини Ленин неча марталаб уқтириб ўтган эди. Авангард, деган эди Ленин, «ўзи раҳбарлик қилаётган оммадан ажралиб қолмасдан, балки бутун оммани ҳақиқатан олға олиб боришни билганидагина авангардлик вазифасини бажара олади» (Асарлар, 33-том, 201-бет, «5-нашри»). Ўтган бутун эллик йил давомида партиямиз халқ билан алоқаларни мустаҳкамлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблаб келди.

Улуғ Ленин партиянинг омма орасида олиб борадиган иши қай мазмунда бўлишини кўрсатиб бериб, оммани коммунизм қуришга иродали, тайёр ва коммунизм қура биладиган қилиб тарбиялаш асосий вазифадир, деган эди. Бу — оддий фикрдай бўлиб кўринади. Лекин уни конкрет ишларда мужассамлантирмоқ учун инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини, жамиятимизнинг ҳамма табақаларини ўз ичига оладиган ҳақиқатан жуда катта ишлар қилмоқ керак.

Оммани янги жамият қуришга иродали ва тайёр қилиб тарбияламоқ учун, аввало, халқни ғоявий қуроллантириш, социализм қуриш йўллари, формалари ва усулларини ишлаб чиқиш лозим. Янги жамият барпо қилиш йўлларини қидиришга бошчилик қилган ва тик бурилишлардан қўрқмай, жуда чуқур социал тадбирларни амалга оширган партиямизнинг донишмандлигига ва дадиллигига бугунги кунда таҳсин айтмасдан бўлмайди.

Совет ишчилар синфи, мамлакатимизнинг ҳамма меҳнаткашлари ўз ҳаётларини партия билан чамбарчас боғладилар. Меҳнаткаш халқнинг партияга чексиз ишончини шу нарса ҳам кўрсатиб турибдики, Совет мамлакати тарихининг энг мураккаб, энг масъулиятли босқичларида меҳнаткашларнинг партия сафига кириши айниқса кўпаяверди. Граждан урушининг оғир даврида, душман Тула ва Москвага яқинлашиб келаётган вақтида бир неча ўн минг киши партия сафига кирди. 1924 йилда, Ленин чақириғи вақтида 240 минг ишчи коммунист бўлиб қолди. Ватан уруши йилларида беш миллиондан кўпроқ киши партия сафига кирди.

Коммунистик жамиятнинг партия олдинга сурган идеялари совет кишиларининг қалбига ва онгига сингиб кетди, бутун совет халқининг жонажон иши бўлиб қолди, уни меҳнатда зўр шижоатлар кўрсатишга, янги зафарларга руҳлантирмоқда. Янги дунё туғилган буюк санани биз нишонлаб турган шу йилнинг ўзида ярим миллион киши Ленин партияси сафига кирди. Уларнинг ҳам ярмидан кўпроғи ишчилардир.

Партия халқ ишончини юксак қадрлайди. Партия бу ишончни коммунизм қуришдаги муваффақиятнинг мустаҳкам гарови деб билади.

Оммани социализм қура оладиган қилиб тарбияламоқ учун Марказий Комитетдан тортиб энг кичик партия ячейкачасигача ўн минглаб партия ташкилотларининг жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб боришлари лозим бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ҳам вазифа шундан иборатки, жамиятнинг ҳар бир аъзосига коммунистик қурилиш жараёнидаги ўз ўрнини, ўз ролини, ўзининг талант, қобилиятлари энг кўп натижа беришини таъминлайдиган ўрнини яхшироқ белгилаб олишига кўмаклашмоғимиз керак.

Халқнинг революцион ижодкорлиги шундай кенг ва уйғун бўлиб ишлайдиган системани вужудга келтирдики, бу система орқали партия ҳар кун омма билан алоқа қилиб турди, оммага раҳбарлик қилиб турибди. Советлар, касаба союзлари, комсомол, меҳнаткашларнинг кўнгилли жамиятлари мана шундай системадир. Ярим аср давомида бу система турмуш синовидан ўтди ва ўзининг шак-шубҳасиз афзалликларини кўрсатди.

Партиявий раҳбарликнинг моҳияти шундан иборатки, бу раҳбарлик бутун жамиятнинг мустаҳкам ғоявий-сиёсий бирлигини таъминлаши ижтимоий организмнинг барча таркибий қисмлари муайян мақсад йўлида бирбири билан уйғун бўлиб ривожланишини таъминлаши лозим. Биздаги мавжуд синфлар ва социал группаларнинг, барча миллатлар ва элатларнинг, барча авлодларнинг манфаатлари ва хусусиятларини ҳисобга оладиган, ўз сиёсатида шу манфаатларни ҳамиша назарда тутадиган Коммунистик партиядан бўлак бизда бошқа сиёсий ташкилот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бўлиб турган кундалик ишларнинг майда ва энг кичик сойлари бир-бири билан уйғун бўлиб, қўшилиб, ягона азим оқимга айланиши учун партия ҳамма чораларни кўрмоқда.

Мана шу бутун сиёсий ва ташкилий вазифаларни ҳал этиш партиявий иш формаларини ва методларини доимо такомиллаштириб боришни талаб қилади. Ҳозирги кунда бизда 13 миллион коммунист бор. Барча партия аъзоларининг фикри ва иродасини ягона сиёсатда мужассамлаштирмоқ учун тўғри сиёсий йўлни ҳамиша моҳирона ташкилотчилик иши билан қўшиб олиб бориш зарур. Шундай қилинганидагина партия мамлакатни ривожлантиришда ўзининг раҳбарлик ва етакчилик ролини муваффақиятли равишда амалга ошира олади.

Шуни эсда тутиб, бундан буён ҳам партиямизни ҳормай-толмай мустаҳкамлай берамиз, қуйидан тортиб то юқоригача барча партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилай берамиз. Бундан буён ҳам биз партия ички демократиясини такомиллаштира берамиз, коллектив раҳбарлик принципларини мустаҳкамлай берамиз, партия аъзоларининг ташаббускорлигини ривожлантира берамиз, партия йўлини муҳокама қилишда, ишлаб чиқишда ва амалга оширишда барча коммунистларнинг актив иштирок қилишига эриша берамиз, партия сафларида интизомни мустаҳкамлай берамиз. Бу иш учун бизда мустаҳкам негиз бор, у ҳам бўлса — ленинча демократик централизм принципидир, партия турмушининг ленинча нормаларидир. Шу нормаларга риоя қилиш биз учун бузилмас қонундир.

Партиянинг кучи шундаки, тарихнинг ҳар бир босқичида у ўз фаолиятига ўз-ўзини танқид кўзи билан қарайди ва йўл қўйилган хатоларни шу асосда тузатиб боради. Бундан буён ҳам партия ҳамма коммунистларга талабчанликни ошира беради, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантира беради. Йўлимизда қандай қийинчиликлар ва қандай проблемалар бундан буён учрамасин, биз буларнинг ҳаммаси муваффақиятли бартараф қилинажагига аминмиз.

Партия коммунистик қурилиш кўлами кенгая борган сари халқ тақдири учун, мамлакат тақдири учун ўзининг роли, масъулияти ўса боришини яхши тушунади. Мамлакат ташқи ва ички сиёсатининг энг муҳим масалалари муҳокама қилинадиган партия съездларининг, партия Марказий Комитети Пленумларининг ўсиб бораётган роли ҳам мана шундан келиб чиқади. Партия марксизм-ленинизм назариясининг бебаҳо бойлигини халқимиз тўплаган тажриба билан қўшиб, ўз фаолиятини тўхтовсиз такомиллаштираверади.

(Давоми 7-бетда).

СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

(Боши 2, 3, 4, 5, 6-бетларда).

Коммунист деган ном зиммамизга кўп ишларни юклайди. Коммунистларда битта имтиёздан бошқа ҳеч қандай имтиёз йўқ. Бу имтиёз шуки, улар ўзларининг куч ва ғайратларини умумий ишга бошқалардан кўра кўпроқ сарфлашлари, шу ишнинг тантанаси учун бошқалардан кўра яхшироқ курашишлари ва меҳнат қилишлари керак. Коммунистларнинг битта ҳуқуқдан бошқа ҳеч қандай алоҳида, ҳуқуқлари йўқ. Бу ҳуқуқ шуки, улар ҳамиша олдинги сафда бўлишлари, ҳамиша энг қийин жойда бўлишлари керак.

Бугун, Октябрь Ватанининг иккинчи эллик йиллиги бўсағасида биз коммунистлар бутун масъулиятни ўз зиммамизга олган ҳолда шуни айтамизки, бундан буён ҳам ўзимизнинг бутун билимимизни, кучимиз ва қобилиятимизни халққа, халқ манфаатлари ва бахт-саодати учун курашга сарфлай берамиз.

Партиямизнинг воқеалар билан тўлиқ ва бой катта тарихи бор. Модомики, биз жуда катта ва қийин йўлни муваффақият билан босиб ўтиб, ҳамма синовларга муносиб бардош берган эканмиз, бунинг сабаби аввало шуки, биз ҳамиша энг ишончли қуролдан — марксизм-ленинизм таълимотидан фойдаланиб келдик, шу таълимотга оғишмай амал қилдик, бу таълимотни ижодий ривожлантира бердик. Модомики, бизнинг партиямиз совет коммунистларининг жипслашган жуда катта бутун коллективи ҳозирги кунда олдимизда турган ҳар қандай вазифаларни муваффақиятли адо этаётган экан, модомики, катта ёки кичик ишнинг ҳар бир участкасида коммунистлар ўзларининг авангардлик ролларини шараф билан бажараётган экан, бунинг сабаби ҳам худди шундаки, бизнинг партиямиз марксизм-ленинизм руҳида тарбияланган. мана шу буюк таълимот идеялари билан суғорилгандир. Ленинизм бизнинг партиямиз учун чинакам ғалаба фани бўлиб қолди. Ленинизм бундан буён ҳам биз учун ҳамиша шундай ғалаба фани бўлиб қолади.

Марксизм-ленинизм таълимоти эскириб қолди, ўз аҳамиятини йўқотди, деган ғап-сўзларни биз коммунистлар кўп марталаб эшитганмиз Буржуазия идеологлари. реформистлар ва ревизионистлар. майда буржуазия ғалчалари; бундан бир қанча ўн йил муқаддам яратилган назарияга ҳозирги кундаги амалий ишда қандай қилиб амал қилиш мумкин, деган гапни қайта-қайта такрорламоқдалар. Биз бундай танқидчиларга жавоб бериб айтамизки, бутун гап шу назариянинг қандайлигига боғлиқ.

Ҳа, жаҳонни янгилашни даъво қилиб чиққан назариялар, концепциялар, бутун-бутун фалсафий системалар турмушга тўқнаш келиш билан кунфаякун бўлиб шармандаларча йўқ бўлиб кетганлигини кўрсатувчи ўнлаб ва юзлаб мисолларни тарих билади. Марксизм-ленинизм фанини буржуазия манфаатларига мосланган ва айёрлик билан тузилган сохтагарликлар билан ёки турмушдан ажралиб қолган пала-партиш сохта революцион назариялар билан алмаштиришга уринган ва уринаётган кимсаларнинг ҳаммасининг тақдири муқаррар худди шундай оқибат билан тугайди.

Догмаларга асосланган, жамиятнинг ривожланиши билан баравар қадам ташлаб бора олмайдиган назариялар эскириб қолаверади. Илмий коммунизм назариясининг тарихий тақдири бошқача бўлди ва бўлажак. Марксизм-ленинизмнинг кучи шундаки, у конкрет вазиятни ҳамиша конкрет таҳлил этишни талаб қилувчи революцион, материалистик диалектикага асосланади. Практика билан, реал турмуш билан маҳкам, доимий алоқада бўлиш. воқеликка қатъий илмий ёндошиш марксизм-ленинизмнинг жон-танидир. Марксизм-ленинизмнинг абадий навқиронлигининг сири ҳам мана шунда.

Маркс, Энгельс, Ленин жамият ва синфий кураш тўғрисида, тарих ривожланишининг қонунлари тўғрисида, социалистик революция ва социализм қуриш йўллари тўғрисида бизга берган билимларнинг ҳаммасини биз ижтимоий фикрнинг буюк ғалабаси деб авайлаб сақлаб келмоқдамиз. Лекин бу билимларни архивариуслар кўҳна қоғозларни сақлаганлари каби сақлаётганимиз йўқ, балки биз бу билимларни ана шу буюк таълимот ворисларига муносиб равишда сақлаб келмоқдамиз — билимларнинг бебаҳо капиталини дадиллик билан сиёсий практикага татбиқ қилмоқдамиз, бизга мерос бўлиб қолган назарий бойликни муттасил ривожлантириб, кўпайтирмоқдамиз. Биз марксизм-ленинизм таълимотини ривожлантирмай туриб олға бора олмаймиз.

Марксизм-ленинизм совет халқининг ғоявий байроғи бўлиб қолди. Бу — революциямизнинг энг катта ғалабаси, коммунизм зафарининг калити. Партия ҳар бир совет кишиси марксизм-ленинизмни тўғри йўл кўрсатувчи компас қилиб олишига, ҳаракатга тўғри йўл кўрсатувчи қўлланма деб билишига интилмоқда.

Халққа фидокорона меҳнат қилишга ўзини бағишлаган революцонерлар бўғинлари жонбозлик билан олиб борган курашнинг ва улар қилган жуда катта меҳнатнинг буюк якуни партиямизнинг кучи. нуфузи ва обрўйидир.

Подпольячи большевикларнинг. Октябрь қатнашчиларининг, граждан уруши қатнашчиларининг ленинчи гвардияси партиянинг шон-шуҳрати ва ифтихоридир. Улар Ленин билан бирга халқ бахти ва озодлиги учун душманларга қарши биринчи бўлиб жанг қилдилар, социализмнинг биринчи негизларини қурдилар. Уларнинг ҳаёти ўзи зўр ширжоатдир. партия ишига, революция ишига хизмат қилишнинг буюк намунасидир. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ва гражданлар урушининг актив қатнашчиларидан 128 мингдан кўпроқ киши Октябрнинг 50 йиллиги арафасида Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди. Биз ҳозирги кунда ҳам жанговар сафда турган партия ветеранларини чин кўнгилдан муборакбод қиламиз.

Совет давлатининг иқтисодий қудратини яратишда қатнашган, Ватан урушининг оғир йилларида қўлига қурол олиб. Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилган коммунистлар авлоди партия сафида самарали меҳнат қилмоқда. Коммунистларнинг ёш авлоди кекса ўртоқлар билан бир сафда бормоқда. Коммунизм идеяларига содиқ бўлган бу ёш бўғин оталар йўлидан дадил бормоқда. Ишимизнинг ғалабасига бўлган чуқур ишонч. ишчилар синфининг, халқнинг манфаатларига чексиз содиқлик, курашда бардамлик — мана шу ажойиб ҳислатлар коммунистларнинг бир авлодидан иккинчи авлодига ўтаётир.

Коммунистлар учун, барча совет кишилари учун партиянинг обрў-эътиборини авайлаб сақлашдан, унинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлашдан, унинг кучини кўпайтира боришдан кўра юксакроқ бурч йўқ.

Совет меҳнаткашларининг жанговар авангарди Ленин партиясига шон-шарафлар! Барча ғалабаларимизнинг асосий гарови — партия билан халқнинг бузилмас бирлиги бундан буён ҳам мустаҳкамлана берсин!

* * *

Ўртоқлар! Октябрнинг шонли байрамини кутиб олаётган барча совет кишилари қўлга киритилган ғалабалар билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Мамлакатда Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа жуда кенг миқёсда авж олиб кетди. Янги заводлар ва фабрикалар муддатидан олдин ишга туширилаётганлиги тўғрисида, саноат ва қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият меҳнатчиларининг ажойиб ютуқлари тўғрисида ҳамма ёқдан хабарлар келиб турибди.

Юбилей рапортларида айтилаётган нарсалар ҳаммамизни қувонтирмаслиги мумкин эмас. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш шу йилнинг ўн ойи мобайнида 10,4 процент кўпайди. Барча саноат министрликлари ва барча иттифоқдош республикалар ўн ойлик планни ошириб бажарганликларини бугун биз алоҳида мамнуният билан қайд қилмоқдамиз.

Юбилей йилида қишлоқ хўжалик меҳнатчилари эришган муваффақиятлар ҳам оз эмас. Улар улуғ байрамимизни муносиб кутиб олмоқдалар. Бу йилги об-ҳаво шароити мураккаб бўлганлигига қарамай, колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари яхши ҳосил етиштирдилар ва дон сотиш планини ошириб бажардилар. Давлат уч ярим миллиард пудга яқин ғалла олди. Чорвачилик маҳсулотларини, картошка. кунгабоқар пистаси, қанд лавлаги, чой барги харид қилиш планлари ошириб бажарилди. Пахта, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш муваффақиятли бормоқда.

Ўзларингизга маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиққан юзлаб корхоналар, ташкилотлар, совхозлар ва колхозларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроқлари билан мукофотландилар. Юбилей мусобақасининг шонли ғолибларини чин кўнгилдан қутлашга, ҳамма меҳнаткашларга фидокорона меҳнатлари учун, бу юбилей йилида хўжаликда, фанда, маданиятда эришган янги муваффақиятлари учун қизғин ташаккур айтишга ижозат бергайсиз.

Октябрнинг 50 йиллиги фақат совет халқи учунгина эмас, шу билан бирга қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари учун, барча мамлакатларнинг коммунистлари учун. халқаро ишчилар ҳаракати учун, ҳамма меҳнаткашлар учун ҳам байрам бўлиб қолди. Ажнабий дўстларимизга Совет мамлакатининг улуғ байрамида қатнашганликлари учун партиямиз ва бутун халқимиз номидан қизғин ташаккур изҳор қиламиз. Азиз дўстлар ва қардошлар, сизнинг дўстлигингиз ва бирдамлигингиз, ғалабангиз коммунизм учун курашда совет кишиларига ҳамиша илҳом манбалари бўлиб келди ва бўлаверади. Инсоният тараққиёти учун курашнинг муштарак ишига қардош партиялар қўшаётган ҳиссани юксак даражада қадрламоқдамиз.

Бизнинг мана шу юбилей кунларимизда душманларимизни ҳам эсламасдан ўтиб бўлмайди. Ахир, улар ҳам Октябрнинг 50 йиллик байрамига, агар таъбир жоиз бўлса, ўзларига яраша ҳисса қўшишга уриндилар. Коммунизм душманлари ўзларига яраша тереаб-пишиб кўп уриндилар. Империалистик пропаганданинг жуда катта машинаси тинимсиз ишлаб турди. Эски Россиянинг сандиқдаги қуядоридан чиқариб олинган қолдиқлари ишга солинди. Сотқинлар ва муртадлар, империализмнинг пул олиб ишлаётган агентлари ва унинг турли мамлакатлардаги кўмакчилари шовқин-суронни бошлаб юбордилар. Бироқ биз шундай бир вақтда яшаб турибмизки, Советлар мамлакати қилган ишларнинг улуғлигини ҳеч ким камсита олмайди, ишларимизнинг ва социализм ғалабаларининг чинакам моҳиятини бузиб кўрсатишни ҳеч ким уддалай олмайди. Ғанимларимизнинг бу йўлдаги ҳаракати, туҳмати ва ёлғонлари уларнинг ўзларини шармаида қилади. Октябрь Ватани, ғолиб социализм мамлакати эса барча мазлумларнинг умиди ва таянчи, тинчлик, халқлар озодлиги ва бахт-саодати учун курашаётган ҳамма кишиларнинг таянчи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ўртоқлар! Октябрь кўтарган социализм байроғи ҳозирги кунда жаҳон устида бутун инсоният келажагининг рамзи бўлиб ҳилпираб турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи шу нарсага қатъий аминдирларки, совет давлати биринчи эллик йиллигининг муваффақиятлари, жаҳон социалистик ҳаракатининг ҳамма отрядлари шу вақт ичида эришган муваффақиятлар мамлакатимизнинг ҳам, бошқа мамлакатлар халқларининг ҳам янада ажойиб келажаги, дебочасидир. Коммунизм бутун инсониятнинг эртаги кунидир!

Бутун дунё меҳнаткашлари олдида Ленин партияси тантанали равишда шуни айтадики, Совет Иттифоқи коммунистлари, улуғ совет халқи ўзининг тарихий миссиясини албатта бажаради — жаҳонда биринчи коммунистик жамиятни муваффақиятли равишда қуради!

Яшасин инсоният тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революцияси!

Яшасин коммунизм қураётган қаҳрамон совет халқи!

Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва бахт-саодатининг пойдевори, тинчлик ва тараққиётнинг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, улуғ Ленин партияси!

Яшасин давримизнинг зафарли революцион таълимоти — марксизм-ленинизм!

Империализмга қарши, тинчлик, демократия, социализм учун, миллий мустақиллик, халқлар хавфсизлиги ва озодлиги учун курашда социалистик мамлакатлар, коммунистик партиялар, халқаро ишчилар синфи, барча революцион ва прогрессив кучларнинг бирлиги мустаҳкамлана берсин!

Коммунизм ғалабаси сари. олға!

(Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Доклад тугаганидан кейин ҳамма ўрнидан туради. Гулдурос давомли қарсаклар бошланади. «Ура!» хитоблари эшитилади).

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ЖАҲОН УЗРА ҲИЛПИРАМОҚДА

(Боши 1- бетда).

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, — дейди сўзини давом эттириб, Н. В. Подгорний,— инсоният тарихида янги давр очди. Қудратли Совет давлатининг муваффақиятларида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ютуқларида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, миллий озодлик кураши кенг қулоч ёзаётганида Октябрь ишининг тантанасини кўрамиз. Демократия, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, империалистик реакция ва урушга қарши чиқаётган кучлар бир оқим бўлиб тобора маҳкамроқ жипслашмоқдалар.

Бутун дунёдаги миллион-миллион кишиларнинг нигоҳи ҳозир Совет Иттифоқига, Ватанимиз пойтахти — Москвага қаратилган. Чет эллардаги дўстларимиз, барча қитъалардаги меҳнаткашлар, барча тараққийпарвар кучлар Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейини кенг кўламда нишонлаётганликлари бизни қувонтиради. Бу Октябрь революцияси интернационал характерининг ёрқин ифодаларидан бири бўлиб, инсоният тақдирида Октябрь ўйнаган тарихий ролни ҳамма эътироф қилганлигининг кўринишидир.

Бизнинг тантанали мажлисимизда жаҳоннинг 95 мамлакатидан келган коммунистик, ишчилар, миллий озодлик ва демократик ҳаракат вакиллари ўтиришибди.

Мажлис қатнашчилари номидан, бутун совет халқи номидан чет эллик меҳмонларимизни қизғин табриклашга ижозат бергайсиз!

Залдагилар ва президиумдагилар яна ўринларидан туришади ва тик турган ҳолда ҳар бир чет эл делегациясини қизғин қарсак чалиб табриклайди.

Биз,—дейди сўнгра Н. В. Подгорний, қардош социалистик мамлакатлар делегацияларини:

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Тодор Живков бошлиқ Болгария Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Янош Кадар бошлиқ Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ле Зуан бошлиқ Вьетнам Меҳнаткашлар партияси, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси ва ҳукуматининг делегациясини;

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихт бошлиқ Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва Сиёсий бюро президиумининг аъзоси, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий халқ мажлиси президиумининг раиси ўртоқ Цой Ен Ген бошлиқ Корея Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикаси соғлиқни сақлаш министри ўртоқ Хосе Рамон Мачадо Вентура бошлиқ Куба Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Юмжагийн Цеденбал бошлиқ Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Владислав Гомулка ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Юзеф Циранкевич бошлиқ Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Николае Чаушеску бошлиқ Руминия Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегациясини;

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти ўртоқ Антонин Новотний бошлиқ Чехословакия Социалистик Республикаси партия-давлат делегациясини;

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси ўртоқ Иосип Броз Тито бошлиқ Югославия Социалистик Федератив Республикасининг давлат-партия делегациясини;

чин кўнгилдан табриклаймиз;

Тантанали мажлисимиз ишида жаҳон меҳнаткашларининг революцион авангарди бўлган марксчи-ленинчи партияларнинг вакиллари қатнашмоқдалар;

Австралия Коммунистик партиясининг миллий секретари ўртоқ Лоренс Ааронз бошлиқ партия делегациясини;

Австрия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Франц Мури бошлиқ партия делегациясини

Аргентина Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Викторио Кодовилья бошлиқ партия делегациясини;

Бельгия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Эрнест Бюрнель бошлиқ партия делегациясини;

Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Жон Голлан бошлиқ партия делегациясини;

Венесуэла Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Хэсус Фариа бошлиқ партия делегациясини;

Гваделупа Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Эвремон Жен бошлиқ партия делегациясини;

Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Макс Рейман бошлиқ партия делегациясини;

Германия — Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партиясининг раиси ўртоқ Герхард Данелиус бошлиқ партия делегациясини;

Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Костас Колияннис бошлиқ партия делегациясини;

Дания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Кнуд Есперсен бошлиқ партия делегациясини;

Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг секретари ўртоқ Меир Вильнер бошлиқ партия делегациясини;

Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг Раиси ўртоқ Шрипат Амрит Данге ва Миллий кенгаш Бош секретари ўртоқ Ражешвар Рао бошлиқ партия делегациясини;

Иордания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Фуод Нассор бошлиқ партия делегациясини;

Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Нозим Али бошлиқ партия делегациясини;

Эрон Халқ партияси Марказий Комитети бюросининг Раиси ўртоқ Ризо Радманеш бошлиқ партия делегациясини;

Ирландия Ишчи партияси Ижроия комитетининг секретари ўртоқ Майкл О' Риордан бошлиқ партия делегациясини;

Шимолий Ирландия Коммунистик партияси Ижроия комитетининг Раиси ўртоқ Эндрю Барр бошлиқ партия делегациясини;

Исландия Бирлашган социалистик партиясининг Раиси ўртоқ Эйнар Олгейрссон бошлиқ партия делегациясини;

Испания Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ Долорес Ибаррури бошлиқ партия делегациясини;

Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Луижи Лонго бошлиқ партия делегациясини;

Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Уильям Каштан бошлиқ партия делегациясини;

Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг Бош секретари ўртоқ Эзекиас Папаиоанну бошлиқ партия делегациясини;

Колумбия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Хил Кл берто Вигейра бошлиқ партия делегациясини;

Коста-Рика Халқ авангарди партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Мануэль Мора бошлиқ партия делегациясини;

Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Николай Шауи бошлиқ партия делегациясини;

Люксембург Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ Доминик Урбани бошлиқ партия делегациясини;

Марокаш Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Али Ята бошлиқ партия делегациясини;

Мартиника Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Арман Николя бошлиқ партия делегациясини;

Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Арнольдо Мартинес Вердуго бошлиқ партия делегациясини

Норвегия Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ Рейдер Ларсен бошлиқ партия делегациясини;

Панама Халқ партиясининг Бош секретари ўртоқ Рубен Дарио Соуса бошлиқ партия делегациясини ;

Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Хорхе дель Прадо бошлиқ партия делегациясини;

Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Алваро Куньял бошлиқ партия делегациясини;

Реюньон Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Поль Вержес бошлиқ партия делегациясини;

Сан-Марино Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Эрмен Жильдо Гаспероні бошлиқ партия делегациясини;

Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Холид Бағдош бошлиқ партия делегациясини;

АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Гэс Холл бошлиқ партия делегациясини;

Тунис Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Муҳаммад Хармел бошлиқ партия делегациясини;

Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ёқуб Дамир бошлиқ партия делегациясини;

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Родней Арисменди бошлиқ партия делегациясини;

Финляндия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Вилле Песси ва партия Раиси ўртоқ Аарне Сааринен бошлиқ партия делегациясини.

Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Вальдек Роше бошлиқ партия делегациясини;

Цейлон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Раиси ўртоқ Сугисвара Викремасингхе бошлиқ партия делегациясини;

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Луис Корвалан бошлиқ партия делегациясини;

Швейцария Меҳнат партиясининг Бош секретари ўртоқ Эдгар Воог бошлиқ партия делегациясини;

Сўл партия — Швеция коммунистларининг шу партия секретари ўртоқ Урбан Карлссон бошлиқ партия делегациясини;

Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Педро Саад бошлиқ партия делегациясини;

Жанубий Африка коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ Жон Маркс бошлиқ партия делегациясини қардошларча табриклашга ижозат бергайсиз.

Биз Боливия, Бразилия, Гаити, Гватемала, Гондурас, Доминикана Республикаси, Лесото, Никарагуа, Парагвай Пуэрто-Рико, Сальвадор, Судан коммунистик ва ишчи партиялари делегацияларини, Жазоир коммунистларининг вакилларини ва бошқа ўртоқларни ҳам қизғин табриклаймиз.

Янги Зеландия Социалистик бирлик партиясининг Биринчи секретари ўртоқ Жорж Жексон бошлиқ партия делегациясига салом йўллаймиз.

Бизнинг тантанали мажлисимизда ўз сафларида меҳнаткашлар оммаси манфаатлари учун курашувчи ўн миллионларча кишиларни бирлаштирган халқаро демократик ташкилотларнинг делегациялари:

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг делегацияси;

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг делегацияси;

Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг делегацияси;

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг делегацияси;

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг делегацияси;

Фан, адабиёт, санъат арбобларини, журналистларни, барча қитъалардаги прогрессив студентларнинг кенг қатламларини бирлаштирувчи халқаро демократик ҳаракатларнинг делегациялари ўтиришибди.

Америка босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашаётган Жанубий Вьетнамнинг вакиллари залимизда ўтиришибди.

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Данг Чан Тхи бошлиқ Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти делегациясига жанговар қардошлик саломи топширишга ижозат бергайсиз!

Социал тараққиёт йўлига тушиб олган мустақил миллий давлатларнинг шонли Октябрь юбилейига келган партия-ҳукумат делегацияларини:

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион кенгашининг аъзоси, молия ва план министри Аҳмад Каид бошлиқ делегацияни;

Гвинея Демократик партияси Миллий сиёсий бюросининг аъзоси, давлат молия ва планлаштириш министри Сайфулла Диалло бошлиқ Гвинея Республикаси делегациясини;

Конго (Браззавил) Миллий революцион ҳаракати партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, партия секретари, миллий реконструкция ва қишлоқ хўжалик министри Клод да Коста бошлиқ Конго Республикаси (Браззавил) делегациясини;

Мали Республикаси Революцияни ҳимоя қилиш миллий комитетининг аъзоси, юстиция ва меҳнат министри Мамаду Мадейра Кейта бошлиқ Мали Республикаси делегациясини;

Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти, Араб социалистик иттифоқи Олий ижроия комитетининг аъзоси Али Сабрий бошлиқ Бирлашган Араб Республикаси делегациясини;

Сурия бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри, Араб социалистик тикланиш партияси Сурия раҳбарлигининг аъзоси Иброҳим Махсус бошлиқ Сурия Араб Республикаси делегациясини хурсандчилик билан табриклаймиз.

Шу ерда ҳозир бўлган қуйидаги делегацияларни:

Анголани озод қилиш халқ ҳаракати партиясининг раиси Агостиньо Нето бошлиқ партия делегациясини;

Ўртоқ Чедди Жаган бошлиқ Гаяна Халқ прогрессив партияси делегациясини;

Гвинея ва Яшил Бурун ороллари африкаликлар партиясининг бош секретари Амилкар Кабрал бошлиқ партия делегациясини;

Африкаликлар Зимбабве халқи иттифоқи партиясининг бош секретари Жорж Ньяндоро бошлиқ партия делегациясини;

Мозамбик Озодлиги фронти партиясининг президенти Эдуардо Мондланде бошлиқ партия делегациясини;

Сомали Демократик иттифоқи партияси Марказий Комитетининг секретари Юсуф Самантар бошлиқ партия делегациясини қизғин табриклашга ижозат бергайсиз.

Биз қуйидаги делегацияларни:

Италия Пролетар бирлиги социалистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Товаритлем Туллио Веккьетти бошлиқ делегациясини;

Автоном социалистлар ҳаракати (Италия) координацион комитетининг аъзоси ўртоқ Луижи Андерлини бошлиқ делегацияни;

Норвегия Социалистик халқ партияси Марказий правлениесининг аъзоси ўртоқ Финн Густавсен бошлиқ партия делегациясини;

Финляндия ишчилари ва майда деҳқонлари социал-демократик иттифоқининг раиси ўртоқ Аарре Симонен бошлиқ иттифоқ делегациясини;

Финляндия халқи демократик иттифоқининг раиси ўртоқ Эле Алениус бошлиқ иттифоқ делегациясини;

Ўртоқ Сальвадор Альенде бошлиқ Чили социалистик партияси делегациясини;

Япония социалистик партияси Марказий Ижроия Комитетининг Бош секретари ўртоқ Коити Ямамото бошлиқ партия делегациясини қизғин табриклашга ижозат бергайсиз.

Миллий бирлик революцион партиясининг (Венесуэла) Бош секретари ўртоқ Хосе Висенте Ранхелни;

Ҳиндистон бирлашган социалистик партиясининг раиси Шридхар Махадев Жўш билан шу партия парламент фракциясининг раҳбари Мадҳу Лимайяни;

Цейлон озодлик партиясининг вице-президенти Майтрипал Сенанаякени;

Цейлон социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Колвин де Силвани табриклаймиз;

Биз Афғонистондан келган меҳмонларни — Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳиршоҳнинг вакиллари — сенат раиси Абдулло Ходи Дави жаноблари билан сенатор Султон Аҳмад Шерзои жанобларини хурсандчилик билан табриклаймиз.

Биз Совет Иттифоқи билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи чет эл жамиятлари ва уюшмаларининг, миллий демократик ташкилотларнинг шу ерда ҳозир бўлган вакилларини, шунингдек юбилей тантаналарида қатнашмоқ учун Москвага ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларига келган барча чет эллик меҳмонларни қизғин табриклаймиз.

Советлар мамлакатининг эллик йил ичида эришган жуда катта муваффақиятлари, дейди сўзининг охирида Н. В. Подгорний, унинг янада кучли суратда ўсиши учун, муттасил олға ҳаракат қилиб боришимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Қўлга киритилган ғалабалар совет халқини бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм тантанаси йўлида янги зафарларга илҳомлантиради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисини очиқ деб эълон қиламан.

Залда янада кучли овация бошланади. Совет Иттифоқи гимнининг садолари бутун саройда жаранглайди. Залдагилар ўринларидан туриб, гимннинг тантанали садосини тинглайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **Л. И. Брежневга** сўз берилади. Мажлис қатнашчилари Л. И. Брежневни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади катта эътибор билан тингланди. Мажлис қатнашчилари докладнинг якунловчи сўзларини гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Ҳамма ўрнидан туради.

Танаффусдан сўнг кечки мажлис бошланади.

Мажлис қатнашчиларини РСФСР Министрлар Советининг Раиси Г. И. Воронов, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихт, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, Франция Коммунистик партияси бош секретари Вальдек Роше табрикладилар.

Мажлис қатнашчиларини пионерлар ҳам қутладилар.

4 ноябрь эрталабгача танаффус эълон қилинади.

(3 ноябрдаги кечки мажлиснинг тўла ҳисоботи навбатдаги сонда босилади).

РЕВОЛЮЦИЯ ЖАНГЧИЛАРИГА ЧЕКСИЗ ҲУРМАТ

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА ГРАЖДАНЛАР УРУШИНИНГ АКТИВ ҚАТНАШЧИЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРДИЛАР

2 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги арафасида Кремлга Октябрь революцияси ва Гражданлар урушининг актив қатнашчилари, Улуғ Октябрь ғалабаларини фидокорона ҳимоя қилган, мамлакатимизда социализм қурувчиларинг биринчи сафларида бўлган кишилар келишди.

Революция ва Гражданлар урушининг шуҳрат қозонган ветеранларининг партия ва ҳукумат раҳбарлари билан бўлган учрашуви самимий ва жуда илиқ вазиятда ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг Раиси А. Я. Пельше бу ерда тўпланган ветеранларга тантанали вазнятда Совет Иттифоқи орденларини топширдилар. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муносабати билан кекса большевиклар, собиқ қизил гвардиячилар, Қизил Армия ва Харбий Денгиз флотининг жангчилари, командирлари ва сиёсий ходимлари, қизил партизанлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, революцион комитетлар, ВЧК ва милиция ходимлари, махсус қисмлар ва озиқ-овқат отрядларининг жангчилари ҳамда 1917 — 1922 йилларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган курашда алоҳида ўрнак кўрсатган бошқа кишиларга мамлакатимизнинг юксак мукофотлари берилди.

Ленин ордени М. А. Алибоев, А. Ортиқов А. В. Белишев, М. М. Дадашев, А. Н. Дианов, С. С. Завьялов, И. М. Зверев, С. И. Кавтарадзе, Д. И. Каргиев, К. А. Карпов, Н. А. Колесниченко, А. С. Костенко, Д. А. Лазуркина, Т. Ф. Людвинская, Р. Г. Майк, И. В. Нефедов, Н. П. Растопчин, К. К. Ратнек, Х. В. Саттаров З. Я. Сорокова, М. Х. Ўринхўжаев, Т. Усмонова, Л. А. Фотиева, М. В. Фофанова, К. В. Шахов — Ланковский ўртоқларга ва бошқа ўртоқларга топширилди.

Ленин ордени жами 131 кишига топширилди.

Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Закавказье ва Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятни ўрнатиш учун курашган кишилардан катта группасига Қизил Байроқ ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени топширилди.

Мукофотланганлар ўз фаолиятларига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар бундан кейин ҳам ўзимизнинг бутун куч-ғайратимизни, билим ва тажрибамизни коммунизм қурилиши ишига бағишлаймиз, ёшларни кекса авлодинг революцион, жанговар ва меҳнат традициялари руҳида тарбиялашда партияга ёрдам берамиз, деб ишонтирдилар.

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, А. Я. Пельше ўртоқлар Октябрь ва Гражданлар урушининг актив қатнашчиларини юксак мукофот билан табрикладилар, революция ветеранларининг партия ва халқ олдидаги улкан хизматларини айтиб ўтдилар. Совет қишилари Ленин гвардиясига, социалистик қурилиш қаҳрамонларига қойил қолади ва уларнинг Ленин идеялари, Улуғ Октябрь идеялари тантанаси ишига қўшган буюк ҳиссасини миннатдорчилик билан эсда сақлайди.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари ветеранларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг яқинлашиб келаётган 50 йиллиги байрами билан самимий табрикладилар, уларга муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва шахсий ҳаётларида бахт-саодат тиладилар. (ТАСС).

КОСМОСДАГИ КАТТА ТАЖРИБА ТУГАЛЛАНДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1967 йил 2 ноябрда Ернинг махсус ускуналанган сунъий йўлдошлари «Космос-186» ва «Космос-188» ёрдамида ўтказилган катта экспериментал тадқиқотлар программаси тугалланди.

Бу эксперименталнинг асосий мақсади Ернинг иккиқ сунъий йўлдошини автоматик тарзда туташтиришга имкон берган илмий идеялар ва конструкторлик ечимларини космик парвоз шароитларида текшириб кўришдан иборат эди.

Эксперименталнинг программаси Ернинг сунъий йўлдоши — «Космос-186»ни орбитага чиқариб, уч сутка мобайнида автоном равишда учиришни, иккинчи йўлдош — «Космос-188» йўлдошини унга яқин орбитага чиқариб, шу йўлдошларни бир-бирига яқинлаштириш, автоматик тарзда туташтириш, қўшалоқ комплексининг орбита бўйлаб бирга парвозини ва сўнгра йўлдошларни бир-бирларидан автоматик тарзда ажратишни кўзда тутган эди.

«Актив» йўлдош — «Космос-186» парвози процессида 27 октябрдан 30 октябрга ўтган вақт мобайнида унинг ичидаги системалар синаб кўрилди ва парвознинг орбитада автоматик тарзда туташтиришдек асосий мақсадни бажаришга тайёрланди.

«Космос-186» йўлдоши космик фазода режаланган маневрларни бажарди. Йўлдошнинг барча системалари, шу жумладан йўлдош ичидаги ҳисоб-ечим қурилмалари нормал ишлади.

1967 йил 30 октябрда «Космос-186» йўлдоши билан автоматик тарзда туташтириш учун «Космос-188» йўлдоши орбитага чиқарилди.

Маъноси очилган телеметрик ўлчаш сигнали материаллари ва телевизион тасвирларни ўрганишдан маълум бўлишича, «Пассив» «Космос-188» йўлдошини радиоқамраш программага мувофиқ бажарилди. «Космос-186» йўлдоши махсус ҳаракатлантиргич қурилма ёрдамида ва тегишли радиотехника аппаратларидан фойдаланган ҳолда космик фазода маневр қилиб, «Космос-188» йўлдошига 300 метрча масофа яқинлашди. Бунда бажарилган маневрлар натижасида никала йўлдош параметрлари жиҳатидан туташтиришни таъминлайдиган орбиталарга яқин бўлди. Икки йўлдошнинг бевосита яқинлашиш ва уларнинг автоматик тарзда туташиш босқичи ҳисоб-ечим қурилмасида ўрнатилган мантиққа қатъий мувофиқ равишда бажарилди. Йўлдошларнинг 300 метрдан камроқ масофада бир-бирларига яқинлаштириб, тегизиш ва тортиш кучи камроқ бўлган ҳаракатлантиргич установкалар ёрдамида қиланди.

Бутун парвоз, яқинлашиш, туташиш ва ажралиш процессида никала йўлдошнинг радиотехника аппаратлари, ҳисоб-ечим қурилмалари ва автоматик системалари комплекси пухта ишлади.

Йўлдошлар бир-бирларидан ажратилиб, «Космос-186» йўлдоши Ерга қайтариб туширилганидан сўнг «пассив» йўлдош «Космос-188»ни учириб синаш яна икки сутка мобайнида давом эттирилди.

Шу вақт мобайнида орбитада «Космос-188» йўлдоши маневр қилдирилди, турли учиш режимларида унинг барча системаларининг иш қобилияти текшириб кўрилди. Белгиланган парвоз программаси бажарилиб бўлгач, «Космос-188» йўлдоши Ерга қайтарилди.

Ўтказилган эксперимент натижалари орбитада йўлдошларнинг бир-бирлари билан автоматик тарзда туташиш амалга оширилганлиги илмий идеялар ва конструкторлик ечимлари тўғри бўлиб чиққанлигини тасдиқлади.

Космосда ўтказилган бу эксперимент совет фанини ривожлантиришда эришилган янги илмий-техника ютуғи эканлигидан далолат бериб, катта илмий космик станциялар яратишда янги истиқболлар очиб беради. Техниканинг ҳозирги тараққиёт босқичида орбитада одам иштирокисиз космик аппаратларни автоматик тарзда йиғишни амалга ошириш мумкин эканлиги амалий кўрсатиб берилди.

Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари космонавтикининг энг мураккаб проблемаларидан бирини муваффақият билан ҳал этганликлари орбитада илмий станциялар вужудга келтириш ва уларни таъминлаш, планеталараро учишларни амалга ошириш ва ракета-космик комплексларни тагин ҳам такомиллаштириш имкониятларини анчагина кенгайтиради.

Ернинг сунъий йўлдошларини автоматик тарзда туташтириш — космик фазони ўзлаштиришда совет халқи эришган янги юксак ғалабадир.

«КОСМОС-190» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1967 йил 3 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-190» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: айланишининг бошланғич даври 89,8 минут; Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейида) 347 километр; Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейида) 201 километр; орбитанинг оғиши 65,7 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари 19,995 мегагерц частотада ишлайдиган радиоперед. датчик; орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема; приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисида Ерга маълумот бериб турадиган радио телеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координацион-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ХАЛҚ МУҲАББАТИ

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИГА ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИШДИ



Суратда: Ўзбекистон делегациясининг бошлиқлари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов ўртоқлар В. И. Ленин мавзолейига гулчамбар қўйдилар.

Сурат фототелеграф орқали олинди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда иштирок этаётган иттифоқдош республикаларнинг делегациялари 2 ноябрда В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилдилар ва гулчамбарлар қўйдилар.

Делегацияларга қуйидаги ўртоқлар бошчилик қилдилар:

РСФСР делегациясига — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Г. И. Воронов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, РСФСР Олий Совети Президиумининг аъзоси, А. П. Кириленко ва РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Яснов; УКРАИНА делегациясига — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Украина ССР Министрлар Совети Раиси В. В. Шчербицкий, Республика Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко; БЕЛОРУССИЯ делегациясига — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. М. Машеров, республика Министрлар Советининг раиси Т. Я. Киселев; ЎЗБЕКИСТОН делегациясига — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов; ҚОЗОҒИСТОН делегациясига — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Қунаев, республика Олий Совети Президиумининг Раиси С. Б. Ниёзбеков, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Сейсебоев; ГРУЗИЯ делегациясига — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Г. Д. Жвахишвили; ОЗАРБАЙЖОН делегациясига — Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов, республика Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Искандаров, Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси Э. Н. Алихонов; ЛИТВА делегациясига — Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус, республика Олий Совети Президиумининг Раиси М. Ю. Шумаускас, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис; МОЛДАВИЯ делегациясига — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, республика Олий Совети Президиумининг Раиси К. Ф. Ильяшенко, Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси А. Ф. Диордица; ЛАТВИЯ делегациясига — Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Я. Э. Калнберзин, Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси В. П. Рубен; ҚИРҒИЗИСТОН делегациясига — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Т. Кулатов, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. Мамбетов; ТОЖИКИСТОН делегациясига — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов, республика Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Қаҳҳоров; АРМАНИСТОН делегациясига — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Х. Арутюнян, Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Мурадян; ТУРКМАНИСТОН делегациясига — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Овезов, республика Олий Совети Президиумининг Раиси А. М. Қиличев, Туркманистон Министрлар Советининг раиси М. Ғафуров; ЭСТОНИЯ делегациясига — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин, республика Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Мюрисеп, Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон.

Иттифоқдош республикаларнинг делегацияларини номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбарлар қўйдилар. (ТАСС).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Улуғ Октябрь социалистик революциясида, граждан урушида ва 1917 — 1922 йилларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда актив қатнашганлиги учун, Улуғ Октябрь эллик йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 28 октябрь Фармонига биноан қуйидагилар Ленин ордени билан мукофотландилар:

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Алимов Мухторжон
Бойматов Йўлдош
Дамин-Зубов Павел Васильевич

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Арслонхўжаев Шамсиддин

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Газукина Павла Михайловна
Жабборов Садрак Баласович
Миржамолов Эшонқул
Михайлов Александр Гаврилович
Соловьев Пётр Маркович
Ўринхўжаев Мирзахўжа
Ховренко Тарас Гаврилович
Хўжаев Аҳмад Султонович
Шмидт Александра Густавовна

СИРДАРЕ ОБЛАСТИДАН

Орлянский Арсений Ефимович

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Горский Иван Наумович
Жарких Семён Иванович

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН

Аҳмедов Алавутдин Захрутдинович
Гойибжонова Шамсиқамар Файзуловна
Егорова Мария Федоровна
Епифанов Николай Иванович
Желтиков Фёдор Никифорович
Козлов Александр Платонович
Макаров, Алексей Семёнович
Назаров, Иван Дмитриевич
Сафонов Константин Фёдорович
Серечев Александр Александрович
Силин Ян Янович
Толипов Абдураҳим
Тимофеев Михаил Григорьевич
Шарешевская Роза Генриховна

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Абдуллаев Мелибой
Эрматов Бегмат
Қодиралиев Исмоил Халилович
Серпков Иван Михайлович

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Абдалов Матёқуб

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Бекниёзов Худайберген
Мавленов Нурназар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Э. М. БАРКЛАЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали ишлаганлиги ва В. И. Ленин хайкалини ҳамда 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида халок бўлган жангчилар хотираси учун Тошкент область Оққўрғон посёлкасида монумент куришдаги катта хизматлари учун РСФСР бадиий фондининг рассом-архитектори Эдуард Максимович **Барклайга** «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ё. НАСРИДДИНОВА.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси

Ҳ. АСОМОВ.

1967 йил 2 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗГИПРОВОДХОЗ» ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика сув хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари ва гидромелиорация иншоотларини лойиҳалашда юксак ишлаб чиқариш кўрсатгичларига эришганликлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилсин:

1. **Плесовских** Павел Еремеевич — лойиҳанинг бош инженери.
2. **Поярков** Виктор Федорович — сектор бошлиғи.
3. **Ронкин** Эзекиель Исакович — бўлим бошлиғи.
4. **Сукерник** Борис Давидович — институтнинг бош инженери.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ё. НАСРИДДИНОВА.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси

Ҳ. АСОМОВ.

1967 йил 3 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

50 йиллик юбилей хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 3 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бўён	Шу жумладан машинада: Бир кунда	Шу жумладан машинада: Мавсум бошидан бўён
ТОШКЕНТ	0,68	112,51	0,47	130,02
ХОРАЗМ	0,67	108,57	1,05	97,36
БУХОРО	1,04	106,50	1,12	103,52
СУРХОНДАРЁ	0,99	101,35	0,53	103,13
ФАРҒОНА	0,93	100,02	0,56	111,25
Сирдарё	1,41	99,44	0,82	119,70
Қашқадарё	0,78	98,73	0,65	98,63
Самарқанд	1,70	93,23	1,93	96,79
ҚҚ АССР	1,96	91,68	1,61	88,90
Андижон	1,08	83,48	1,34	105,81
Республика бўйича:	1,12	96,95	0,99	108,75

СОВЕТ ФАНИНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ

БАЙРУТ. «Икки совет сунъий йўлдоши ердан берилган командага мувофиқ бир-бири билан туташтирилди», — деб ёзади Ливанда чиқадиган «Орьян» газетаси. Газета совет олимлари ва техникларининг улкан муваффақияти тўғрисидаги хабарни ўзининг биринчи саҳифасида йирик сарлавҳа остида босиб чиқарди.

ЛАГОС. «Совет Иттифоқи космосни тадқиқ қилиш программасини амалга оширишда янги муҳим қадам қўйди», деб хабар берди Нигерия радиоси.

Лагос радиоси икки совет йўлдошининг космосда муваффақиятли туташганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилиб, таъкидлайдики, бу инсоннят тарихида биринчи воқеа бўлиб, "йўлдошлар ердан берилган сигнал ёрдамида автоматик равишда туташтирилди.

ДАКАР. «Совет йўлдошлари космосда бир-бири билан туташтирилди». Совет космонавтикасининг янги ажойиб жасорати — Ойга кўниш олдидан асосий босқичдир» — «Дакар матэн» газетаси Совет Иттифоқининг космосни ўзлаштиришда эришган янги муваффақияти тўғрисидаги хабарни ана шундай сарлавҳалар остида эълон қилди.

ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ—БУТУН ДУНЁ БАЙРАМИ

БУДАПЕШТДА Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Ватан халқ фронти Будапешт комитети, Умумвенгрия хотин-қизлар кенгашининг Будапешт комитети ва Венгрия—Совет дўстлиги жамиятининг Будапешт правлениеси ташкил этди.

Йиғилишда Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси Фридеш Пуя Октябрнинг 50 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

РАЖАСТОН штатининг губернатори Хукам Сингх бундай деди: «Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоннят тараққиёти тарихининг боришини ўзгартирди ва Ҳиндистон мустақиллиги учун курашган кишиларга илҳом бахш этди». Хукам Сингх совет артистлари гастроллари ўтказилаётган Жайпурдаги Тагор номли театрда нутқ сўзлади. Хукам Сингх Октябрь революциясининг 50 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи халқларига қизғин салом йўллади.

РАНГУНДАГИ Марказий китоб магазинларидан бирида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлаб совет китоби виставкаси очилди. Совет ва рус ёзувчиларининг 100 дан ортиқ асари, совет сиёсий ва илмий адабиёти виставканинг стендларига қўйилган. Махсус стенд Октябрь революцияси тўғрисида ҳикоя қилади.

Байрам олди кунларида пойтахт магазинларининг китоб жавонларида В. И. Ленининг бирма тилига таржима қилинган таржимаий ҳоли пайдо бўлди, Октябрь тўғрисидаги, совет халқининг буюк ишлари ва зафарлари тўғрисидаги брошюра ва китоблар чиқарилди.

Бирма — Совет дўстлиги уюшмаси биносида ҳар якшанба куни пойтахт жамоатчилигининг йиғилишлари мунтазам суратда ўтказилмоқда. Бу йиғилишлар Октябрь революциясига ва унинг мустамлака халқлари миллий-озодлик ҳаракатига кўрсатган таъсирига бағишланган.

ПОЛЬШАДА «Октябрь революциясининг 50 йиллиги бизнинг ҳам байрамимиз» деган шиор остида саноат корхоналари ва муассасалар меҳнаткашлари, олий ўқув юртлари ва мактаб ўқувчиларининг тантанали кечалари ҳамда йиғилишлари, революция ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Жуда кўп виставкалар очилди. «Советлар мамлакатининг 50 йиллиги» фотовиставкасини жуда кўп киши томоша қилмоқда. Варшавада совет китоби виставкаси очилди. Совет фильмлари фестивали гоят муваффақиятли ўтмоқда. Корхона коллективлари Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлаш учун олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажараётганликлари тўғрисида Польшанинг ҳамма қисмидан рапортлар келиб турибди.

„СТОКГОЛЬМ БИНОКОРИ» журналининг сўнгги сони Октябрьнинг 50 йиллигига бағишланган.

В. И. Ленининг 1917 йил ноябрь ойида оммавий митингда нутқ сўзлаб турган вақтда олинган фотосурат журналнинг муқовасида босилган. Муқованинг юқори қисмида «1917 йил инсоннят тарихида бурилиш нуқтаси» деган сўзларни ўқиймиз.

Журнал Россиядаги революцион воқеалар тўғрисида ва Швециядя 1917 йилдаги ишчилар ҳаракати тўғрисида ёзилган мақолаларни, Н. К. Крупскаянинг хотиралари, Жон Риднинг «Жаҳонни титратган ўн кун» китобидан айрим парчаларни, Швеция ишчилар ҳаракати ветеранларининг хотираларини босиб чиқарди.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан шаҳар жамоатчилигининг ташаббуси туфайли Лохурда социализм проблемаларига бағишланган семинар ўтказилди. Покистоннинг собиқ юстиция министри М. Мунир «Социализм—жамият тараққиётининг қуроли» деган мавзуда доклад қилди.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан Белграддаги «Ярдан» кинотеатрида совет фильмлари ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталикда совет мамлакатида ишлаб чиқарилган «Олеко Дундич», «Турналар учмоқда» фильмлари ва бошқа кинофильмлар кўрсатилади.

СУРИЯДА чиқадиган «Албаас» газетаси «Октябрь революциясининг халқаро аҳамияти» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзади: Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси билан кишилик жамияти тарихида янги давр бошланди. Октябрь революцияси, деб ёзади газета, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракатига айниқса катта таъсир кўрсатди, агрессив урушларга қарши, зўравонлик сиёсатига қарши курашаётган прогрессив кучларнинг ўсишига зўр таъсир кўрсатди. Улуғ Октябрь социалистик Революциясининг ғалабаси социализмни назариядан практикага айлантириш имконини берди. Эндиликда капитализмдан социализмга ўтиш, деб таъкидлайди «Албаас» газетаси, давримизнинг асосий мазмунидир.

БУТУН инсоннят Совет Иттифоқининг 50 йиллигини нишонламоқда. Совет Иттифоқи фан ва техникани ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Бу эса, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг энг муҳим натижаларидан биридир. Венесуэла марказий университетининг профессори Армандо Кордоба ТАСС мухбирига ана шу гапларни айтди. Планлаштириш, деди у, қолоқлик ва қашшоқликни тугатишнинг тўғри йўлидир.

Армандо Кордоба беш йиллик планлар Совет Иттифоқининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига юксак баҳо берди. Бу планларнинг муваффақиятли бажарилиши, деб уқтириб ўтди у, совет кишиларининг фаровонлигини оширишнинг имкониятини туғдирди.

ГУАЯКИЛЬ шаҳри университети студентлари уюшмаси жаҳондаги биринчи ғолибона пролетар революцияси тўғрисида лекция ва докладлар уюштириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини нишонламоқда. Докладчилар орасида юридик факультетининг декани доктор Николас Кастро Бенитес, Ёзувчи Энрике Хиль Хильберт ва Эквадорнинг бошқа прогрессив арбоблари бор. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

№ А — 260. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 01377.